



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

1 октябр –
ЎҚИТУВЧИ ВА
МУРАББИЙЛАР КУНИ



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Бехзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 24.09.2024 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8, 8 босма табак.

Буюртма № 3. Адади 1420.

Баҳоси келишилган нархда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

4

МАЪМУРИЙ СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИК:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

6

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

“СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ:
ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА АҚШ ТАЖРИБАСИ

МУҲИМ МАВЗУ

8

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
АКАДЕМИК ҲАЛОЛЛИКНИНГ ЎРНИ ВА
АҲАМИЯТИ

11

ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ

ЖАМОАВИЙ МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ
ҲАЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

КУН МАВЗУСИ

12

АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ – ДЕМОКРАТИЯ
КЎЗГУСИ

14

МУШОҲАДА

ҚОНУНИЙ ВА АДОЛАТЛИ ҚАРОР
ИНСОНПАРВАРЛИҚДИР!

ЭКОЛОГИЯ ВА ҚОНУН

16

ИНСОННИНГ ТОЗА, СОҒЛОМ ВА БАРҚАРОР
МУҲИТДА ЯШАШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ —
БОШ МАСАЛА

18

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖАЗОНИ
ЎТАШДАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ
ОЗОД ҚИЛИШГА ОИД МЕЪЁРЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

20

КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ
ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК ЖИНОЯТИНИНГ
ОБЪЕКТИ

22

УЧИНЧИ СЕКТОР

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ
РИВОЖЛАНИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ
АСОСЛАРИ

24

ЯНГИ БОСҚИЧ

ТЕРГОВ СУДЬЯСИ – ЯНГИ ИНСТИТУТ

25

ТЕРГОВ СУДЬЯСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

26

ТАЛҚИН

СУД ХУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТМАСЛИК
ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ
СИФАТИДА

ТАДҚИҚОТ

27

ТАДБИРКОРЛАР СУД ЯКУНИГА ҚАДАР
КЕЛИШУВГА ЭРИШГАНДА...

30

НУҚТАИ НАЗАР

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ВА УНДА
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

31

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ
ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

32

МУЛОҲАЗА

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНСИЙ
ДАХЛСИЗЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ

34

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ ДЕЛИМИТАЦИЯ ВА
ДЕМАРКАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

36

СУДЬЯ МИНБАРИ

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИДА ҚАДРИЯТЛАР
МУЖАССАМ

37

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР ЭЗГУЛИККА
ЭЛТАДИ!

38

МЕНИНГ ФИКРИМ

СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИСИ ВА СОЛИҚ
МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ТАШКИЛОТИНИНГ
ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ

40

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

НИКОҲДАН СУД ТАРТИБИДА АЖРАТИШ
АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

ОЛАМ ВА ОДАМ

43

ҲАЙВОНЛАРГА ШАФҚАТСИЗ
МУОМАЛАДА БЎЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ
ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

46

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ДОПУСТИМОСТИ
ДОКАЗАТЕЛЬСТВ ПРИ РАССМОТРЕНИИ
ЗАЯВЛЕНИЙ И СООБЩЕНИЙ О
ПРЕСТУПЛЕНИИ

ТЕМА ДНЯ

49

ЗАМЕТКИ ИЗ ИСПАНИИ

52

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

“ГУМАНИТАРНОЕ ПРАВО И
МЕЖДУНАРОДНОЕ УГОЛОВНОЕ
ПРАВОСУДИЕ: ОБЕСПЕЧЕНИЕ
СПРАВЕДЛИВОСТИ ДЛЯ
ЖЕРТВ ВООРУЖЕННЫХ
КОНФЛИКТОВ”

НОВЫЙ ЭТАП

55

ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ
ДОГОВОРОВ В СИСТЕМЕ
МЕЖДУНАРОДНОГО КУЛЬТУРНОГО
ПРАВА

58

ВАЖНАЯ ТЕМА

ПРАВА ЧЕЛОВЕКА – ГЛАВНОЕ В
КОНСТИТУЦИОННЫХ РЕФОРМАХ
КАЗАХСТАНА И УЗБЕКИСТАНА

ЖИЗНЬ И ЗАКОН

60

ПРАВОВАЯ СУДЬБА ДОЛИ
ПЕРЕЖИВШЕГО СУПРУГА ПРИ
НАСЛЕДОВАНИИ НЕДВИЖИМОГО
ИМУЩЕСТВА

61

COMPARATIVE ANALYSIS

REGULATION OF DIGITAL INTELLECTUAL
RIGHTS IN THE WORLD INTELLECTUAL
PROPERTY ORGANIZATION

МАЪМУРИЙ СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИК: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Маъмурий судга тааллуқли ишларни аниқлашдаги энг муҳим тушунча бу – маъмурий низолардир. Лекин, ҳар доим ҳам барча маъмурий низолар маъмурий судга тааллуқли деган хулоса бериш мушкул. Шу нуқтаи назардан, бу борада иккита ёндашув мавжуд:

1. Умумийлик принципи (*clausula generalis*) - бу барча маъмурий низолар маъмурий судга тааллуқли эканлигини англатади;

2. Маъмурий низолар маъмурий ва бошқа судларга тааллуқлиликдан келиб чиқиб, қонунчиликда маъмурий судлар томонидан ҳал этиладиган ишлар рўйхати келтириб ўтилади.

Ўзбекистон маъмурий суд иш юритуви қонунчилиги юқоридаги иккинчи ёндашувга асосланган. Жумладан, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, фуқаролик ишлари бўйича судлар, иқтисодий судлар ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Юқоридаги нормадан кўриш мумкинки, барча маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар маъмурий судга тааллуқли эмас. Бу эса юқоридаги судларга тааллуқли ишларнинг хусусиятини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тааллуқли ишлар “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси, фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли ишлар Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)нинг 26-моддаси, иқтисодий судларга тааллуқли ишлар Иқтисодий процессуал кодекси (ИПК)нинг 25-моддаси ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар эса “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддасида келтириб ўтилган.

Албатта ҳар бир судга тааллуқли иш мазкур суднинг вазифа ва функцияларидан келиб чиқади. Бу ерда гап маъмурий низони ҳал этувчи судлар ҳақида кетаётган экан, амалдаги қонунчиликда маъмурий низоларни маъмурий судлардан ташқари бошқа судлар ҳам кўриб чиқиши мумкинлиги назарда тутилади. Бу эса маъмурий судга тааллуқли ишларни аниқлашда айрим қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

ИПКнинг 25-моддаси 1-қисм 1-бандида иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўриладиганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар иқтисодий судларга тааллуқли эканлиги белгилаб ўтилган. Ушбу меъёردа иқтисодий судлар маъмурий низоларни ҳам кўриши мумкинлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 26-моддасига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар тааллуқлидир. Мазкур норманинг меҳнат муноса-

батларига оид қисми айрим муаммолардан холи эмас. Давлат хизматига оид низолар ривожланган давлатларда маъмурий суд иш юритуви доирасида кўриб чиқилади. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг 53-моддасида давлат фуқаролик хизмати борасида юзага келадиган низоларнинг маъмурий судга тааллуқли эканлиги белгилаб ўтилган. Қонуннинг 30-моддасида давлат фуқаролик хизматига кираётган шахс билан меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилиги асосида муайян ёки номуайян муддатга ёзма шаклда тузилиши белгилаб ўтилган. Бу эса мазкур ишлар меҳнат низоси сифатида талқин қилинишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддасида ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар ҳарбий судларга тааллуқли эканлиги белгиланган. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Пленум қарорининг 10-бандига кўра, ҳарбий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар қақурув комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар ҳарбий судлар томонидан кўрилади. Демак, ҳарбий судлар маъмурий низоларни ҳам кўриб чиқиши мумкин, бунда фақатгина маъмурий судлар томонидан кўриладиган маъмурий низолардан субъект жиҳатдан аниқ фарқлар мавжуд бўлиши лозим. Яъни, ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий низоларда аризачи ҳарбий бўлиши, жавобгар эса ҳарбий бошқарув органлари ва уларнинг мансабдор шахслари бўлиши лозим.

Шу ўринда, маъмурий ва жиноят ишлари бўйича судларга тааллуқли ишлар ўртасидаги фарқларга эътибор қаратадиган бўлсак, бир қарашда муаммо мавжуд эмасдек кўринади. Лекин, мазкур судлар ўртасида айрим эътибор қаратиш лозим бўлган масалалар бор. Жумладан, мансабдор шахсларнинг жиноят иши ёхуд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан тегишлича, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда шикоят қилиниши лозимлигига эътибор қаратиш керак. Мисол учун, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимининг йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳақидаги қарори устидан маъмурий судга эмас, жиноят ишлари бўйича судга шикоят қилиниши лозим. Лекин, мазкур ўринда маъмурий низонинг моҳиятини тушуниш муҳим аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, маъмурий ва жиноий ишлар бўйича судларга тааллуқли ишларни фарқлашда тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари мансабдор шахсларининг ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақидаги қарорлари маъмурий судларга тааллуқли эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасида (ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби)

назарда тутилган тартибда ҳал қилинадиган масалалар жиноят ишлари бўйича судларга тааллуқли эканлигига эътибор қаратиш лозим.

Мисол учун, аризачи Ф.Д. маъмурий судга ариза (шикоят) билан мурожаат қилиб унда жавобгар, Биринчи минтақавий ҳудуд 44-сон манзил колониясининг 07.08.2021 йилдаги 112-сонли "Маҳқумни интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тўғрисида"ги қарорини, 06.09.2021 йилдаги "Маҳқумни манзил колонияда сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топиш тўғрисида"ги қарорини ва 06.09.2021 йилдаги "Маҳқумни интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тўғрисида"ги қарорларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Иш ҳолатларига кўра, Биринчи минтақавий ҳудуд 44-сон манзил колонияси бошлиғи майор Ж.Х. 07.08.2021 йилда аризачини 1 (бир) кечаю-кундуз интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тўғрисида, 2021 йил 6 сентябрь куни аризачини манзил колонияда сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топиш тўғрисида қарорлар қабул қилган. Шунингдек, жавобгар, Биринчи минтақавий ҳудуд 44-сон манзил колонияси бошлиғи майор Ж.Х. 06.09.2021 йилда аризачини судга тақдим этилгунга қадар кечаю-кундуз интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги аниқланди. Жиноят ижроия кодексининг 106-моддасига кўра, интизомий жазо ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва хусусиятига мос бўлиши керак. Бир вақтнинг ўзида содир этилган бир нечта ҳуқуқбузарлик учун битта интизомий жазо қўлланилади. Битта ҳуқуқбузарлик учун бир нечта интизомий жазо қўллаш тақиқланади.

Суд қайд этилган ишдаги ҳолатларга ҳамда юқоридаги қонун ҳужжатлари нормаларидан келиб чиқиб жавобгар, Биринчи минтақавий ҳудуд 44-сон манзил колонияси томонидан қарорларининг қонунийлигини исботлаб берувчи далилларни судга тақдим эта олмади, деб ҳисоблаб Биринчи минтақавий ҳудуд 44-сон манзил колониясининг юқоридаги қарорларини ҳақиқий эмас деб топишни лозим топган.

Қонун билан маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин. Мисол учун, "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасида лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг ёки Адвокатлар палатасининг мурожаатига кўра маъмурий суднинг қарори билан амалга оширилиши, 16-моддасида лицензиянинг амал қилишини тугатиш маъмурий суд томонидан Олий малака комиссиясининг ҳулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мурожаатига кўра амалга оширилиши белгиланган.

Агар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий суд ўзига тааллуқли ишларни фуқаролар, юридик шахслар ва маъмурий органлар, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Мисол учун, аризачи "F" хорижий компанияси жавобгар, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг давлат кадастрлар палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва бошқаларга нисбатан кўчмас мулкнинг давлат рўйхатидан ўтказишда ифодаланган ҳаракатини қонунга хилоф деб топиш ва тегишли мажбурият юклаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилган. Унга кўра Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Гулирайхон 1-берк кўчаси, 0,1870 га ер майдонида жойлашган 9-уй-жой 2005 йил 3 март куни нотариал тасдиқланиб, реестрға 1-3518-рақам билан қайд этилган олди-сотди шартномасига кўра

"F" хорижий компаниясига тегишлидир. Мазкур уй-жой олди-сотди шартномаси асосида "F" хорижий компаниясининг номига давлат рўйхатидан ўтказилиб, 10:09:04:02:02:5057 рақамли кадастр ҳужжатлари шакллантирилган. Бирок, Кадастр бошқармасининг 2022 йил 25 октябрдаги №null-04694-сонли жавоб хатида ушбу манзилдаги уй-жой 2005 йил 3 мартдаги реестрға 1-3518-рақам билан қайд этилган олди-сотди шартномасига кўра "FR" МЧЖ номига давлат рўйхатига олинганлиги маълум қилинган. Бундан норози бўлиб жамият мазкур ариза билан судга мурожаат қилган. "FR" МЧЖ 2019 йил 28 июнь куни Давлат хизматлари маркази Мирзо Улуғбек туман бўлиmidан хўжалик юритувчи субъект сифатида рўйхатдан ўтказилган. Р.И. ўзига тегишли бўлган Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Гулирайхон 1-тор кўчаси, 9-уй-жой 2005 йил 3 март куни "F" хорижий компаниясига сотган вақтда, "FR" МЧЖ юридик шахс сифатида ташкил қилинмаган бўлган. Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра низоли уй-жойнинг мулкдори бўлган хорижий компаниянинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқи бирор-бир ҳуқуқий ҳужжат асосида бошқа шахсга ўтмаган ёки бекор бўлмаган, шу билан бирга кўчмас мулк объектининг ҳуқуқий ҳолати ўзгармаган. Мазкур ҳолатда "F" хорижий компаниясига тегишли Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Гулирайхон 1-тор кўчаси, 9-уй-жой "FR" МЧЖ номига давлат рўйхатидан ўтказилганлигига бирор-бир асос мавжуд эмас. Бундан ташқари, "FR" МЧЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, унда ушбу уй-жой хатолик билан жамият номига давлат рўйхатига олинганлигини, аризани тан олишини ва унинг иштирокисиз ишни кўриб чиқиб, арз қилинган талабни қаноатлантиришни сўраган. Суд арз қилинган талабни асосли деб топиб, Кадастр агентлигининг давлат кадастри палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси мансабдор шахсларининг аризачига тегишли бўлган уй-жойни "FR" МЧЖ номига давлат рўйхатига олганлигини қонун ҳужжатларига зид ҳисоблаб аризачининг талабини қаноатлантиради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга ёки фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Мисол учун, аризачи Д.О. судга ариза билан мурожаат қилиб жавобгар, туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва уй-жойи бузилиши натижасида етказилган зарарни ундиришни сўраган. Аризачининг аризасида иккита талаб билдирилган бўлиб, уларнинг биринчиси, яъни туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш талаби маъмурий судга, иккинчи зарар ундириш (ҳокимнинг қарори билан сабабий боғланиш йўқ) талаби фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 134-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган бўлиб, уларнинг айримлари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга тааллуқли бўлса ариза қайтарилиши назарда тутилган.

Юқоридаги мисоллардан шуни англаш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда маъмурий низоларнинг барчаси маъмурий судларга тааллуқли эмас. Бу эса мазкур соҳани илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва бу орқали қонунчиликни такомиллаштириш лозимлигини англатади. Ўз навбатида, қонунчиликни такомиллаштириш ҳуқуқни қўллаш амалиётида мазкур масала доирасида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш имкониятини беради.

Дилмурод АРТИКОВ,

*Судьялар олий мактаби доценти,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

“СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ: ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА АҚШ ТАЖРИБАСИ

АННОТАЦИЯ: мақолада “Сунъий интеллект тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарурати ва хусусиятлари каби масалалар ўрганилган. Шунингдек, мазкур қонуннинг структураси, хорижий давлатлардаги сунъий интеллект тўғрисидаги қонунчилик таҳлили, унинг самарадорлиги, халқаро стандартларга мувофиқлиги, сунъий интеллектнинг хавф-хатарлари, унинг ахлоқий принциплари каби масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: “Сунъий интеллект тўғрисида”ги қонун, ҳуқуқий асос, хавф-хатарлар, ахлоқий принциплар, халқаро ҳужжатлар, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

Сунъий интеллект (кейинги ўринларда СИ) тўғрисидаги қонун замонавий ҳуқуқий маконда юз бераётган баҳс-мунозараларнинг энг муҳим мавзуларидан бирига айланиб бормоқда. Бу каби қонунни яратиш мамлакатда хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инновацияларни рағбатлантириш мақсадида СИдан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати билан боғлиқдир. Кўплаб мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар СИни назорат қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқмоқдалар, айримларида бу каби қонун амал қилади. Қуйида бу борада муайян муваффақиятларга эришган Европа Иттифоқи ва АҚШ тажрибасига тўхталиб ўтамиз.

2022 йилнинг декабр ойида тасдиқланган “Рақамли ўн йиллик” стратегия дастури Европа Иттифоқининг 2030 йилгача сунъий интеллект (СИ) ривожланишига оид позициясини тўлдирувчи ҳужжат бўлди. Дастурда Европа Иттифоқининг “яшил” дастурига устуворлик берилган ва СИ технологиялари, шунингдек, бошқа технологияларнинг зарарли чиқиндиларни қисқартириш (Европа Иттифоқининг экологик дастури - European Green Deal доирасида) ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим ўрин тутгани таъкидланган.

Дастурда, шунингдек, 2030 йилга бориб Европа Иттифоқидаги 75% ташкилотлар ўз операция жараёنларига СИни жорий қилишлари кераклиги кўрсатилган стратегик мақсад белгиланган.

Халқаро даражада сунъий интеллектни ҳуқуқий тартибга солиш борасида шуни таъкидлаш керакки, 2023 йил 14 июнда Европарламент “Сунъий интеллект тўғрисида”ги қонун (Artificial Intelligence Act) лойиҳасини депутатларнинг 499 овози билан қабул қилди, 28 овоз қарши, 93 овоз бетараф қолди. Мазкур қонун СИдан фойдаланишни тартибга солишда дунёнинг биринчи умумий ва кенг қамровли қонун ҳужжати бўлди, десак муболага бўлмайди.

СИни тартибга солувчи биринчи комплекс қонунчилик ҳужжати сифатда ушбу қонун СИ тизимларини хавф даражасига қараб қуйидаги тоифаларга ажратди:

- юқори хавфли тизим;
- чекланган хавфли тизим;
- минимал хавфли тизим.

Юқори хавфли СИ тизими қатъий талабларга жавоб бериши ва мажбурий сертификатланиши талаб этилади. Шунингдек, қонунда асосий эътибор камситиш, айирмачиликнинг олдини олиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Масалан, жамоат жойларида биометрия орқали шахсни аниқлаш учун СИдан фойдаланиш чекланади ёки тақиқланади. СИ ишлаб чиқувчилари ва фойдаланувчилари хатолар ва СИ тизимларидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган зарар учун тўлиқ жавобгар бўлади. СИ томонидан қайта ишланган барча тасвирлар, аудио ёки видео-ёзувлар (“дипфейклар”) тегишли белгига эга бўлиши талаб қилинади.

Мазкур қонун билан одамларнинг хавфсизлиги учун қабул қилинмайдиган хавф даражасига эга СИ тизимлари тақиқланади,

масалан, ижтимоий баҳолаш (одамларни ижтимоий одатлари ёки шахсий хусусиятлари асосида таснифлаш) шулар жумласидандир. Шунингдек, СИни ишлатиш тақиқланган қуйидаги рўйхат эълон қилинди:

- оммавий жойларда “онлайн” биометрик аниқлаш тизимлари;
- жиноятларнинг жиддийлиги учун фақат суд рухсати билан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун “пост” биометрик аниқлаш тизимлари;
- ҳассос хусусиятлардан фойдаланган биометрик таснифлаш тизимлари (масалан, жинс, ирқ, миллат, гражданлик, дин, сиёсий йўналиш);
- профилинг, жойлашув ёки ўтмишдаги жиноий ҳаракатларга асосланган полицейлик прогноزلаш тизимлари;
- қонунчилик, чегара бошқаруви, иш жойи ва таълим муассасаларида ҳис-туйғуларни аниқлаш тизимлари;
- интернетдан ёки CCTV камераларидан юзларни аниқлаш учун тасвирларни олиш (инсон ҳуқуқларини ва махфийлик ҳуқуқини бузиш).

Бир сўз билан айтганда, янги қоидалар фуқароларнинг ҳуқуқларига таҳдид соладиган баъзи СИ иловаларини тақиқлайди. Тақиқланган маълумотлар базаларини яратиш учун интернетдаги юз тасвирлари ва видеокузатув камералари тасвирларидан фойдаланадиган биометрик идентификация тизимларини ўз ичига олади, ишхона ва мактаблардаги ҳис-туйғуни аниқлаш тизимлари, “ижтимоий рейтинг” тизимлари ва инсон хатти-ҳаракатларини бошқарадиган ёки одамларнинг заиф жойларидан фойдаланадиган СИ ҳам тақиқланади.

Сунъий интеллект бўйича хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасига тўхталадиган бўлсак, масалан, АҚШда федерал даражада ягона сунъий интеллект тўғрисидаги қонун мавжуд эмас. Бироқ, 2019 йил август ойида АҚШ Миллий стандартлар ва технологиялар институти (NIST) сунъий интеллект соҳасида етакчиликка эришиш учун технология стандартлари ва тегишли воситаларни ишлаб чиқишда федерал иштирокни таъминлаш режасини тақдим этди. 2020 йилда АҚШ СИ технологияларини ривожлантириш ва унинг этик фойдаланишини таъминлашга қаратилган миллий стратегияни эълон қилди. АҚШда мавжуд қонунчилик СИдан мудофаа, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик каби соҳаларда фойдаланишни тартибга солади. Бироқ ҳозирда АҚШда бизнес ва давлат ташкилотларида СИдан фойдаланишда камситиш, айирмачиликка йўл қўймаслик, шаффофлик ва жавобгарлик бўйича этик принциплар ишлаб чиқилмоқда.

АҚШ сунъий интеллектга инвестициялар киритиш бўйича глобал етакчи ҳисобланади ва бу кўрсаткич бўйича иккинчи ўринда турган Хитойдан олдинда. 2022 Global AI Index маълумотларига кўра, АҚШ тадқиқот ва ишланмалар, тижорий жорий этиш даражаси ва кадрлар салоҳияти каби кўрсаткичларда биринчи ўринни эгаллайди.

2021 йилда АҚШда “Миллий сунъий интеллект ташаббуси тўғрисида”ги қонун кучга кирди. Мазкур қонун сунъий интеллект соҳасидаги долзарб мақсадларни белгиланган ва уларга эришиш бўйича асосий қадамларни кўрсатган стратегик режалаштириш ҳужжати. Ушбу қонунга кўра, Миллий сунъий интеллект ташаббуси АҚШнинг сунъий интеллект соҳасидаги

тадқиқот ва ишланмаларида етакчилик қилишини, глобал устунликка эришишини ҳамда давлат ва хусусий секторларда ишончли сунъий интеллект тизимларини жорий қилишни мақсад қилади. Шунингдек, сунъий интеллектдан фойдаланишдан Америка фуқаролари учун максимал манфаат олиш, барча иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга сунъий интеллект тизимларини кенг жорий этишга тайёр бўлган ишчи кучини тайёрлаш назарда тутилган.

Қонуннинг муҳим талабларидан бири шуки, СИни ривожлантириш бўйича стратегик режа қонун кучга киргандан кейин икки йилдан кечикмай ишлаб чиқиши ва ҳар 3 йилда доимий равишда янгиланиб бориши лозим.

АҚШнинг "Миллий сунъий интеллект ташаббуси тўғрисида"ги қонунда сунъий интеллект ташаббусларини амалга ошириш жараёнини баҳолаш бўйича мақсадлар, устувор йўналишлар ва кўрсаткичлар ўз ифодасини топган бўлиб, ташаббусни амалга оширишга масъул бўлган федерал агентликлар қуйидаги мақсадларга эришишлари баён этилган:

- сунъий интеллект соҳасида федерал ҳукумат эътибори ва инвестицияларга муҳтож бўлган тадқиқотлар, ишланмалар ва кўргазма лойиҳалари йўналишларини аниқлаш ва уларни устувор қилиб белгилаш;
- сунъий интеллект соҳасидаги фанлараро тадқиқотлар, ишланмалар, кўргазмалар, таълим ва ахборот-маърифий тадбирлар учун узоқ муддатли молиялаштиришни таъминлаш;
- сунъий интеллект қўлланилиши билан боғлиқ ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, хавфсизлик ва бошқа ўхшаш ижтимоий масалалар бўйича тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;
- ушбу соҳадаги тадқиқот ва ишланмалар учун пухта танланган, стандартлаштирилган, хавфсиз, репрезентатив ва шахсий дахлсизлик нуқтаи назаридан ҳимояланган маълумотлар тўпламларининг мавжудлигини таъминлаш ёки унга ёрдам бериш;
- СИ соҳасидаги тадқиқот ва ишланмалар учун зарур ҳисоблаш, тармоқ ва ахборот воситаларини таъминлаш ёки унга ёрдам бериш;
- бу йўналишдаги тизимларни тажрибадан амалиётга ўтказишдаги тўсиқларни камайитириш ва бу орқали жамият ва АҚШ рақобатбардошлиги манфаатига хизмат қилиш;
- сунъий интеллект соҳасидаги илмий тадқиқот институтлари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш;
- унинг АҚШ иқтисодий ўсишига ва бошқа ижтимоий кўрсаткичларга қўшган ҳиссасини ўлчаш ва кузатиш бўйича Иқтисодий маслаҳатчилар кенгаши билан маслаҳатлашиш.

2022 йил октябрида АҚШ Президенти маъмуриятининг Илмий-техник сиёсат бошқармаси "Сунъий интеллект ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси" (Blueprint for an AI Bill of Rights) номли ҳужжатни эълон қилди. Ҳужжат ишончли сунъий интеллектни яратиш бўйича амалий қўлланма бўлиб, инсон ҳуқуқлари ёки ҳаётий муҳим ресурслар ва хизматларга кириш имкониятига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган автоматлаштирилган тизимларни яратиш ва улардан фойдаланишда қуйидаги 5 та асосий тамойилларга риоя қилиш кераклигини белгилайди:

- Сунъий интеллект тизимларининг хавфсизлиги ва самарадорлиги;
- Алгоритмик камситишнинг олдини олиш;
- Маълумотлар конфиденциаллигини таъминлаш — лойиҳалаштириш ва сукут бўйича;
- Сунъий интеллект тизимлари билан ўзаро таъсир тўғрисида оғохлантириш ва унинг натижалари тушунтирилиши;
- Сунъий интеллект тизимлари устидан инсон назорати, сунъий интеллект билан ўзаро таъсирдан бош тортиш ҳуқуқи ва тизим хатоси ёки унинг ишдан чиқиши ҳолатида инсонга мурожаат қилиш ҳуқуқи.

Хорижий давлатлар (Европа Иттифоқи ва АҚШ) қонунчилиги тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам келажақда ишлаб чиқилган ва қабул қилинадиган "Сунъий интеллект тўғрисида"ги қонун қуйидаги асосий элементларини ўзида акс этиши ҳақида ҳулоса қилиш мумкин:

1. Хавфларни таснифлаш. СИ тўғрисидаги қонунлар улар кўрсатиши мумкин бўлган хавф даражасига кўра таснифлаши лозим. Шу ўринда соғлиқни сақлаш, транспорт, суд ва ҳуқуқ-тартибот органларида СИдан фойдаланадиган тизимлар юқори хавфли тизим сифатида таснифланади. Ўрта ва паст хавфли тизимларга нисбатан камроқ талаблар қўйилса-да, улар асосан шаффофлик ва хавфсизлик стандартларига жавоб бериши талаб этилади.

2. Шаффофлик ва тушунарлилик. СИ тўғрисидаги қонуннинг асосий қоидаларидан бири алгоритмларнинг тушунарлилиги ва шаффофлигига бўлган талабдир. Фойдаланувчилар ва назорат органлари СИ қандай қарорлар қабул қилаётганини тушунишлари керак.

3. Этика ва дискриминацияга йўл қўймаслик. Кўплаб мамлакатлар камситиш, айирмачиликнинг олдини олиш ва адолатли таъминлаш мақсадида СИ этикаси тўғрисидаги мажбурий қоидаларни ўз қонунларига киритиш чорасини кўрмоқдалар. Бу ўз навбатида алгоритмларнинг ирқ, жинс, дин ёки бошқа белгилар бўйича ҳар қандай камситишларга йўл қўймаслик асосида ишлаб чиқиши ўз ичига олади.

4. Ишлаб чиқувчилар ва фойдаланувчиларнинг жавобгарлиги. Қонунчилик СИдан фойдаланиш учун жавобгарлик ишлаб чиқувчилар, операторлар ва охириги фойдаланувчилар ўртасида аниқ тақсимлашни талаб қилади.

5. Халқаро ҳамкорлик. СИни тартибга солишнинг мувофиқлаштирилган стандартларини ишлаб чиқишда ушбу принцип муҳим роль ўйнайди.

Сунъий интеллект тўғрисидаги қонунни қабул қилиш зарурати жамият ва давлат ҳаётида замонавий технологияларнинг тез суръатлар билан ривожланиши, уларнинг турли ҳаёт соҳаларига таъсири ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарурияти билан боғлиқ бўлади. СИ замонавий иқтисодиёт, ҳуқуқий тизим, соғлиқни сақлаш, транспорт ва бошқа соҳаларнинг тобора муҳим қисмига айланмоқда. Аммо, аниқ меъёрий ҳужжатларнинг йўқлиги инсон ҳуқуқларининг бузилиши, технологиялардан нозтик фойдаланилиши ва ижтимоий тенгсизликнинг юзага келиши каби бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мухлиса УРИНБОЕВА,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистри.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Decision (EU) 2022/2481 of the European Parliament and of the Council of 14 December 2022 establishing the Digital Decade Policy Programme 2030 // <https://eur-lex.europa.eu/eli/dec/2022/2481/oj>
2. SWD/2021/247 final COMMISSION STAFF WORKING DOCUMENT Accompanying the document Proposal for a Decision of the European Parliament and of the Council establishing the 2030 Policy Programme "Path to the Digital Decade" // <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A52021SC0247>
3. MEPs ready to negotiate first-ever rules for safe and transparent AI // <https://www.europarl.europa.eu/news/en/press-room/20230609IPR96212/meps-ready-to-negotiate-first-ever-rules-for-safe-and-transparent-ai>
4. Европарламент проголосовал за регулирующий искусственный интеллект закон // Коммерсантъ URL: <https://www.kommersant.ru/doc/6043737>
5. Европа парламенти сунъий интеллект тўғрисидаги қонунни қабул қилди // <https://kun.uz/kr/news/2024/03/13/yevropa-parlamenti-suniy-intellekt-togrisidagi-qonunni-qabul-qildi>
6. MEPs ready to negotiate first-ever rules for safe and transparent AI // <https://www.europarl.europa.eu/news/en/press-room/20230609IPR96212/meps-ready-to-negotiate-first-ever-rules-for-safe-and-transparent-ai>
7. Европарламент сунъий интеллект тўғрисидаги дунёдаги биринчи қонунни маъқуллади // <https://www.gazeta.uz/uz/2024/03/13/artificial-intelligence/>
9. https://www.nist.gov/system/files/documents/2019/08/10/ai_standards_https://oecd.ai/en/data?selectedArea=investments-in-ai-and-data&selectedVisualization=vc-investments-in-ai-by-country
10. <https://www.tortoisemedia.com/intelligence/global-ai/>
11. National Artificial Intelligence Initiative Act of 2020 // <https://www.congress.gov/bill/116th-congress/house-bill/6216>
12. <https://ai.gov/research/>
13. Blueprint for an AI Bill of Rights // <https://www.whitehouse.gov/ostp/ai-bill-of-rights/>

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ АКАДЕМИК ҲАЛОЛЛИКНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ҳозирги даврда олий таълим соҳасида коррупциянинг мавжудлиги биринчидан, таълим соҳасидаги бошқарув тизимининг яхши ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда унинг қатъийлик даражаси пастлигида бўлса, иккинчидан, талабалар ҳамда таълим муассасаси ходимлари ўртасидаги ахлоқ меъёрларидан четга чиқишга йўл қўйилаётганлиги, учинчидан эса инсонларнинг ўз муаммоларини турли хил моддий йўллар билан ҳал қилишга мойилликларидир.

Тилимизда нисбатан янги бўлган “Академик ҳалоллик” тушунчаси 1990-йиллардан бери “academic integrity” (академик ҳалоллик) гоёсини фаол муҳокама қилиб келатган АҚШлик олимлар томонидан муомалага киритилган. Шунингдек, халқаро академик ҳалоллик маркази ICAI (academicintegrity.org) 1992 йилда Рутгерс университети профессори Дон Маккейб томонидан олий таълимда фибригарлик, плагиат ва инсофсизликка қарши курашиш мақсадида ташкил этилган. Халқаро академик ҳалоллик маркази академик ҳалолликни ишонч, адолат, ҳурмат, масъулият ва жасорат каби асосий қадриятларга содиқлик сифатида белгилайди.

АҚШнинг Нью-Йорк университети Академик кодекси талабалар интизомий тартиб-қоидаларида ҳар бир талаба академик ҳалол бўлиши ва бошқаларнинг ноҳақлигига тоқат қилмаслиги лозимлиги келтирилган.

Академик ҳалоллик — бу таълим жараёнида ҳалоллик, адолат ва масъулиятни сақлашни англатади. Бу таълим талабалар ва ўқитувчилар ўртасида ишончли муҳит яратишга ёрдам беради.

Академик ҳалолликнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

Ишонччилик – академик ҳалоллик билимларнинг ҳақиқийлигини таъминлайди.

Шахсий ривожланиш – ҳалоллик шахснинг ўзига бўлган ишончини ва масъулиятини оширади.

Жамият учун фойда – ҳалолликка асосланган таълим жамиятни ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Академик ҳалолликка эришиш учун биз қандай қоидаларга амал қилишимиз керак? Бунда энг асосий қоида плагиатдан қочиш ва имтиҳон жараёнларида имтиҳон олувчи ҳам, имтиҳон топширувчи ҳам виждонан ҳалол бўлиши зарур. Бошқаларнинг фикрларини тўғри манба билан келтириш, цитата, сноска ва фойдаланилган адабиётларнинг бирламчи манбасини тўғри кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Коррупциянинг педагогик омиллари унинг муҳим жиҳатларини ифодалашни қайд этиш керак. Бинобарин, коррупцияга мойил хулқ-атворнинг шаклланиш қонуниятлари ва олдини олишнинг тарбиявий-педагогик воситалари педагогик фанлар доирасида ўрганилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, шахсда коррупцияга мойил хулқ-атвор мактаб ёшидан шаклланишни бошлар ва олий ўқув юрти даврида тугалланар экан. Шу сабабли шахсда коррупцияга қарши хулқ-атвори шакллантиришда педагогик таълим-тарбия муҳим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнида академик ҳалолликка эришишда одоб-ахлоқ қоидалари муҳим аҳамият касб этади.

Одоб-ахлоқ қоидалари – бу таълим жараёнида ўзаро ҳурмат, масъулият ва мулоқот маданиятига амал қилишни англатади. Одоб-ахлоқ қоидаларининг аҳамияти, талабалар ва ўқитувчилар ўртасида ижобий муносабатларни ривожлантиради. Таълим иштирокчиларининг ўртасида самарали мулоқотни таъминлайди. Барқарор ва хавфсиз таълим муҳитини яратади. Шунингдек, таълим иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлишни, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги чегараларни ҳурмат қилишни, мулоқотда самимий ва очиқ бўлишни таъминлайди.

Академик ҳалоллик ва одоб-ахлоқ қоидалари таълимнинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Улар нафақат шахсий ривожланишга, балки жамиятни яхшилашга ҳам ҳисса қўшади. Ҳар бир таълим муассасаси бу қоидаларга амал қилиши муҳимдир.

Таълимда ишонччилик – бу инсоннинг сўзлари, ҳаракатларига ва ваъдаларини бажаришига ишониш мумкинлигини англатади. Таълимда ишонччилик талаба ва профессор-ўқитувчилар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди.

Плагиатдан қочиш: талаба ўз ишини ҳалол бажариб, бошқаларнинг ишини ўзлаштирмаслиги керак. Бу унинг ишонччилигини оширади.

Ваъдага вафо қилиш: ўқитувчи талабаларга маълум бир муддатда натижаларни айтиб беришга ваъда берса, у бу ваъдага амал қилиши керак.

Тўғри маълумот бериш: ўқитувчи дарсда тўғри ва аниқ маълумотларни тақдим этиши лозим, чунки бу талабаларнинг ишончини мустаҳкамлайди.

Ишонччилик таълимда муҳим ўрин тутди. У талаба ва профессор-ўқитувчилар ўртасида ишончли муҳит яратишга ёрдам беради ва бу ўз навбатида самарали таълим жараёни таъминлайди. Ишонччиликка асосланган таълим шахсий ва жамият ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Илмий тадқиқот олиб бориш жараёнида биз “Олий таълим тизимида “академик ҳалоллик”нинг ўрни ва роли” ҳақидаги хорижий тажрибани ҳам ўргандик. Жумладан, Финляндиянинг Хельсинки университети, Турку университети, Россия давлат университети, Ўш давлат университети, Халқаро академик ҳалоллик маркази – ICAI (academicintegrity.org), ЮНЕСКОнинг Таълимни режалаштириш халқаро институтига тегишли сайти (etico.iiep.unesco.org), машҳур олимларнинг мақолалари, нуфузли университетларнинг расмий веб-сайтлари, онлайн платформалари ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Ўрганишлар, авваламбор рейтинг юқори бўлган хорижий университетлар тажрибаси асосида Олий таълим тизимида академик инсофсизлик (академик коррупция)нинг

келиб чиқиш сабаблари, бартараф этиш йўллари ва унинг олдини олишга эътиборимизни қаратишимиз зарурлигини кўрсатди.

Академик инсофсизлик (академик коррупция) дейилганда талабанинг курс иши ва даража талабларига жавоб беришда бошқа шахсни алдаш мақсадида рухсатсиз фойдаланиши, алдаш (ёзувларни яшириш, график калькуляторлар, мобил телефонлар, талабага телеграм орқали тест жавобларини юбориш), ўқитувчи-профессор ва талабаларнинг порахўрлик, фабрикация (илмий ишларда далиллар ўйлаб топиш, иқтибослар яратиш, маълумотларни сохталаштириш ёки олиб борилган тадқиқот ҳақида ёлгон даъволар қўйиш), такрорий топшириш (имтиҳон муддатини чўзиш), плагиат (10 га яқин тури мавжуд) ва академик нотўғри хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Айни пайтда олий таълим тизимида академик инсофсизлик (академик коррупция)нинг **икки тури** учрайди:

Академик коррупциянинг пулсиз кўриниши: Талабаларнинг кўчирмачилиги (*плагиат, ўйдирма, алдаш*), телефон ёрдамида имтиҳонлардан ўтишлари, интернетдан кўчириб курс иши ва малакавий амалиётлардан баҳо олиш учун плагиат қилишлари, таниш-билиш орқали баҳо олиш, компьютер тизимларини бузиш (*саботаж*), касбий-нотўғри хатти-ҳаракатлар, талабалар ва ўқитувчи-профессорлар томонидан функционал вазифаларидан фойдаланиш ёки шахсий манфаат учун маълумот олиш тушунилади.

Академик коррупциянинг пуллик кўриниши: Оралиқ ва якуний назоратлардан “сунъий” юқори баҳога эришиш, талабаларнинг белгиланган стипендия миқдорини (БСМ) билимига мос равишда олмасликлари, қалбаки сертификатлар, дипломлар тақдим қилиб иқтидорли талабалар сафига ўтиб имтиёзли стипендиялар ёки бир марталик 5-10 баравар БСМда “пуллик рағбатланиш”, порахўрлик ва бошқа ҳолатлар эканлиги назарда тутилади.

Юқоридаги ҳолатларга йўл бермаслик учун айрим хорижий давлатларда хусусан, Жанубий Корея ва Францияда (100 га яқин тилдаги плагиатни аниқлай оладиган дастур – Ouriginal.som) талаба курс иши, амалиёт ҳисоботи, оралиқ, якуний, БМИ ва диссертацияларни, текширувдан ўтказиш жараёнини белгиланган сайтга юклайди (сайтга юклашдан олдин ўзлари текширишлари учун бир қанча дастурлар ҳам бор), агар плагиат миқдори 40% дан юқори бўлса сайт қабул қилмайди.

Ҳозирги кунда коррупция даражасининг пастлиги бўйича юқори ўринларда турувчи Финляндия олий таълим тизимида ҳам баъзан коррупциявий ҳолатлар учраб туради.

Финляндия **Corruption perceptions index**да коррупциясизлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатлари ичида биринчи ўринни эгаллаши шуни кўрсатадики, бу мамлакатда коррупцияга қарши курашиш яхши ва самарали йўлга қўйилган ва бунда одоб-ахлоқ қоидалари асосий вазифани бажаради. Келажак авлод ёшликдан коррупцияга нафрат ва унга қарши курашиш ҳис-туйғулари билан тарбия қилинади. Финляндия олий таълим соҳасида асосан коррупциянинг олдини олишга қаратилган **“University of Helsinki anti-corruption policy/University of Helsinki”** – **“Хельсинки университетининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати”** номли ҳужжат асосида иш

олиб борилади. Бу коррупция йўналишида одоб-ахлоқ кодексига ўхшаш ҳужжат бўлиб, университет сиёсатини белгиловчи ягона ҳуқуқий метъёрдир.

Швецияда коррупцияга қарши курашиш учун алоҳида давлат органи мавжуд эмас. Лекин, бу давлатда нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали коррупцияга қарши курашилади. Мисол тариқасида, “Демократик аудит” муассасасини келтириш мумкин. Ушбу ташкилот жамиятдаги коррупция ва қонун устуворлигини шаффоф тарзда мониторинг қилиб боради. Швецияда коррупция бутунлай йўқ бўлмаган, лекин жамият бу иллатга мутлақо қарши курашади. Ҳар бир ҳолат жамиятда ва оммавий ахборот воситаларида кучли овоза бўлади. Швециянинг коррупцияга қарши курашиш асосий тамойили шундаки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шаффоф ва матбуот учун очиқ фаолият олиб боради. Бу ўз-ўзидан халқнинг коррупцияга қарши курашувчи органларга бўлган ишончини оширади.

Буюк Британия университетларида коррупция бир мунча кам ва кўзга ташланмайди (кўчириш, бошқарувдаги камчиликлар, техник муаммоларни ҳисобга олмаганда) буни абитуриентларнинг ўқишга кириш имконияти юқорилиги билан боғлаш мумкин.

Бу борада бизнинг ОТМларда ҳам ҳаракатлар бошланган, хусусан Тошкент давлат юридик университетида **Академик ҳалоллик ва тадқиқот этикаси кодекси** ишлаб чиқилган. Унда талабалар ва университет ҳаёти тўлиқ тартибга солинган бўлиб, ўқув жараёни ва самарадорлигини оширишга қаратилган. Академик инсофсизликни аниқлаш ва уни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Шу билан бир қаторда, республика ОТМларида плагиатни аниқлаш ва унинг олдини олиш учун аниқ чора-тадбирлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Кўпчилик ОТМларда бу нарсга кўп ҳам эътибор берилмаган, ваҳоланки, кўчирмакашлик илм-фан келажагини барбод қиладиган қилмиш ҳисобланади. ОТМларда плагиатни аниқлайдиган дастурларнинг (**Turnitin, Dupli Checker, Paperrater, Plagium каби**) имкониятларидан кенг фойдаланиш чораларини кўриб чиқиш зарурияти айни ҳозирги давр талабидир.

Плагиатдан қочиш учун масъулиятли ва этик ёзув амалиётини қўллаш муҳим. Бу нафақат илмий ва ижодий фаолиятда, балки ҳар қандай ёзиш жараёнида ҳам ишончлилиқ ва профессионалликни таъминлайди. Бунда манбаларга тўғри ҳавола бериш лозим, ҳавола беришда эса, қуйидаги хорижий тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади:

- APA (American Psychological Association): Ижтимоий ва гуманитар фанларда кенг қўлланилади. Ҳаволалар матнда (муаллиф, йил) форматда берилади.

- MLA (Modern Language Association): Адабиёт ва гуманитар фанларда ишлатилади. Ҳаволалар (муаллиф саҳифа рақами) форматда берилади.

- Chicago Style: Иқтисодиёт ва тарих каби фанларда ишлатилади. Ҳаволалар матнда ёки оёқ ёзувларида келтирилиши мумкин.

Матнда ҳавола бериш:

- Ҳар қандай иқтибос ёки парафраза қилинган матндан кейин манбага ҳавола бериш керак. Масалан, APA стилида: (Smith, 2020).

Библиография ёки адабиёт рўйхати:

- Ҳар бир ишнинг охирида барча фойдаланилган манбаларни тўлиқ кўрсатиш зарур. Бу рўйхатда манбалар алфавит тартибда ёзилади.

Интернет манбаларига ҳавола берганда, мақола ёки саҳифа номи, муаллиф, сайт номи, ва URL кўрсатилиши керак. Агар мавжуд бўлса, сана ҳам қўшилади.

Ҳар бир ҳавола тўғри ва аниқ бўлиши керак. Манбага бўлган ҳаволаларни текшириб, уларнинг ишлаётганини ва маълумотнинг тўғри эканини тасдиқлаш муҳим.

Агар бирор матн тўғридан-тўғри кўчирилган бўлса, уни иқтибос сифатида белгилаш керак. Бу иқтибоснинг аниқ манбасини кўрсатишни талаб қилади.

Илмий тадқиқот иши доирасида ўрганилган Покистон Ислом Республикасининг тажрибасига таянадиган бўлсак, унда талабалар, тадқиқотчилар, ўқитувчиларнинг ёзма асарларида “ноқонуний қарз олиш”нинг олдини олиш асосларини жаҳон амалиётига жорий этган Покистон Ислом Республикасининг давлат органи – Олий таълим комиссиясини алоҳида эътироф этиш жоиздир. Шуни таъкидлаш керакки, бу мамлакатда академик коррупция ҳақида бироз кенгайтирилган тушунча мавжуд, ҳатто плагиат ҳам аниқланган. Олий таълим муассасаларининг бевосита иштирокида ушбу орган: “Плагиат ҳақида кичик китоб: бу нима ва ундан қандай қочиш керак?” ва “Плагиат бўйича Давлат сиёсати” каби норматив-ҳуқуқий актни, яъни тушунтириш актини чиқарди. Мазкур актда “плагиат” тушунчасини интеллектуал жиноят сифатида белгилайди. Пул жазоларидан ташқари, олим ёки тадқиқотчи кейинчалик ҳар қандай илмий ташкилотда ишлашни тақиқлаш билан “қора рўйхат”га киритилади.

Юқоридаги ўрганишлардан келиб чиқиб мамлакатимиз ОЎЮларида бундай салбий иллатнинг олдини олиш учун қуйидагиларни Ўзбекистон олий таълим соҳасига жорий этишни тавсия қиламиз:

- Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўртасида “Академик ҳалоллик – давр талаби” мавзусида республика кўрик танловларини ташкил этиш. Академик ҳалоллик даражаси юқори бўлган ОТМларга ҳалоллик сертификатлари тақдим этилишини ташкиллаштириш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Академик ҳалоллик тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- Олий таълим муассасаси талабаларининг курс иши, амалиёт ҳисоботи, оралик, якуний, БМИлари платформага жойлаштириш жараёнида антиплагиат текширувидан ўтиши лозим. Агар плагиат миқдори белгиланган кўрсаткичдан юқори бўлса, платформа қабул қилмаслиги керак (Финляндия тажрибаси);

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.03.2024 йилдаги 157-сонли “Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 1-илоvasига ўзгартириш киритиш таклиф этилади. Бунда давлат таълим талаблари тушунчасига қуйидаги қўшимчаларни киритиш тавсия этилади. Яъни, **Давлат таълим талабларини бажаришда академик ҳалолликка эга бўлиш** —

таълимнинг ҳар бир босқичи ва йўналишида талаба ва профессор-ўқитувчининг академик ҳалоллик асосида ўз фаолиятини ташкил этиши, таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига, академик ҳалоллик даражасига қўйиладиган мажбурий талаблар.

Шунингдек, мазкур қарордаги ўқитиш натижаларини баҳолаш бўлими ўқув жараёнининг муҳим ва зарур таркибий қисми бўлиб, у таълимнинг босқичларида таълим олувчилар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва хулоса қилиш имконини беради. Шу сабаб ушбу бўлим **“бу таълимни баҳолаш тизимига мос келиши билан бирга академик ҳалолликка эга бўлиши керак”** деган жумлалар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Мониторинг ва баҳолаш бўлимида ҳар бир фан бўйича, ҳар бир таълим даражасида таълим олувчиларнинг ўзлаштириши ва ютуқларини мониторинг қилиш ва баҳолаш ҳақида батафсил маълумот берилади.

Мониторинг таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг узлуксиз жараёни сифатида белгиланиб, бу жараён таълим ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва истиқболларини белгилашда муҳим ҳисобланади.

Мониторингда таълим жараёнининг бориши, услубий ва ташкилий жиҳатдан таъминланганлиги *“очиқлик ва шаффоқлик асосида кузатилади”* деган жумлалар билан тўлдирилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Олий таълим тизимига алоқадор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда академик ҳалоллик нормаларига алоҳида эътибор қаратишни таклиф қиламиз.

Гулбаҳор РАСУЛОВА,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Г.Расулова. Олий таълим тизимида коррупциянинг олдини олишда хорижий тажриба ва амалиёт. / № 1/2023 йил (17-сон) /Тергов амалиёти/ 38-43-бетлар.
2. Г.Расулова. Олий таълимда коррупциянинг олдини олиш: Финляндия мисолида. // № 5/2023//Адвокат/ 28-30-бетлар.
3. Г.Расулова. Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши кураш: хорижий тажриба ҳамда амалиёт. № 1 / 2024 // Ўзбекистонда олий таълим / 87-95-бетлар.
4. “Илм-фан ва илмий фаолиятда коррупция ва бюрократия: муаммо ва унинг ечимлари” мавзусидаги республика илмий-амалий давра суҳбати материаллари тўплами // Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасидиков, ю.ф.ф.д., доц. Ш.И.Шайзаков – Тошкент. 2024. – 552 б.
5. Рыбалкин Д.А. Формирование антикоррупционной позиции курсантов вузов МВД России средствами социально-культурной деятельности: Автореф. дис. ... канд. педагог. наук. – Казань, 2015. – 23 с.,
6. Сергеева Ю.С. Формирование у студентов - будущих бакалавров юриспруденции компетентности в сфере противодействия коррупции: Автореф. дис. ... канд. педагог. наук. – Москва, 2018. – 28 с.,
7. Шаралова Е.А. Формирование антикоррупционной направленности личности в профессиональном воспитании студента вуза: Автореф. дис. ... канд. педагог. наук. – Краснодар, 2017. – 23 с.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/3088008>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги “Ўзбекистон 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони. <https://lex.uz/mobileact/3107036>.
10. <https://academicintegrity.org>.
11. <https://etico.iiep.unesco.org>.
12. <https://devedu.uz/korrupsiya-mavzusidagi-tahliliy-malumatlar/>

ЖАМОАВИЙ МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари ва тавсияларида меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда ўзига хос тамойилларга таянилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Халқаро меҳнат ташкилоти ўз фаолияти давомида меҳнатга оид стандартларда ўрта асосий (умумий) принциpga таянади. Булар:

- *фавқулодда содир бўладиган (кутилмаган) меҳнат низоларининг олдини олиш;*
- *содир бўлиши муқаррар бўлган меҳнат низолари учун миллий ҳуқуқда ҳал этиш механизмлари жорий этилган бўлиши;*
- *мавжуд меҳнат низосини кўриб чиқиш ва ҳал этишда имкон қадар учинчи тараф иштирок этиши лозим.*

Мисол учун, демократизм принципи ҳақида гап кетганда жамоавий меҳнат низоларини ҳал этишда ходимлар ва иш берувчилар вакиллиги яраштирув тартиб-таомилларида ихтиёрийлик асосида ҳамда тенг миқдорда иштирок этишини кузатиш мумкин.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 92-сонли Тавсияси 2- бандида жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш учун тузилган ихтиёрий келишувларнинг барча босқичларида иш берувчи ва ходимлар вакиллари тенглик асосида қабул қилиниши акс эттирилган. Ушбу қоида 84-сонли Конвенцияда ҳам меҳнат низосини кўриб чиқаётган ҳар бир манфаатдор тараф уларнинг ваколат доираси қанчалик бир-биридан фарқ қилишига қарамасдан тенг миқдорда ҳамда тенг ҳуқуқлар билан иштирок этиши таъминланиши лозимлиги қайд этилган. Жамоа музокараларини ташкил этиш тартиби ёритиб берилган ХМТнинг 163-сонли Конвенциясида ҳам музокаралар олиб бориш учун тарафлар тенг овоз билан иштирок этиши белгиланган. Шуниси эътиборлики, ХМТ томонидан жамоавий меҳнат низоларини ҳал этишда илгари сурилган ушбу принцип мазмунини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 573-моддаси мазмунига сингдирилган. Унга кўра, яраштириш комиссияси жамоавий меҳнат низоси тарафларининг вакилларида тенг асосда шакллантирилади.

Умуман олганда, Халқаро меҳнат ташкилоти стандартларида тарафлар ўртасида келиштирув тартиб-таомилларини амалга оширишда иш берувчи ва ходимлар вакиллигининг тенглигига алоҳида эътибор билан ёндашган. Назаримизда, тарафларнинг тенглигини таъминловчи демократизм тамойилини энг муҳим принцип сифатида талқин этган.

Жамоавий меҳнат низоларини ҳал этишда тарафларнинг ваколатли вакиллигини тузиш ва уни амалга оширишнинг эркинлиги тамойили ҳам мавжуд бўлиб, бугунги кунда ушбу тамойил халқаро ҳуқуқнинг энг аҳамиятли принциплари сифатида кузатилади. Бу низоларни ҳал этиш босқичларида иштирок этиш учун ходимлар ўз вакилларини мустақил сайлаши ҳамда вакиллик органи раисини қанча муддатга ва қимни сайлашини ҳам давлат ёки иш берувчининг аралашувисиз мустақил ҳал этишида кўринади.

Шуни айтиш жоизки, жамоавий меҳнат низоларини ҳал этишда иш берувчи ва ходимлар вакиллиги катта ўрин тутати. ХМТ ўз фаолиятида ходимлар вакиллик органи ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берган. Мисол учун, ходим-

лар вакиллик органи мустақил орган сифатида рўйхатдан ўтказилиши, улар корхона ходимларининг кўпчилиги овози билан меҳнат жамоаси йиғилишида сайланган бўлиши лозим. ХМТнинг 163-сонли Тавсиясида жамоавий музокараларни олиб бориш учун ходимлар вакиллик органилари зарурий маълумотлар билан иш берувчи томонидан таъминланиши лозимлиги кўрсатиб ўтилганлиги юқоридаги фикримизнинг исботи бўлади.

Шунингдек, яна айнан шу институтга хос хусусиятлардан бири бу жамоавий меҳнат низоларини унда иштирок этган субъектлар ташаббуси ва розилиги билан ҳал этиш ҳисобланади. Унга кўра, мазкур низоларни ҳал этиш учун тарафлар ташаббус билан чиқиши лозим ҳамда фақат икки томон ҳам рози бўлса ечим (қарор) қабул қилинади.

Яна бир муҳим тамойиллардан бири, низо кассация инстанциясида кўрилмаслигидир. Юқоридагилардан ташқари яна жамоавий меҳнат низоларини кўриб чиқиш босқичларининг текинлиги, унинг ихтиёрий эканлиги ҳамда низоларнинг қисқа вақт ичида кўриб ҳал этилиши тамойилларини алоҳида таъкидлаш мумкин бўлиб, уларнинг барчаси жамоавий меҳнат низоларини ҳал этишда ўз аҳамиятига эга.

Ушбу тамойиллар таҳлили шуни кўрсатдики, дунё давлатлари миллий қонунчилигида меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг асослари акс этган. Хусусан, Литва Меҳнат кодексининг 214-моддасида меҳнат низоларини кўриб чиқиш тамойиллари қайд этилган. Ушбу ҳолат Вьетнам Меҳнат кодексининг 194-моддасида ҳамда Молдова Меҳнат кодексининг 350-моддасида алоҳида норма шаклида акс эттирилган.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 571¹-модда, “Жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш принциплари” моддаси билан тўлдирилишини ва қуйидагича баён этилишини таклиф этамиз:

“Жамоавий меҳнат низосини ҳал этишда асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

тарафлар тенглиги ва низоли ҳал этишда тенг иштироки; меҳнат жамоаси ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланиши;

олинган мажбуриятларнинг тарафлар томонидан бажарилиши назорат қилиниши;

низоли ҳал этишда ходимлар ҳақдор бўлмаслиги”.

Бугунги кунда ушбу ташкилотга дунё давлатларининг 187 таси миллий меҳнат муносабатларида тенг ва муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш, меҳнат ресурслари учун қулай ва беҳавотир иш ўринларини яратиш мақсадида аъзо бўлиб қирган ва меҳнатга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда унинг стандартларига ва принципларига таяниб иш кўради. Жумладан, шу кунгача мустақил Ўзбекистон ҳам жамоавий меҳнат низосини кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ ХМТнинг ўрта фундаментал конвенциясини ратификация қилган бўлиб, унда кўрсатилган тамойилларни миллий меҳнат қонунчилигига имплементация қилган.

Лола РАҲИМҚУЛОВА,

Тошкент давлат юридик университети доценти.

АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ – ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Айни кунларда Республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим жараён кетмоқда. Шу йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловига таёргарлик қизгин палласига кирди. Сиёсий партияларнинг сайловолди тарғибот-ташвиқот компаниясига старт берилди.

Сайлов — демократия кўзгуси. Бу жараён орқали ҳар бир фуқаро жамият ва давлат ишлари бошқарувида бево-сита қатнашади ҳамда мамлакат тақдирига бефарқ эмасли-гини намоён этади. Сайловлар халқнинг давлат ҳокимияти билан алоқасини кўрсатиб туради.

Дунёда сайловларни ўтказишнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, улар ичида энг кенг тарқалганлари мажори-тар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимлари ҳисобла-нади. Бу йил мамлакатимизда бўлиб ўтадиган сайловлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Сабаби, бу сайлов-ларда дунё тажрибасида кенг синалган аралаш сайлов ти-зими илк бор қўлланилмоқда.

Бунинг учун мамлакатимизда аралаш сайлов тизимига ўтишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Ўзбекис-тон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбир-лар тўғрисида”ги фармони билан мажоритар-пропорционал шаклга асосланган сайлов тизимини жорий этиш белгилан-ди. Мазкур Фармон ижроси юзасидан Ўзбекистон Респу-бликасининг 2023 йил 18 декабрда “Ўзбекистон Республика-сининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-883-сон қонуни қабул қилинди. Янги қонунга мувофиқ Ўзбекис-тон Республикаси Сайлов кодексига ва амалдаги қонунла-рига аралаш сайлов тизимига ўтишни кўзда тутувчи муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчидан:

а) сайлов округлари етмиш бешта ҳудудий бир мандат-ли ҳамда ягона сайлов округига бўлинди. Қонунчилик пала-тасининг 75 депутати амалдагидек мажоритар тизим асо-сида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари эса партия рўйхати бўйича янги таклиф этилаётган пропо-рционал тизим асосида ягона сайлов округидан сайланиши белгиланди;

б) гендер тенгликни таъминлаш учун партия рўйхатида ҳам худди мажоритар тизимдагидек номзодларнинг ками-да 40 фоизи аёллар бўлиши назарда тутилди;

в) агар пропорционал тизим асосида шакллантирилган депутатлик ўрни бўшаб қолса, тегишли партия рўйхатидаги кейинги навбатдаги мандатга эга бўлмаган номзодлар ҳи-собидан тўлдирилиши белгиланди;

г) ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида етти фоиз овозини олган партия белгиланган тартибда депутатлик ўринларига эга бўлиши тасдиқланди;

Иккинчидан, Сайлов кодексига сайлов комиссиялари-нинг вертикал тизимини назарда тутувчи қоидалар кири-тилди ва бу билан;

а) вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайлов комиссиялари ўрнида ҳудудий сайлов комиссиялари тузилиши назарда тутилди;

б) сайлов комиссияларининг профессионал ишлашини таъминлаш мақсадида ҳудудий сайлов комиссияларининг уч нафаргача аъзосининг доимий фаолият юритиши белги-ланди;

в) сайлов комиссияси аъзоларининг ижтимоий кафо-лати кучайтирилди. Хусусан, сайлов комиссиясининг ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган аъзолари сайлов даврида иш берувчи ташаббуси билан иш-дан бўшатилиши ёки улар розилигисиз бошқа ишга ўткази-лиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Учинчидан, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кен-гашлар сайлови натижаларини белгилаш тартиби такомил-лаштирилди.

Тўртинчидан, сиёсий партияларнинг парламентдаги ролини янада оширишга қаратилган қоидалар киритилди. Жумладан:

а) Партия рўйхати асосида сайланган депутатлар муайян сайлов округига эга бўлмаганлиги сабабли қонунда улар-нинг сайловчилар билан алоқаси тегишинча сиёсий партия фракцияси томонидан белгиланиши мустаҳкамланди;

б) таклиф этилаётган пропорционал сайлов тизимида сиёсий партиялар сайловчиларнинг камида 7 фоиз овози-ни олган тақдирда уларга депутатлик ўринлари берилиши назарда тутилган. Шунга мос равишда ҳамда кўппартия-вийлик тамойилига содиқ қолган ҳолда кам овоз тўплаган партияларга ҳам имконият бериш мақсадида Қонунчилик палатасида фракция тузиши мумкин бўлган депутатлар сони тўққиз нафардан беш нафарга туширилди.

Бешинчидан, сайлов комиссияларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилди. Хусусан:

а) Конституцияга мувофиқ, Марказий сайлов комиссия-си ваколатларига қўшимча равишда маҳаллий кенгашлар сайловини ташкил этиш ва ўтказиш шунингдек, ҳудудий сайлов комиссияларини тузиш, янги ташкил этилган вилоят кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округларини ту-зиш ва бошқалар киритилди;

б) Сайлов кодекси янги 20/1-модда билан тўлдирилиб, унда туман, шаҳар сайлов комиссияси халқ депутатлари ту-ман, шаҳар кенгаши сайлов округларини тузиш, халқ депу-татлари туман, шаҳар кенгаши депутатлигига номзодлар-ни ҳамда уларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш,

тегишли сайлов округлари бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ҳамда халқ депутатлари туман, шаҳар кенгаши депутатларига гувоҳнома ва кўкрак нишонини бериш ҳамда бошқа ваколатларга эга экани белгиланди.

Мазкур қонун билан илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказиш бўйича янги тизим шакллантирилди.

Аралаш сайлов тизимининг ўзига хосликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, Ўзбекистон тарихида илк бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловлари аралаш, яъни мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтказилади. Бунда депутатларнинг 75 нафари бевосита мажоритар тизим асосида, яъни сайловчилар ўзларига мақбул номзодларга овоз бериш йўли билан, қолган 75 нафари эса пропорционал тизим бўйича сиёсий партияларга берилган овозлар асосида сайланишади.

Иккинчидан, барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолияти, уларнинг сайлов жараёнлари иштирокчилари билан ўзаро муносабатлари тўлиқ рақамлаштирилади. Бу билан сайлов тартиботларидаги бюрократия, ортиқча вақт сарфи ва хужжатлар ҳаракати қисқартирилди.

Учинчидан, сайлов қонунчилиги илғор демократик стандартларга мос равишда тубдан такомиллаштирилди. Хусусан, сайлов органларининг Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги янги тизими жорий этилди, сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодларни кўрсатишда аёлларнинг улуши камида 40 фоиз бўлиши, депутатликка номзод сайланиши учун сайловчиларнинг нисбий кўпчилиги овозини олиши белгиланди.

Тўртинчидан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса 12 тадан 18 тага кўпайтирилди. Парламентнинг ижро этувчи, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар фаолияти устидан назорат функциялари кенгайтирилди. Ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиши бекор қилинди. Давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда вакиллик органларининг ролини ошириш мақсадида аввал ҳокимлар ваколатида бўлган 33 та ваколатлар маҳаллий Кенгашларга ўтказилди. Хуллас, аралаш сайлов тизими бизга шу каби талай афзалликларни тақдим этади.

Шу пайтга қадар мамлакатимизда мажоритар сайлов тизимидан кенг фойдаланиб келинди. Бу тизим аниқ номзоднинг сайлов округида сайловчиларнинг кўпчилик овозини олиши зарурлиги билан тавсифланади. Шу ўринда нега шу пайтга қадар фойдаланиб келинган тизимдан қисман воз кечилди?, деган савол туғилиши табиий. Чунки, бу сайлов тизимининг айрим камчиликлари ҳам бор эди. Хусусан, мажоритар сайлов тизимининг асосий камчилиги – биринчи турда кўрсатилган номзодларнинг ҳеч бири сайланмаслиги эҳтимолининг мавжудлигидир. Бунда такрорий овоз бериш ва уни молиявий таъминлаш зарурати пайдо бўлади. Молиявий таъминот масаласи, шунингдек, вакиллик органидаги бўшаб қолган депутатлик ўрнини тўлдиришда ҳам юзага келади. Бу дегани – давлат бюджетидан сайлов харажатлари учун ҳар беш йилда бир марта эмас, балки

доимий равишда маблағлар сарфланиши тақозо этилади. Ёки мажоритар сайловда парламентни шакллантиришда сайловчилар томонидан берилган ҳар бир овоз эмас, балки сайловда ғолиб бўлган номзодга берилган овозлар инobat-га олинади, холос. Мағлуб номзодларга берилган овозлар эса бирор бир аҳамиятга эга бўлмайди, яъни “қуйиб” кетади. Бундан ташқари, сайловда асосий эътибор номзодларга қаратилгани боис, ушбу тизим кўппартиявийликнинг ривожланишига етарлича шароит яратмайди.

Агар масалага объектив ёндашадиган бўлсак шу каби айрим камчиликларни пропорционал сайлов тизимида ҳам учратишимиз мумкин. Жумладан, ҳеч бир партия сайловчиларнинг мутлақ кўпчилик овозини тўплай олмаса, ҳукуматни шакллантириш учун у бошқа сиёсий партиялар билан коалиция тузишга мажбур бўлади. Бу эса тузилажак парламент кўпчилиги ва ҳукуматнинг барқарор фаолият юритишига маълум даражада тўсқинлик қилиши мумкин.

Аралаш сайлов тизими эса мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларидаги ушбу камчиликларни бартараф этиш билан бирга уларнинг афзал жиҳатларини ўзида намоён этади. Бунда парламент депутатларининг бир қисми партияларнинг номзодлар рўйхатида овоз бериш орқали сайланса, қолган қисми мажоритар тартибда алоҳида номзодларга овоз бериш орқали сайланади. Аралаш тизим сайловчиларнинг овозларини тўлиқроқ ҳисобга олишга ҳисса қўшади ва мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг ҳақиқий манзарасини аниқроқ акс эттиради. Шу боис бугунги кунда дунёнинг ривожланган 40 га яқин давлатларида аралаш сайлов тизимидан фаол фойдаланилади. Хусусан, ҳозирда Германия, Испания, Япония, Венгрия, Австралия, Янги Зеландия, Гвинея, Албания, Жанубий Корея, Литва, Сомали, Мексика каби мамлакатларда ва Тайванда (ХХР), МДХ доирасида эса Россия, Арманистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузияда аралаш сайлов тизимига амал қилинади.

Шундай қилиб, аралаш сайлов тизими жамиятдаги мавжуд барча сиёсий кучлар иштироки ва мувозанатини акс эттирувчи профессионал парламентни шакллантириш имконини беради. Бунда қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифати ва самарадорлиги ҳам ошади, зеро, аралаш тизим асосида сайланган депутатлар корпуси амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга анча фаолроқ тайёргарлик кўргани боис, уларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни амалга ошириш бўйича талаблари ҳам шунчалик юқори бўлади.

Аралаш сайловларда депутатларнинг бир қисми пропорционал асосда сайлангани боис, уларнинг сиёсий партиялар билан алоқалари анча мустаҳкамланади. Ўз навбатида, сиёсий партияларнинг роли ва нуфузи ҳам ошади, уларнинг сайловолди дастурлари ва сиёсий фаолиятида аҳолининг турли гуруҳ ва қатламлари манфаатлари ҳамда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш тенденцияси кучаяди.

Умуман, янги сайлов тизими парламентни шакллантиришнинг янги замонавий тизимини йўлга қўяди ҳамда ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг ролини ва сиёсий жараёнларга аҳолининг кенг иштирокини амалга оширади.

Хикмат ДАВЛАТОВ,

Қашқадарё вилоят маъмурий судининг судьяси.

ҚОНУНИЙ ВА АДОЛАТЛИ ҚАРОР ИНСОНПАРВАРЛИКДИР!

Хорижий давлатлардан бирида бўлган суд мажлисида судья нон ўғирлаган бир болага нисбатан суд ишини кўриб, қабул қилган қарори ва унинг ижроси анча шов-шувларга сабаб бўлди.

Назаримизда, иш қайси суд (жиноят ёки маъмурий) мажлисида кўрилганлиги муҳим бўлмасада, бироқ, ишни кўриб чиқишда ва қарор қабул қилишда;

- судьянинг ҳақиқий мустақиллигини;
- ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлигини;
- қонун устуворлигини;
- адолат галаба қозонишини таъминлашни;

- судьянинг ишни кўриб чиқиш жараёнини ташкил этишда, иш ҳолатини аниқлаш, амалдаги қонунларга қатъий риоя этган ҳолда хулосага келишини;

- унинг барча олиб борган ҳаракатлари суд ҳокимиятининг амалда “Адолат кўрғони” эканлигини намоён қилишга қаратилганлиги ва суд ҳокимиятига нисбатан жамият аъзоларининг ишончи орттиришга хизмат қилганлигини кўриш мумкин.

Суднинг моҳияти шундан иборатки, бир бола новвойхонадан нон ўғирлаганлиги учун, новвойнинг талаби билан полиция томонидан унга иш кўзғатилиб, болага нисбатан тегишли жазони қўллаш мақсадида ишни кўриб чиқиш учун суд иш юритувига қабул қилинган.

Судья ишни кўриш жараёнида барча иштирокчилар (бола, новвой ва полициячи) нинг фикрларини эшитгандан сўнг, қарорини эълон қилади. Судьянинг қарори уч қисмдан иборат бўлиб;

биринчидан: бола айбни деб топилди, унга жарима белгиланади ва жаримани тўлаши билан озод қилиниши таъкидланади;

иккинчидан: болаларни оч қолдириб, ўғирликка мажбур қилганлиги учун жамият ва унинг аъзолари ҳам айбдор деб белгиланади;

учинчидан: болага солинган жаримада жамият аъзолари вакиллари – ўзи (судья) ва суд залида иштирок этаётган шахсларнинг ҳам айблари борлиги сабабли солинган жаримани қоплашда уларнинг ҳам ҳиссалари борлиги кўрсатиб ўтилади.

Судья суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилади ва жамият аъзоси сифатида биринчи бўлиб болага солинган жариманинг бир қисмини ўз ҳисобидан қоплайди, буни кўрган суд мажлисида иштирок этган фуқаровий даъвогар бўлган новвой ҳам ўз ёнидан жариманинг бир қисмини беради. Шунингдек, суд жараёнида иштирок этган қолган шахслар ҳам бирма-бир келиб жаримани қоплашга ўз ҳиссаларини қўшишади.

Судья йиғилган пулларни ҳисоблаб, жаримага етадиган қисмини суд ижросисига, қолган қисмини эса жаримага тортилган болани кўлига тутқазади ва “Сенинг шундай юришингга жамият аъзоси бўлган барчамиз айбдормиз, шунинг учун жаримани тўладик, қолган қисмини эса тўғри йўлга киришинг учун сенга аванс сифатида бераман. Ўзингга лойиқ иш топ ёки болалар муассасаларига бориб жойлашгин, келгусида бундай хатоликларга йўл қўймагин”, деб, уни суд залидан озодликка қўйиб юборади.

Ушбу жараён ривожини кўриб раислик қилган судья суд мажлисини ўтказишда ва кўрилатган низо юзасидан қарор қабул қилишда ўзининг ҳақиқий мустақиллигини намоён қилганлигига шубҳа йўқ.

Юқоридаги каби ҳолат бизда содир бўлганда жамият аъзолари буни қандай қабул қилардилар? Эҳтимол, суд мажлиси иштирокчилари болага солинган жаримада ўзларининг ҳам улушлари борлигини ҳис қилиш ўрнига, судьяга нисбатан ўзларининг “ширин” фикрларини билдирган бўлармидилар ёки мазкур қарорга нисбатан келтирилган шикоят юқори инстанция судида кўрилса, куйи инстанция судьясининг ички кечинмалари ва унинг бундай хулосага келганлигини, “қонуний ва адолатли” қарор деб, кучда қолдирармидилар, ёки бошқача тўхтамга келинаромиди? Бу борада аниқ бир фикр айтиш қийин.

Мисол учун, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган судья ИИБ нозирининг “А” исмли фуқарога нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида маъмурий жазо чора сифатида жарима солиш юзасидан тузган маъмурий баённомасини кўриб чиқиб, агар (бизнинг фикримизча):

ўзгаришсиз қолдирса, яъни маъмурий баённомада сўралган, Кодексда белгиланган ўттиз баравар миқдорида жарима ундириш ҳақида қарор қабул қилса, ҳуқуқбузарликни аниқлаш соҳасида фақат ички ишлар нозирининг тафаккури даражасидаги билимга эга бўлган судья иш ҳолатини ҳолис ўрганмасдан, фақат ишга тақдим этилган ҳужжатлар ва асослар билан (айрим ҳолларда тарафларнинг иштироки ва тушунтиришларини шахсан олмасдан) кифояланган ҳолда тўхтамга келган ҳисобланади.

Аксинча, судья фуқарога нисбатан Кодексда белгиланган жарима жазосини эмас, балким фақат маъмурий иш материаллардаги мавжуд ҳужжатларини таҳлил этиш билан чегараланмасдан, қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларидан фойдаланган ҳолда, фуқаро “А” нинг тушунтиришини эшитиб, зарурат бўлса қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиб, ҳуқуқбузарликка тортилатган фуқаронинг ёшини, уни муқаддам жавобгарликка тортилмаганлигини, ўзи содир қилган ҳуқуқбузарлигидан, яъни бошқа шахсининг шаънини камситганидан чин дилдан пучаймон эканлиги, ундан узр сўраганлиги каби бир қатор енгиллаштрувчи ҳолатларни эътиборга олиб, фуқаро “А”га нисбатан жарима жазоси эмас, фақат огоҳлантириш билан кифояланиш ҳақидаги қарорни қабул қилса, демак, судья ўзининг қонунларни яхши билишлиги билан бир қаторда, ўзининг адолатли судьялигини намоён этган бўлади.

Хорижий судья билан бир қаторда жарима жазосини огоҳлантиришга ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилган

судьямизнинг Суд ҳокимиятини ҳақиқий “Адолат кўргони”-га айлантиришда ва фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончини ошириш бўйича қўшган ҳиссаси нақадар салмоқли эканлигини англаш қийин эмас, албатта.

Ҳақиқатдан ҳам, амалдаги қонунларимизда ҳуқуқбузарлик содир этганда гумон қилинаётган фуқароларга нисбатан Кодексда унинг ҳуқуқбузарлиги юзасидан белгиланган жазога қараганда бошқа енгилроқ жазо турини қўллаш ёки енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни умуман маъмурий жазодан озод қилиш юзасидан белгиланган нормалар мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”-ги қонунининг 4-моддаси 2-қисмида, суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилганлиги белгиланган.

Шунингдек, МЖТК 2-моддасида ҳам, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқирилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш, 22-моддасида эса, маъмурий жавобгарлик маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши кўрсатилган.

Зеро, судья маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб ҳисоблашни (12-модда);

шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликни белгилловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурий мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини гайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмаслиги (18-модда) белгиланган.

Айниқса, судья ишни кўриш жараёнида: айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши; етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши; ҳуқуқбузарликни кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этганлиги; ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс ёки ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яқка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилганлигини ҳуқуқбузарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши лозим.

Мамлакатимизда суд мустақиллиги ҳақида гап кетганда, албатта суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва судьянинг мустақиллиги бир - бири билан чамбарчас боғланган бўлса-да, бироқ суд ва судья мустақиллигини таъминлаш фарқли тушунчалар эканлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади, бошқа бирон-бир идора судьяларга юклатилган вазифаларни ва масъулиятни бажариши, қолаверса берилган юксак ваколатлардан фойдаланиши мумкин эмас.

Судьянинг мустақиллиги Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг бир қатор моддаларида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунушлари, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашига йўл қўйилмаслиги, бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши, судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланиши белгиланган.

Судьянинг мустақиллиги Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунда ҳам кафолатланган бўлиб, унга кўра, судьянинг мустақиллиги қарорларни чиқариш чоғида судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши ва судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериши орқали таъминланади.

Суд том маънода халқнинг суянчиғига айланмоғи даркор. Унинг олдида турган асосий вазифа, суд ҳокимияти, суд органлари ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, қабул қилинаётган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлаш билан бир қаторда, юқорида қайд этилган МЖТКда белгиланган ҳар бир ҳуқуқбузарликка оид ишларни ҳал этишда тақдим этилган маъмурий баённома асосида маъмурий жазо турини белгилаш эмас, балки фуқароларни Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратиши лозим бўлади.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилишимиз керак-ки, барча судьялар Янги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларимизнинг устуворлигини, унинг тўғри қўлланилиши ва барча ишларда адолатни қарор топтириш йўлида виждонан меҳнат қилишимиз, “ҳамма учун қонун олдида тенглик ва ижтимоий адолатни сўзсиз таъминлаш биринчи галда республикамизнинг барча судьялари олдидаги энг муҳим вазифа ва масъулият деб қабул қилишимиз, бу масъулиятли вазифаларни виждонан бажаришимиз талаб этилади.

Маъруфжон ТАЖИБОЕВ,
юридик фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD) , доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://lex.uz/docs/5534923> Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонун
2. <https://lex.uz/docs/97664> Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодекси 31-модда
3. <https://lex.uz/docs/6445145> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 130-модда
4. <https://lex.uz/docs/6445145> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 136-модда
5. <https://lex.uz/docs/5534923> Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни 9, 63-моддалар

ИНСОННИНГ ТОЗА, СОҒЛОМ ВА БАРҚАРОР МУҲИТДА ЯШАШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ — БОШ МАСАЛА

АННОТАЦИЯ: мақолада атроф-муҳит ифлосланиши шароитида инсоннинг тоза, соғлом ва барқарор муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш масалалари таҳлил қилинган. Миллий қонунчиликда инсоннинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва муҳофаза қилиш механизмлари, хорижий мамлакатларда мазкур ҳуқуқларни таъминлаш йўллари ҳамда одил судлов имкониятларидан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилиб, мамлакатимизда мазкур ҳуқуқларни самарали амалга оширишни такомиллаштириш бўйича фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, атроф-муҳит муҳофазаси, инсоннинг тоза, соғлом ва барқарор муҳитда яшаш ҳуқуқи, одил судлов.

Бугун атроф-муҳит ифлосланиши ва иқлим ўзгариши халқаро даражадаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Эътиборлиси, атроф-муҳит ифлосланиши нафақат иқтисодий, ижтимоий оқибатларга, балки фуқаролар соғлиғига ҳам салбий таъсир қилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра экологик омиллар туфайли ҳар йили 13 млн. киши ҳалок бўлиб, шундан 6,5 млн. ўлим ҳаво ифлосланиши оқибатида юз беради.

Бу муаммо кўпчилик давлатлар қатори Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Жаҳон банки ҳисоботида кўра Тошкент шаҳрида кузатилаётган ҳаво ифлосланишининг асосий манбалари иситиш тизими (28%) ҳисобланиб, қиш мавсумида кўмирдан фойдаланишнинг ошиши ҳисобида мазкур кўрсаткич 45%гача етади. Ҳаво ифлосланишида антропоген ташланмалар ичида транспорт (25%), оғир ва енгил саноат (22%), қурилиш ишлари ва йўл чанглари (18%) улуши ҳам сезиларли даражани ташкил этади. “Ўзбеккосмос” агентлиги маълумотида кўра 2024 йил июль ойига қадар 1960 та ҳолатда бошқоқ дон экинларидан бўшаган 23 273 гектар майдондаги сомон қолдиқлари ёқиб юборилиб атроф-муҳит ва инсон саломатлиги жиддий хавф остида қолдирилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, атроф-муҳит ифлосланиши якунда инсон саломатлигига жиддий зарар етказиб, айниқса болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларининг саломатлиги ва фаровон ҳаёт кечиришига салбий таъсир кўрсатади ҳамда инсон ҳуқуқларини тўлақонли рўёбга чиқариш имконини бермайди. Ҳисоботларга кўра, ҳаво ифлосланиши биргина Тошкент шаҳрида ҳар йили тахминан 3000 инсоннинг бевақт ўлимига сабаб бўлади ҳамда аҳоли фаровонлигининг йўқотишлари 488.4 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Бунда энг асосийси иқтисодий ривожланиш, экологик барқарорлик ва инсоннинг муносиб яшашга бўлган ҳуқуқлари ўртасида мувозанатга эришиш ҳисобланади. Зеро, қайсидир бирига устуворлик бериш бошқасининг ўз-ўзидан чекланиши ва инқирози ҳисобида амалга оширилади. Дастлаб 1992 йилда қабул қилинган Рио декларациясида ўз ифодасини топган мазкур барқарор ривожланиш тамойиллари ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш, иқтисодий ўсиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ажралмас эканлиги ҳамда улар ўртасида мувозанатни таъминлаш кераклигини мустаҳкамлаб қўйган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси резолюцияси билан инсоннинг тоза, соғлом ва қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи илк бор халқаро даражада эътироф этилганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида ҳам ҳар ким қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни 12-моддасида ҳозирги ва келажак авлодларнинг қулай табиий муҳитда яшаш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Миллий қонунчиликда инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг бир қатор воситалари белгиланган. Хусусан:

- фуқароларнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқи;

- атроф табиий муҳитнинг аҳоли ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларга доир ахборот олиш ҳуқуқи;

- фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳамда унга таъсир этувчи омиллар ҳақида ўз вақтида ва аниқ ахборот олиш ҳуқуқи;

- аҳолининг соғлиғини сақлаш ҳамда табиий эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш ва белгиланган сифатдаги ичимлик суви билан таъминлаш кафолатлари;

- атроф табиий муҳитга, инсон саломатлигига зиён етказаятган экология жиҳатидан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиш;
- ўз соғлиғига ва мол-мулкига зиён етказилган ҳолларда зарарнинг ўрни қопланиши каби ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Фуқаролар мазкур ҳуқуқларнинг барчасидан самарали фойдаланяпти деб бўлмайди. Хусусан, мамлакатимизда экологик муаммолар кўлами кенглигига қарамай, экология йўналишида Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтиб республика миқёсида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар сони жами нодавлат нотижорат ташкилотларнинг атиги 1 фоизини ташкил этади, холос. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ҳаво ифлосланиши ва у билан боғлиқ экологик инқироз иқтисодий ривожланиш палласида бўлган аксар мамлакатларда кузатилади. Айрим давлатлар мазкур жараёндан тезроқ ва оқилона қарорлар ҳисобида муваффақиятли ўтиб олган бўлса, айрим давлатларда мазкур инқирозли ҳолат янада мураккаблашганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, Осиёда экологик ҳолати барқарор ва юқори экологик стандартларни жорий этиш бўйича Япония етакчи ҳисобланади. Афсуски, бундай натижага эришиш учун мамлакат атроф-муҳит ифлосланиши натижасида юзага келган касалликлар (минамата, астма ва итаи-итаи касаллиги) ва жамоат соғлиғи билан боғлиқ тўртта жиддий инқирозларни бошидан ўтказишига тўғри келган. Бундай инқирозли ҳолатлар 1960 йиллардаги юқори иқтисодий ўсиш ва саноатлашиш даврига тўғри келади.

Жумладан, Япониянинг Ёккаичи порти атрофида нефт-кимё мажмуаси ишга туширилиб, мажмуа томонидан атмосферага чиқарилган ташланмалар туфайли ҳудуддаги ҳаво юқори даражада ифлослана бошлайди. Аҳоли, айниқса 10 ёшгача болалар ва қариялар орасида астма касаллигига чалиниш ҳолатлари ва нафас олиш йўллари билан боғлиқ турли касалликлар ортади. Натижада, мазкур ҳудудда болалар ўлими кўрсаткичлари ўртача умуммиллий кўрсаткичларга нисбатан икки барабар юқорига кўтарилиб, аҳолининг ўртача умр давомийлиги жиддий қисқаради. Ҳудудда яшовчилар орасида асоратли бронхит, бронхиал астма билан боғлиқ ўлим кўрсаткичлари сони ошади ҳамда ушбу инқироз тарихга “Ёккаичи астма” ёки “Ёккаичи ифлосланиши” номлари билан киради.

Мазкур муаммони ҳал этиш учун бир гуруҳ жамоатчилик фаоллари томонидан айбдор компанияларга қонуний чора кўриш мақсадида суд идораларига мурожаат қилинади. 1967 йили даъвогар фуқаролар томонидан экология ифлосланишига сабабчи бўлган 6 та жавобгар компанияларга нисбатан етказилган зарарни қоплаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтириш бўйича зарур чораларни кўриш учун судга даъво аризаси киритилади.

Беш йил давом этган ва ОАВ томонидан кенг ёритиб борилган суд жараёни нихоят 1972 йилда даъвогарларнинг ғалабаси билан якунланади. Суд қарорида “компаниялар иқтисодий самарадорлик ва фойда олишга устуворлик беришдан воз кечиши, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш бўйича барча чораларни кўриши, бунда дунёдаги энг илғор технология ва билимларни қўллаши кераклиги” қайд этилади. Мазкур суддаги ғалаба Япониянинг бошқа ҳудудларида ҳам экология ифлосланиши билан боғлиқ жамоат манфаатлари учун даъво аризаларини кўзғатишга туртки беради ва япон компанияларининг экологик масъулиятини оширишга, атроф-муҳитга етказиладиган зарар кўламини камайтиришга ва экологик ҳолатни қайта тиклашга олиб келади. Кўрилган чоралар натижасида бугунги кунда Японияда, хусусан Ёккаичи шаҳрида экологик ҳолат барқарорлигини кўриш мумкин.

Хитойда жамоат манфаатлари учун даъво аризалари киритиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қонунийликни таъминлашда прокуратура органлари имкониятларидан самарали фойдаланилади. Хусусан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича жамоат манфаатлари учун киритилган даъво аризаларининг 98.6% прокуратура ҳиссасига тўғри келади. Мазкур даъво аризаларининг 80 фоизи жиноят ишлари доирасида фуқаровий тартибда киритилган даъволар бўлиб, 14 фоиздан ортиғи маъмурий ҳамда 6 фоизга яқини фуқаровий ишлар ҳисобланади. Шунингдек, киритилган даъво аризаларнинг деярли барчаси судлар томонидан қаноатлантирилганлигини кўриш мумкин.

Афсуски, дунё мамлакатлари бошидан ўтган ва жиддий оқибатларга олиб келган экологик инқирозлардан доим ҳам тўғри хулоса чиқарилмаяпти, улар қилган хатоларни ривожланиш босқичида турган давлатлар ҳам яна такрорламоқда. Зеро, иқтисодий ўсишга эришиш учун бой берилган ва экологияга етказилган зарарнинг ўрнини келажакда қоплаш имконияти йўқ ёки бўлган тақдирда ҳам унинг қиймати эришилган иқтисодий қийматдан бир неча қарра қимматга тушади.

Айрим давлатлар томонидан юзага келган экологик инқироз қисқа муддатда бартараф этилган бўлсада, ҳозирги

иқлим ўзгариши ва глобал исиш шароитида атроф-муҳитга етказилган зарар ўрнини қоплаш ҳамда уни асл ҳолатида қайта тиклаш янада мураккаб ва тобора қийинлашиб бормоқда. Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва инсоннинг тоза, соғлом ва барқарор муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш тизимли ёндашув ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Бунинг учун энг аввало фуқароларни атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборот билан таъминлаш мақсадида маълумотларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш ва кенгайтириш зарур. Жумладан, ҳар бир корхона ва ташкилот кесимида атроф табиий муҳит ҳолатига зарарли таъсир қиладиган ёки номақбул тарзда таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, атроф табиий муҳитга тушадиган зарарли моддаларнинг турлари ва миқдори, чиқиндиларнинг ҳажмлари ва таркиби, ўзгариш динамикасига оид маълумотлар очиқлигини таъминлаш ва эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш зарур.

Айни пайтда, республиканинг барча ҳудудларида атмосфера ҳавоси ифлосланиши фон мониторингини амалга оширувчи станцияларни ишга тушириш ва реал вақт режимида онлайн узатишни йўлга қўйиш зарур. Шунингдек, биринчидан, ҳаво ифлосланиши фон мониторингидан келиб чиқиб, аҳоли ўз саломатлигини асраш учун қандай эҳтиёт чораларини қўллаш кераклиги бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва аҳоли эътиборига етказиб туриш;

иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 7-сентябрдаги 541-сон қарорида келтирилган атроф муҳитга зарар етказиш даражаси ўрта ва юқори бўлган корхоналар томонидан атроф-муҳитга зарар кўламини камайтириш ва олдини олиш учун илғор экологик тозалаш технология ва филтрларини мажбурий қўллаш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда худди цемент ишлаб чиқариш ташкилотлари учун Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 14-апрелдаги 223-сон қарори билан белгилангани каби мазкур корхона ва ташкилотларга туташ ҳудудларда стационар кузатиш пунктлари (постлар)ни ўрнатиш ҳамда фон мониторингини реал вақт режимида онлайн узатишни йўлга қўйиш орқали атроф-муҳит ва инсон саломатлигига зарарли таъсир кўрсатаётган корхоналар фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш;

учинчидан, атроф-муҳит ифлосланиши ва инсоннинг тоза, соғлом ва барқарор муҳитга оид ҳуқуқларини жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳамда суд идоралари орқали ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур.

Энг асосийси, инсоннинг муносиб яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун иқтисодий, ижтимоий манфаатлар ва барқарор атроф-муҳит ўртасида ўзаро мувозанатни таъминлаш, фуқаролар, корхона ва ташкилотларнинг экологик ҳабардорлиги ва масъулиятини ошириш, экологик ахборотнинг очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик назорати имкониятларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш ва одил судлов имкониятларидан фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Бобир ТУРДИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси катта прокурори.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖАЗОНИ ЎТАШДАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ ОЗОД ҚИЛИШГА ОИД МЕЪЁРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Айрим тоифадаги шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни кўзда тутувчи жиноят-ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд. Жумладан, вояга етмаганларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллашга доир тартиб-таомиллар шулар жумласидандир.

Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда судланган вояга етмаганлар сони 497 нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилга келиб 1 414 нафарга ёки 384,6 фоизга ошган. Шу билан бирга ушбу тоифадаги маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳам кескин кўпайган. Мисол учун 2019 йилга нисбатан 2023 йилда 627 маротабага ёки 739,8 фоизга ошган.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини яхшилашнинг энг кўп тарқалган тури бўлса-да, бироқ унинг қўлланилиши муттасил равишда ортиб бориши билан эмас, балки унинг самарадорлиги билан боғлиқ.

Шу боис мазкур йўналишдаги ишларга асло совуққонлик билан қараб бўлмайди. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш, уларни ахлоқан тарбиялаш ва ўқишга бўлган ҳалол муносабатни шакллантиришда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институти муҳим аҳамият касб этади. Жиноят қонунчилигида вояга етмаганларни жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш институтини такомиллаштиришнинг объектив зарурати қонун ҳимоясига олинган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш ва профилактик мақсадларга эришиш билан изоҳланади.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш асоси шундаки, маҳкум ҳукмнинг маълум бир қисмини ўташи лозим. Бусиз шартли равишда озод қилишга қонун йўл қўймайди.

Шартли равишда озод қилиш асоси жиноятларни таснифлаш билан узвий боғлиқ (ЖКнинг 15-моддаси) ва бу вояга етмаган шахсларга тайинланадиган жазо миқдорига бевосита таъсир қилади. Чунки, суд вояга етмаган маҳкумга жазо тайинлаётганда уни шартли равишда озод қилиш жиҳатларини ҳам ҳисобга олади.

Жиноят қонунчилигида вояга етган ва вояга етмаган маҳкумларга нисбатан шартли равишда озод қилиш чоралари зарур бўлган жазо асослари табақалаштирилганлигига ҳам бевосита боғлиқ. Шундай қилиб, шартли равишда озод қилиш иккита ҳолатга асосланади, биринчидан, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ва иккинчидан, жазо муддатини ўташ давомида унда моддий асослар шаклланганлиги ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 89-моддасига кўра, ўн саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилинган, озодликни чеклашга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши мумкин. Бироқ, вояга етмаган шахсларга нисбатан тайинланадиган жазо турларидан мажбурий жамоат ишлари жазосида муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қондаси қонунчиликда мавжуд эмас. Жазодан кўзланган мақсад маҳкумни ахлоқан тузатиш экан, бу нарсга вояга етмаганларга салбий таъсир ўтказиши, деб ҳисоблаймиз. Суд амалиёти маълумотларига кўра, 2023 йилда мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган вояга етмаган шахсларнинг ҳиссаси 1,7 фоизни ташкил қилади.

Вояга етмаганлар вояга етганларга нисбатан маълум муддат ўтгач ўзларининг ёмон одатларидан воз кечиш зарурлигини англаб етадилар. Якуний босқичда эса улар яхши хулқ-атворда бўлиш ва ўрнатилган тартиб-қоидаларга бўйсунуши шартлигини англайдилар, ахлоқан тузатиш йўлига ўтганлиги, онгининг шаклланганлиги, яхши хулқ-атворга эга эканлиги билан ажралиб туради. Маҳкумнинг тарбияланганлиги ва ўзини бошқара олиш қобилияти шаклланидиган сўнг яна уни жазони ўташга мажбурлаш унда бошқача салбий хулқ-атвор пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Бир қатор хорижий мамлакатларда мажбурий жамоат ишларини ўтаётган вояга етмаган шахслар учун жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш қўлланилади. АҚШда вояга етмаган шахс жамоат ишлари жазоси шартларини муваффақиятли бажарган тақдирда, суд ёки пробацция хизмати томонидан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкин. Бу каби амалиёт Европанинг Буюк Британия, Германия, Франция, Нидерландия, Швеция каби давлатларида ҳам мавжуд. Мазкур давлатларда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш вояга етмаган шахсларни тарбиялаш ва уларни жамиятга қайта мослаштириш учун самарали воситалардан бири сифатида қўлланилади. Бу амалиётлар вояга етмаганларнинг жиноий фаолиятдан тийилишини ва ижтимоий масъулиятли фуқаролар бўлиб етишишини таъминлашга қаратилган.

Шунингдек, БМТнинг “Балогатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалар”ида вояга етмаган шахсларни жазодан иложи борица тезроқ озод қилиш бўйича тавсиялар қайд қилинган.

Пробацция хизмати ва суд органи ходимлари билан ўтказилган “вояга етмаган шахсларни мажбурий жамоат ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш керакми?”, деган мазмундаги сўровномада иштирокчиларнинг 23 фоизи “йўқ” деб, 77 фоизи “ҳа” деб жавоб беришган. Улар ўз изоҳларида бу билан маҳкумни

**Минг дирҳам са-
дақа қилганимдан,
шубҳали бир дирҳам-
ни олмаганим менга
яхшироқдир.**

**Абдуллоҳ ибн
МУБОРАК
роҳматуллоҳи алайҳи**

фақат жазосини оғирлаштириш билан қўрқитиб жазосининг ўталишига эришмасдан балки мотивацион кайфиятда бўлишини таъминлаб жазодан қўзланган мақсадга эришишларини таъкидлашди.

Халқаро ташкилотлар вояга етмаган шахсларни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни таъкидлаб қўйиш бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини келтириб ўтган. Жумладан, вояга етмаганларнинг узоқ вақт давомида жиноий жазони ўташи улар томонидан қайта жиноят содир этиш эҳтимоли ошишига, психологик ва эмоционал салбий таъсир кўрсатишига, ижтимоий ва иқтисодий имкониятларини камайитишига, шунингдек, уларни жамиятга қайта мослаштиришни қийинлаштиришга, ижтимоий алоқаларини йўқотишига ва жамиятдаги ўрнини топишда қийинчиликларга дуч келишига, таълим ва касб-хунар ўргатиш каби дастурларда иштирок этиш имконияти чекланишига олиб келади.

Мазкур омиллар сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 89-моддаси 1-қисмини “...ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишларида ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартиби қўлланилиши мумкин” жумласи билан тўлдиришни таклиф қиламиз.

Ушбу қонданинг қонунчиликка киритилиши биринчидан, жиноят-ижроия қонунчилигининг тамойиллари таъминланишига, иккинчидан жазодан қўзланган мақсад ахлоқан тузалишга ундашига, учинчидан маҳкумнинг қонуний ҳатти-ҳаракатларини рағбатлантириш кейинги ижтимоийлашувини таъминлашга хизмат қилади.

Жиноят-ижроия қонунчилигини жазони ижро этиш жараёнида дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш тамойили маҳкумларнинг судланганлиги ва бошқа ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда муайян тоифаларга тақсимлашни назарда тутди.

Ҳозирги вақтда жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган вояга етмаган шахс жазонинг ўталмаган қисмида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, у содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади. Бошқача қилиб айтганда, жиноят ва жиноят-ижроия принципларида зид равишда, ижтимоий хавфлилик даражаси нисбатан анча юқори бўлган шахслар учун қонун чиқарувчи имконият нуқтаи назаридан биринчи маротаба жиноят содир этган шахс билан тенг шартлар қўйган. Бу ўз навбатида, қайта жиноят содир этган шахсларнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш шартларини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг хавфлилик даражасини инobatта олишни талаб қилади.

Вояга етмаган шахсларни вояга етган шахслардан ажратиб, дифференциаллашга нисбатан бундай мувозанатсиз ёндашув шикоятларни келтириб чиқаради. Чунки, биринчидан, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган вояга етмаган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, унинг ахлоқан тузалиши бошқа тоифадаги шахсларга нисбатан кўпроқ вақт талаб этади, иккинчидан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилган вояга етмаган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ЖКнинг 60 ва 86-моддаларида назарда тутилган қондаларга мувофиқ жазо тайинлайди. Бу борада қонун чиқарувчининг позициясини қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Бироқ, мазкур тоифадаги шахслар томонидан жиноятларнинг қайталаниши қонун билан етарли даражада ҳимояланмаган ва шу йўналишда керакли натижаларга эришилмаётганлиги билан изоҳланади.

Бинобарин, халқаро тажрибада жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган вояга етмаган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм

қилинган бўлса, унинг келгусида жазодан муддатидан илгари шартли озод бўлишдаги ҳуқуқий ҳолати оғирлашади. Жумладан, вояга етмаган шахс тайинланган жазонинг Қирғизистонда 3/4 қисмини, Украина 2/3 қисмини ўташи лозим ҳисобланади. АҚШ, Австралия, Буюк Британия каби давлатларда вояга етмаган шахслар жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганидан сўнг қайта жиноят содир этган ҳолатда уни келгусида шартли озод қилиш шартлари оғирлаштирилади ва имкониятлари чекланади.

Албатта тайинланган жазо тўлиқ ўталмай, маҳкум давлат ишонч билдирган ҳолда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этилса-ю, у ушбу муддат давомида ишончни оқламадан қайта жиноят содир этса, келгусида давлат томонидан янги ишончининг асоси ўзгармаса маҳкумларни табақаллаштиришнинг бузилишига ва қайта жиноят содир этилишнинг ҳуқуқий оқибати бўлмаслигига ва жабрланувчиларнинг ўринли эътирозига сабаб бўлади.

Олимлар Л. Иногамова-Хегай ва Е. Казарян жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш имконияти берилган вақт давомида содир этган такроран жинояти учун жазога тортилган маҳкумнинг қайта жазодан муддатидан илгари шартли озод бўлиши учун мазкур жазонинг ярмини ўтаганидан сўнг рухсат бериш бўйича таклиф беришади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 89-моддаси 3-қисми “в” бандига “ўта оғир ёки қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ёки жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси энгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади” деган қоида киритишни таклиф қиламиз.

Ушбу ўзгаришлар билан жиноят қонунчилигининг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят билан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган вақтида жиноят содир этган шахснинг манфаатлари тенг равишда ҳисобга олинади ва ушбу институт нормаларининг давомийлиги жиноят қонунчилигининг инсонпарварлаштириш тенденцияси сақланиб қолишига олиб келади.

Дониёр ХАЛИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Жазони ижро этиш фаолияти кафедраси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Душанов Р., Исаков А. Вояга етмаган ўсмирлар жиноятчилигининг психологик хусусиятлари //Евразийский журнал академических исследований. – 2023. – Т. 3. – №. 5 Part 4. – С. 224-228.
2. Питкевич Л. П. Обязательные работы в Российской Федерации и зарубежных странах //Проблемы экономики и юридической практики. – 2013. – №. 4. – С. 38-40.
3. Хибина Н. Н. Условно-досрочное освобождение несовершеннолетних от отбывания наказания: уголовно-правовые и уголовно-исполнительные аспекты : дис. – —Бишкек, 2011.—168 с, 2011.
4. Қодиров Қ., Жабборов Т. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган маҳкумларни ижтимоий реабилитацияси ва адаптациясини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари //Наука и технология в современном мире. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 352-360.
5. <https://stat.sud.uz/>.
6. <https://stat.sud.uz/>.
7. <https://thecrimereport.org/wp-content/uploads/2018/07/Youth-Justice-in-Europe-July-2018.pdf>.
8. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/beijing_rules.shtml.
9. <https://www.unodc.org/>.
10. <https://mvd.gov.kg/rus/ministry/normative-bases/22>.
11. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109&pos=8;-108#pos=8;-108.

КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик тушунчаси ҳамда жиноят объектнинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Бундан ташқари, ушбу жиноятнинг 2014-2024 йиллардаги статистикаси илмий таҳлили келтирилган ва мавзу юзасидан назарий хулосалар берилган.

Калит сўзлари: ижтимоий хавфли қилмиш, жиноят, жавобгарлик, касб, вазифа, оғир шикаст, ҳаёт, объект, жабрланувчи, қилмиш.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг объекти борасида адабиётларда турлича фикрлар билдирилган. Хусусан, жиноят ҳуқуқи соҳасидаги олимлар ўртасида ушбу жиноятнинг бевосита объекти борасида икки хил ёндашув шаклланган.

Биринчи гуруҳ муаллифлар мазкур жиноятнинг бевосита объекти сифатида “инсон ҳаёти ёки соғлигининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни” кўрсатсалар, иккинчи гуруҳ олимлар бундай объект сифатида “инсон ҳаёти ёки соғлигини” кўрсатадилар.

Бизнингча ҳам жиноят қонуни тузилишидан ҳамда ушбу модданинг ЖКдаги жойлашувидан келиб чиқиб, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг объекти бевосита инсон ҳаёти ёки соғлиги бўла олмайди. Чунки, ушбу қилмиш бевосита инсон ҳаёти ёки соғлиги хавфсизлигига қарши қаратилган.

Мазкур жиноят туфайли Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги 265-І-сон қонуни билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар ҳам бузилади.

Хусусан, қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти эса ушбу ҳуқуқни самарали амалга ошириш йўлида тўсиқ бўлади ва уни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларга тажовуз қилади.

Ходим касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасдан шахснинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатларга зарар етказиши. Қонун чиқарувчининг мақсади ижтимоий муносабатнинг барча иштирокчилари муайян қоидаларга риоя этишлари, хусусан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажаришларини таъминлаш орқали бундай ижтимоий муносабатларни қўриқлаш ҳамда шу тариқа ҳар қандай шахснинг соғлиги ва ҳаёти муҳофазасини таъминлашдан иборат.

Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажариши, қўйилган талабларга қатъий риоя этишидан алоҳида шахслар ва бутун жамият манфаатдор. Аксинча, ходимларнинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида фуқароларнинг шахсий манфаатларига ва бутун жамиятга зарар ёки шикаст етказилиши мумкин.

Мамлакатимизда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини йиллар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак:

- 2014 йилда – 74 та (108 нафар шахс);
- 2015 йилда – 66 та (109 нафар шахс);
- 2016 йилда – 102 та (148 нафар шахс);
- 2017 йилда – 88 та (113 нафар шахс);
- 2018 йилда – 102 та (145 нафар шахс);
- 2019 йилда – 92 та (122 нафар шахс);
- 2020 йилда – 78 та (102 нафар шахс);
- 2021 йилда – 67 та (95 нафар шахс);
- 2022 йилда – 78 та (104 нафар шахс);
- 2023 йилда – 87 та (117 нафар шахс);
- 2024 йил 1-ярим йилда – 59 та (77 нафар шахс) жиноят содир этилган.

Мазкур жиноят объектга зарар фуқароларнинг соғлиги ва ҳаётини сақлашга қаратилган, давлат ва жамият томонидан маъқулланган фаолият тартиб-қоидаларини бузиш йўли билан етказилади. Профессional фаолият соҳасида жиноятларда муҳофаза қилинадиган муносабат субъектлари касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасдан, ўзларига юклатилган вазифаларга нисбатан бепарволик ёки инсофсизлик билан муносабатда бўладилар ва шу тариқа касб юзасидан ўз вазифаларини бажаришнинг қонун билан белгиланган тартибини бузадилар.

Объект жиноятнинг моҳияти ва юридик табиатини, унинг ижтимоий хавфлили хусусияти ва даражасини кўп жиҳатдан белгилайди. Шу жиҳатдан жиноят объекти бу тажовуз қаратилган ижтимоий муносабатларнинг жиноят ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган мажмуидир.

Адабиётларда тадқиқ этилаётган мазкур жиноятнинг объектига етарли эътибор берилмаганлиги туфайли ҳам ушбу муаммо ханузгача ўзининг ўлақонли ечимини топмаганлигини қайд этиш лозим. Мазкур муаммонинг баъзи бир жиҳатларига берилган тавсифларда қарама-қаршиликлар кузатилади, илгари сурилган фикрларда аксарият ҳолларда умумийлик кўзга ташланади.

Ҳолбуки, ушбу қилмиш учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни меъёрлари ва уларни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш учун айнан жиноят объектини тўғри аниқлаш биринчи даражали аҳамиятга эга.

Жиноий тажовуз объектини тўғри тавсифлаш муайян турдаги жиноятларнинг моҳиятини ёритиш, уларнинг ижтимоий хавфлили хусусиятини кўрсатиш имкониятини беради, шунингдек аниқ жиноятларни тўғри малакалаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Профессор М.Х.Рустамбаевнинг ёзишича, “ЖКнинг 116-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг объекти – инсон ҳаёти ёки соғлигининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади”.

Л.Н.Урумбаева юқоридаги муаллифлардан фарқли “инсон ҳаёти ёки соғлиғи мазкур жиноятнинг объекти бўла олмайди. Балки ушбу қилмиш юқоридаги неъматларга қарши қаратилмаган, мазкур қилмиш натижасида ҳаёт ва соғлиқ хавф остида қолишини ҳисобга олиб ушбу жиноятнинг объекти шахс соғлиғининг хавфсизлигидир”, деган фикрни билдиради.

Э.О.Турғунбоев ҳам юқоридаги фикрни маъқуллаб, “мазкур жиноят “ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган жиноятлар” деб номланган бобда жойлашганлиги учун унинг объекти жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлиги бўлиши лозим”, дейди. Бизнингча М.Х.Рустамбаев, Э.О.Турғунбоев ҳамда Л.Н.Урумбаева-лар бу борада ҳақдирлар.

Ўрганилаётган жиноят объектига зарар фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётини сақлаш зарурияти билан белгиланган ва ижтимоий муносабатларнинг мазкур соҳаси самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган, давлат ва жамият томонидан маъқулланган фаолият тартиб-қоидаларини бузиш йўли билан етказилади.

Аниқ ижтимоий хавфли қилмиш айрим ижтимоий муносабатга, яъни бевосита объектгагина эмас, балки мазмунан турдош бўлган ижтимоий муносабатларнинг муайян гуруҳига (турдош объект), охир-оқибатда эса – жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуига (умумий объект) ҳам тажовуз қилади.

Мазкур тасниф турли даражадаги жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектларини аниқлашга хизмат қилади. Жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти бўлган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятларини аниқлаш махсус, турдош ва бевосита объектларни ажратиш орқали амалга оширилади. Қўриб чиқиладиган жиноятнинг махсус ва турдош объектини кўрсатиш учун улар ижтимоий муносабатларнинг қайси гуруҳига зиён етказишини аниқлаш зарур бўлади.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг махсус объекти ЖК Махсус қисми биринчи бўлимида кўзда тутилган нормалар билан қўриқланадиган шахсни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар.

Турдош объект махсус объектнинг бир қисми бўлиб, у иштирокчиларнинг айни бир манфаатини акс эттирувчи ёки айни бир объектнинг ўзаро боғланган айрим манфаатларини ифодаловчи муносабатларнинг нисбатан торроқ гуруҳларини бирлаштиради. Қисм бутун билан ёки тур жинс билан қандай нисбатлашса, махсус объект ҳам турдош объект билан шундай нисбатлашади.

Махсус объект ижтимоий муносабатларнинг битта гуруҳи доирасида бир қанча ўхшаш жиноятлар учун умумий саналган муносабатларнинг унча катта бўлмаган, алоҳида гуруҳларини ажратиш имкониятини беради.

Турдош объект деганда, ўзаро боғланган жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг ягона мажмуи билан муҳофаза қилинадиган бир типли (турдош ёки ўхшаш) ижтимоий муносабатлар гуруҳи тушунилади. Мазкур ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи жиноятлар ҳам ўз юридик табиатига кўра турдош гуруҳни ҳосил қилади.

Қўриб чиқиладиган жиноятларга баҳо беришда адабиётларда илгари сурилган фикрларда жиддий тафовутлар йўқ. Аксарият муаллифлар юқорида санаб ўтилган қилмишларни турдош объект соғлиқ эмас, балки шахс ҳисобланадиган жиноятлар қаторига киритади.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг асосий ва бевосита объекти касб юзасидан шахснинг ҳаёти ёки соғлиғини хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар саналади.

Демак, жиноятда бевосита объектни аниқлаш:

- биринчидан, тажовузнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини аниқлаш имкониятини беради;

- иккинчидан, қилмишнинг тўғри квалификация қилишининг зарурий омили ҳисобланади;

- учинчидан, жиноятни ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлашга кўмаклашади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур жиноят объекти хусусида қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг махсус объекти ЖК Махсус қисмининг I бўлимида кўзда тутилган нормалар билан қўриқланадиган шахсни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ушбу жиноятнинг турдош объекти эса, ЖК Махсус қисмининг III бобида назарда тутилган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг асосий ва бевосита объекти эса касб юзасидан шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир.

ЖК 116-моддаси иккинчи қисмининг асосий ва бевосита объекти қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ, касалга ёрдам кўрсатишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ушбу жиноятнинг қўшимча объекти – шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи ҳисобланади.

Амалдаги жиноят қонунини ўрганиш зиммасига муайян вазифалар юклатилган ходимларнинг ҳаёт ва соғлиққа ижтимоий хавфли тажовузлири билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Айни ҳол ижтимоий муносабатлар ранг-баранглигини, илмий-техника тараққиётини, халқаро ва миллий қонунчилик ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини эътиборга олган ҳолда жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш зарурлигидан далolat беради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116-моддасида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда айнан жиноят объектига нисбатан оғирлаштирувчи ҳолатларнинг етарлича инobatта олинмаганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, ушбу моддада вояга етмаган, ҳомиладор аёл, икки ёки ундан ортиқ шахслар алоҳида жиноят-ҳуқуқий муҳофазага олинмаган. Шу муносабат билан биз ЖК 116-моддасининг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки, юқоридаги ҳолатларда содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси сезиларли даражада ортади.

Шухратжон ХАЙДАРОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
профессори в.б., юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кадиров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. – Ташкент: Адолат, 1997. – С. 191.
2. Кабулов Р. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Чизмалар альбому. – Тошкент: ЎзР ИИБ Академияси, 2014. – Б.36.
3. Карагезян Г.Г. Ответственность за преступления, совершенные вследствие ненадлежащего исполнения лицом своих профессиональных обязанностей: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2009. С. – 82.
4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-том: Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Дарслик. – Ташкент: ИLM ZIYO, 2011. – Б. 126.
5. Урумбаева Л.Н. Ответственность медицинских работников за преступления, совершаемые в сфере здравоохранения. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Ташкент, 1999. – С.13;.
6. Турғунбоев Э.О. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ва хавф остида қолдириш жиноятининг фарқ қилувчи белгилари / Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2010. – № 1. – Б.112.
7. Тоҳиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлил. Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Бобоев, М.Рустамбаев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 83.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Бу ҳақда сўз борганда, аввало, шуни таъкидлаш лозимки, янги таҳрирдаги Конституциямизга илк маротаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилди. Унга кўра, Конституциямизнинг XIII боби “Фуқаролик жамияти институтлари”, деб номланиб, бу орқали миллий қонунчилигимизда биринчи маротаба фуқаролик жамияти институтларининг таркиби очиб берилди. Ушбу институтлар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши мустаҳкамланди.

Бинобарин, Асосий қонунимизнинг 69-моддасига кўра: “Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қонунга мувофиқ амалга оширилади”.

Конституциянинг олдинги таҳририда баён этилган “жамоат бирлашмалари” тушунчасига берилган таъриф янада аниқлаштирилди. Бош қомусимизнинг 70-моддаси жамоат бирлашмалари фаолиятини кафолатловчи норма билан тўлдирилди. Ушбу моддага биноан: “Ўзбекистон Республикасида қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ҳамда фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, уларнинг фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади”.

Аҳамиятлиси, давлат зиммасига фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ муайян мажбуриятлар юкланган. Конституция 72-моддасининг биринчи бандига мувофиқ: “Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга жамият ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратади”. Шу билан бирга, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашмаслиги, демакки давлат органлари ва фуқаролик жамия-

ти институтлари бир-бирдан мустақил равишда фаолият олиб бориши кафолатланган.

72-модданинг иккинчи бандига асосан: “Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашшига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди”.

Бундан ташқари, Асосий қонунда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш масаласи Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари қаторидан жой олган. Конституциянинг 115-моддаси олтинчи бандига кўра, Вазирлар Маҳкамаси: “Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширади, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ижтимоий шериклик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг иштирок этишини таъминлайди”.

Конституциянинг 36-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилади.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, Конституциямизнинг 115-моддаси ўнинчи бандига ҳукуматнинг асосий ваколатларидан бири сифатида: “ижро ҳокимияти органларининг ишида очиқлик ва шаффофликни, қонунийлик ва самарадорликни таъминлаш, уларнинг фаолиятида коррупция кўринишларига қарши курашиш” вазифаси белгиланган. Бу, ўз навбатида, айни жараёнларда фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назорати олиб борилишини ҳам кўзда тутди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган конституциявий қоидалар нуфузли халқаро экспертлардан бири томонидан эътироф этилган: “ислохотлар жараёнида фуқаролик жамиятининг тўлақонли иштирокини таъминлаш учун давлат муассасалари керакли шарт-шароит яратиши керак”, деган тавсиясига мос келади.

Фуқаролик жамияти бўйича Конституциямизда қайд этилган кафолатлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва ривожланган давлатлар конституцияларида ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг 2016 йил 11 апрелдаги “Илғор тажриба ва олинган сабоқлар асосида фуқаролик жамияти фаолияти учун хавфсиз ва қулай муҳитни яратиш ва сақлаш бўйича амалий тавсиялар” номли ҳисоботида фуқаролик жамияти

*“Ким қаердан мол
топганига эътибор
қилмаса, Аллоҳ уни
қайси эшикдан дўзах-
га кирганига эътибор
қилмайди”.*

Ҳадисдан

институтларини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш тавсия этилган. Шу жиҳатдан фуқаролик жамияти атамаси Озарбайжон, Словения ва бошқа бир қатор давлатларнинг конституцияларида ҳам мустаҳкамланган.

Кейинги йилларда юртимиз ҳаётининг барча соҳа ва йўналишлари бўйича “маҳаллабай” ишлаш тизими кенг жорий этилиб маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат таъсирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилди. Бинобарин, маҳаллалар, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фуқаролик жамияти институтлари сирасига киради.

Шу маънода, Конституциямизнинг 127-моддаси иккинчи бандидаги: “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли”, деган нормалар жуда муҳим ўрин тутди. Бунда, бир томондан, маҳалла тизимининг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги қатъий белгиланган бўлса, иккинчи томондан, маҳаллаларнинг қонунга мувофиқ ва мустақил фаолият олиб бориши кафолатланган.

Бундан ташқари, 127-модданинг учинчи бандида давлатнинг маҳаллалар фаолияти учун масъул экани таъкидланган. Яъни: “Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади”.

Шу ўринда бир савол туғилади. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларига Бош Қомусимиз ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида нега бунчалик катта эътибор қаратилган? Етук фуқаролик жамиятисиз ҳуқуқий демократик давлат қуриш мумкин эмас, боиси онгли эркин фуқароларгина кишилиқ жамиятининг энг оқилона шакллари яратишга қодир ҳисобланади. Шундай қилиб, фуқаролик жамияти эркин шахс ва марказлашган давлат хоҳиш-иродаси ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланса, давлатнинг вазифаси тартибсизлик, танглик, таназзулга қарши иш қўриш, эркин шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратишни ўз ичига олади.

Фуқаролик жамиятининг асосий қадриятларини оила, мулк, шахс, эркинлик, ҳуқуқ, маънавият, тартиб, давлатчилик ташкил этади. Бунда мулк ҳар доим шахс ва бутун жамият эркинлигининг бош омили сифатида амал қилади, сабаби мулкка нисбатан ҳурмат мавжуд бўлмаган жойда шахсга нисбатан ҳам ҳурмат мавжуд бўлмайди.

Шу билан бирга, фуқаролик жамияти тузилмалари “юқоридан” туриб эмас, балки фуқароларнинг ташаббуси билан, ихтиёрий асосда, табиийки, муассисларнинг манфаатлари, қизиқишлари ва мойилликларига мувофиқ тузилади. Уларнинг эркинлиги давлат тузилмаларига қарам эмасликда, ички қоидалар билан назарда тутилган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ўзини ўзи бошқариш фаолиятида акс этади ва айнан шу йўл билан улар мавжуд бўлган жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади. Бундай жамият шахс

эркинлигисиз бўлмайди. Албатта, эркинлик меъёрий кўринишга эга бўлгани сабабли, бундан шундай хулоса келиб чиқадики, бир томондан инсон эркинликка унинг норматив талабларига бўйсуниб қобиляти натижасида эга бўлади, бошқа томондан, шахс эркинлиги борлигининг ташқи шакли бу эркинлиkning чегараларини белгилловчи ижтимоий меъёрлар ҳисобланишини англатади. Ва фақатгина, жамият учун ёки инсоннинг ўзи учун энг муҳим аҳамиятга эга, энг асосий ҳисобланган соҳалардагина давлатнинг ўзи эркинлиkning ўлчовини, меъёрини белгилаб берадики, улар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар, Конституцияда ўз аксини топади.

Мазкур жамиятнинг асосини кўп тармоқли, рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти ташкил этиб, ташаббускор тадбиркорлар иқтисодий ривожланишни белгилаб беради. Бундан ташқари, турли ижтимоий қатламлар манфаатлари мувозанатга келтирилиб, фуқаролар ўртасида муайян муро, давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида келишув маданияти ҳамда давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро таъсирга киришишга лаёқатли жамоатчилик институтлари вужудга келганда шаклланиши мумкин.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “жамоатчилик назорати бу — фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир”.

Мазкур ННТлар тадбиркорлик, касб-хунарга ўргатиш, соғлиқни сақлаш, фермерлик, экология, спорт, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим, техника, фан ва илмий-тадқиқот ҳамда бошқа йўналишларда фаолият юритиб келмоқда.

Ўз навбатида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ННТларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017-2023-йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 2 074 та лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 513,8 миллиард сўм маблағлар ажратилди. 2017 йилда 12,3 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2023 йилда бу рақам 226,4 миллиард сўмни ташкил этди. 2024 йилда эса 1.8 триллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Янги Ўзбекистондаги том маънодаги демократик ислохотларнинг мантикий давоми бўлган конституциявий ислохотлар жараёнида акс этиши лозим бўлган йўналишлардан бири – фуқаролик жамияти институтлари деб белгиланиши, мамлакатимизни ривожлантиришнинг муҳим концептуал ғояларидан бири ҳисобланади.

Иззатулло ТОЛИБОВ,

*ИИБ Академияси “Жинойят ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси,
юридик фанлар доктори.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Йўлдошев А.Э., Латипов Б. Фуқаролик жамияти институтлари / Ўқув қўлланма, — Т.: 2019 йил.
2. Одиқориев Ҳ.Т. Жамоатчилик назоратининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти — ТДЮУ Ахборотномаси, 2011 йил, 2-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>



ТЕРГОВ СУДЬЯСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ИНСТИТУТ

Президентимизнинг “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا биноан, 2025 йил 1 январдан бошлаб жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларида иш бошлайдиган тергов судьялари тизимга бир қанча самарали натижаларни олиб келади.

Чунки, ЖПКнинг 377-моддаси жиноят иши тамомлангач ундаги материаллар билан танишиб чиққандан сўнг қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини кафолатласа-да, аксарият ҳолларда терговчи томонидан илтимоснома рад қилинади. Бинобарин, дастлабки тергов давомида ҳимоячининг деярли барча илтимосномалари қаноатлангизилмасдан қолади, ҳимояланувчининг фойдасига важларга етарли эътибор қаратилмайди, ҳимоя ҳуқуқи расмийлаштирилган амалга оширилади.

Янги иш бошлайдиган тергов судьялари ана шу далилларни бир ёқлама тўплаш амалиётига барҳам беради. Эътибор беринг; агар далиллар тортишув муҳитида тўпланса уларнинг ҳаққонийлиги ва ишончилиги таъминланади, ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади.

Тергов судьяси институтининг жорий қилиниши нафақат конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ҳаракатлари, балки далилларни тўплаш жараёнида процессуал қонун нормаларига тўлиқ риоя қилиниши устидан самарали суд назоратини ўрнатиш имконини берибгина қолмасдан, суриштирув ва тергов жараёнида ўз ечимини топмаётган муаммоларни ҳал қилишга ҳам ёрдам беради.

Амалиётда айрим адвокатлар ишни судга қадар юритишда масъул органлар турли баҳоналар билан уларнинг ҳимояни амалга оширишга доир фаолиятига тўсқинлик қилишидан шикоят қиладилар. Айниқса, дастлабки тергов ва суриштирув айнан бир орган томонидан амалга оширилганда бундай ҳолатлар кўп кузатилади. Процессуал мажбурлов чораларини қўллаш устидан суд назорати айнан шундай ҳолатларда бузилган ҳуқуқларни тиклаш яъни иш материаллари билан тарафларни таништириш ҳуқуқи, ўз важларини баён қилиш ва ҳолисона кўриб чиқиш имконини беради.

Бу борадаги хориж тажрибасида тергов судьяси фақат инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари чекланганда ёки улар бузилгани ҳақида шикоят бўлганда фаолият олиб боради.

Ўз ўрнида хорижий давлатлардаги тергов судьяларининг фаолиятига ва уларга бе-

рилган ваколатларга эътибор қаратадиган бўлсак, айрим давлатларда тергов судьяси томонларнинг илтимосига мувофиқ дастлабки тергов жараёнидаги сўроқларда кузатувчи тариқасида иштирок этиши мумкин. Аксарият давлатлар қонунчилигига биноан, тергов судьяси ўзи мустақил тарзда жиноят иши қўзғатмайди, аммо у судья ва терговчининг айрим ваколатларини ўзида жамлайди. Бошқа бир давлатларда тергов судьялари тергов ҳаракатларини, жумладан томонларнинг илтимосига мувофиқ тарафларни сўроқ қилиш, уларни юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш, экспертизалар тайинлаш каби ваколатларга ҳам эга. Энг асосийси, тергов судьялари жиноят содир этган шахсларни, айбдорларни ахтармайди, уларнинг жиноятини фош этмайди, улар фақат дастлабки терговда ёки суриштирувда қонунларнинг тўғри қўлланилиши ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилмаслигини назорат қилади ва уни таъминлайди.

Бундан ташқари, айрим давлатларда тергов судьяси тўпланган далилларни ўрганиб, жиноят иши қўзғатишга рухсат бериш амалиёти ҳам мавжуд. Бельгия суд-ҳуқуқ амалиётида тергов судьяси ишни тўлиқ тергов қилиши, барча процессуал чораларни қўллаши ва гумонланувчини ушлашга кўрсатма бериши мумкин, умуман бу тизимда тергов судьяси вазифаси терговчининг вазифалари билан деярли аралшиб кетган.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, тергов судьясининг фаолият олиб бориши бугунги кундаги давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимида терговнинг сифати ошишига, далилларнинг тўлиқ ва ҳолисона тўпланишига, терговда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олишга, умуман олганда терговни профессионал олиб боришга катта ёрдам беради. Сабаби, айнан дастлабки терговнинг сифатли ўтказилиши одил судловни амалга оширишда асосий вазифани бажаради.

Раҳматжон АЛИЯРОВ,

жиноят ишлари бўйича
Фарғона шаҳар судининг судьяси.

ТЕРГОВ СУДЬЯСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2024 йил 10 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ка-фолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-89-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга кўра, 2025 йил 1 январдан бошлаб жиноят ишини юритишга масъул бўлган ман-сабдор шахслар рўйхатида янги —“тергов судьяси” лавозими жорий этилиши белгиланди.

Амалдаги қонунчилик мазмунига кўра ўттиз беш ёшга тўлган, олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тергов судья-си лавозимига номзод бўлиши мумкин ҳамда туман (шаҳар) тергов судьялари Ўзбекистон Республика-си Судьялар олий кенгаши томонидан лавозимга тайинланади, Қорақалпоғистон Республикаси туман (шаҳар) суди тергов судьяси Ўзбекистон Республи-каси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кен-геси томонидан лавозимга тайинланади.

Фармонга кўра тергов судьясига қуйидаги ваколатлар берилиши назарда тутилмоқда:

1) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш – бунда тергов судьяси томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида-ги ишларни кўриб чиқиш ваколати амалдаги Ўз-бекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасида назар-да тутилган моддалар ва ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда белгиланиши назарда тутилмоқда;

2) жиноий материаллар бўйича санкцияларни кўриб чиқиш – бу билан тергов судьяси томо-нидан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш; қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш; паспорт (ҳа-ракатланиш ҳужжати)нинг амал қилишини тўх-татиб туриш тўғрисидаги; мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги; почта-телеграф жўнатмала-рини хатлаш тўғрисидаги; тинтув ўтказиш ҳақидаги; телефонлар ва бошқа телекоммуника-ция қурilmалари орқали олиб бориладиган сўзла-шувларни эшитиб туриш, улар орқали узатила-диган ахборотни олиш ҳақидаги ва мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги илтимосномаларнинг кўриб чиқилиши назарда тутилмоқда;

3) жиноий материаллар бўйича мажбурлов чораларини қўллаш – бунда тергов судьяси то-монидан айбланувчини лавозимидан четлашти-риш; шахсни тиббий муассасага жойлаштириш; айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ва ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатга қадар узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларнинг кўриб чиқилиши назарда тутилмоқда;

4) жиноий материаллар бўйича прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогар-нинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкам-лаш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш – бунда тергов судьяси томонидан гувоҳ, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) нинг объек-тив сабабларга кўра (Ўзбекистон Республика-сидан ташқарига чиқиб кетиши, уларда жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қи-ладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги) ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси чоғида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда, уларнинг кўрсатувлари олдин-дан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкинлиги назар-да тутилмоқда.

Фармонда тергов судьяси ўз фаолиятини мус-тақил амалга ошириши, фақат қонунга бўйсунити ҳамда тергов судьясига одил судловни амалга оши-риш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмаслиги, тергов судьясининг ташкилий фаолиятига раҳбарлик тегишинча Қорақал-поғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари томонидан амалга оширилиши белги-ланмоқда.

Шунингдек, мазкур Фармонда жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув даврида тергов судья-си томонидан процессуал қарорларга берилган санк-циялар фақатгина апелляция инстанциясида якка тартибда қайта кўриб чиқилиши тартибини белгилаш ҳам назарда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда бу ўзгаришлар фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, жумладан, битта судья томонидан ҳам қамоққа олиш ёки олмаслик ҳамда шу ишни шу судьянинг ўзи то-монидан кўриб чиқилишини бекор қилишга, шунинг-дек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ишдаги барча ҳолатларни синчковлик би-лан тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда далилларга тўғри баҳо беришда, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланишига яқин-дан ёрдам беради.

Шерзод АБДУҚОДИРОВ,

Жиноят ишлари бўйича
Бўка туман судининг раиси.

СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТМАСЛИК ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ СИФАТИДА

Одил судловга қарши жиноятлар дейилганда, одил судлов ва шахс манфаатларига зарар етказадиган ҳамда жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича одил судловни амалга ошириш вазифаларига тўсқинлик қилувчи қасддан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндиси тушунилади.

Жиноий тажовузларнинг бошқа гуруҳларидан фарқли равишда одил судловга қарши жиноятларни уларнинг субъектларига қараб таснифлаш мумкин. Юридик адабиётларда одил судловга қарши жиноятлар уч гуруҳга ажратилган:

1) Одил судлов вазифасини амалга ошириш ваколати юклатилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар. Улар сирасига айбсиз кишини жавобгарликка тортиш (ЖК 230-модда), далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) (ЖК 230¹-модда), адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш (231-модда) каби жиноятлар қиради.

2) Процессуал мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар. Ушбу тоифадаги жиноятларга ёлғон хабар бериш (237-модда), ёлғон гувоҳлик бериш (238-модда), Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш (239-модда) жиноятларини киритишимиз мумкин.

3) Одил судловни амалга ошириш мажбурияти фуқаролик бурчи бўлган ёки қонунда зиммасига юклатилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар. Унга жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш (241-модда) жиноятини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Одил судлов вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат мазкур органлар томонидан ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этилишига, балки улар томонидан чиқарилган қарорларнинг ижро этилишига ҳам боғлиқ.

Суд қарорларини ижро этиш тизимининг такомиллаштирилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, суд қарорларини ижро қилиш фуқароларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳал қилувчи босқичи ҳисобланади.

Суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш деганда, ижро этиш учун олинган суд ҳужжатини амалга ошириш хизмат доирасига кирувчи шахс томонидан уларни қонунда белгиланган муддатларда бажариш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмаслигини тушуниш зарур. Масалан, айбдорни мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм бўлишига қарамай, унинг у ёки бу лавозимни эгаллаб тураверишига рухсат бериш.

Жиноят кодекси 232-моддасининг 1-қисмида муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттирилган ҳолда жиноий жавобгарлик келиб чиқиши белгиланган.

Шуни назарда тутиш зарурки, жиноий жавобгарлик номулкий хусусиятга эга бўлган суд ҳужжатини, яъни муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи ҳужжатни бажаришдан бўйин товлаганлик учун вужудга келади. Мулкий хусусиятга эга бўлган суд ҳужжатини, яъни пул маблағларини ёки мол-мулкни ундириш тўғрисидаги ҳужжатни бажаришдан бўйин товланилган ҳолда, шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Шу билан бирга, жиноят қонуни истисноларни ҳам назарда тутди, қайсики бунда номулкий хусусиятга эга бўлган суд ҳужжа-

тини бажаришдан бўйин товлаганлик жиноий жавобгарликни эмас, балки бошқа оқибатларни вужудга келтиради. Жумладан, ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товланган маҳкумнинг жавобгарлиги уни жиноий жавобгарликка тортиш йўли билан эмас, балки ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш орқали таъминланади (ЖК 46-моддаси тўртинчи қисми).

Шуни эътиборга олиш лозимки, жиноят қонуни ЖКнинг 232-моддасида назарда тутилган умумий нормадан истисноларни ҳам назарда тутди, бунда суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарлик Жиноят кодексининг махсус нормалари бўйича (масалан, ЖКнинг 122, 123-моддалари) келиб чиқади ва қилмишни ЖКнинг 232-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Юқоридаги тоифа жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисидаги хорижий давлатлар қонунчилиги тадқиқ этилганда, шуни кўриш мумкинки, МДҲ мамлакатлари жиноят қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги ўртасида яқинлик мавжуд бўлиб, бу ушбу давлатлар қонунчилиги яқин ўтмишда бир бўлганлиги билан ифодаланади.

Жумладан, Россия Федерацияси ЖКнинг 315-моддаси мазмунига кўра, РФ судлари томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган ҳар қандай суд ҳужжатларини бажармаслик ҳамда халқаро шартномаларда назарда тутилган махсус ҳолларда чет давлатларнинг судлари, халқаро судлар ва арбитражлар томонидан чиқарилган қарорларни бажармаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Қозғоғистон Республикаси ЖКнинг 362-моддасида ҳам қонуний кучга кирган суд ҳукмлари, қарорлари ёки бошқа суд ҳужжатларини бажаришга тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Европа давлатлари жиноят қонунчилигида ҳам шундай нормалар мавжуддир. Испания давлати ЖКнинг 315-моддасида ваколатли суд органлари қарорлари ёки суд қарорларига тенглаштирилган қарорнинг бажарилишига тўсқинлик қилган мансабдор шахс ёки давлат хизматчисининг жавобгарлиги белгиланган.

Болгария давлати ЖКнинг 293а-моддасига кўра, ким суд қарорига мувофиқ кредитор олдидаги пулга оид мажбуриятини бажариши керак бўлса, уни суд қарори қонунан кучга кирган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида бажармаса уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, қонунан кучга кирган суд ҳужжатларини қасддан бажармаслик ҳолатлари одил судловни амалга ошириш вазифасини бажаришга тўсқинлик қилиб, ушбу органларнинг жамоатчилик олдида обрўси тушишига олиб келади ҳамда етказилган зарарни қоплаш, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш имкониятини чеклаб қўяди.

Сардор ЭГАМНАЗАРОВ,

*Жиноят ишлари бўйича
Андижон шаҳар суди судьяси.*

ТАДБИРКОРЛАР СУД ЯКУНИГА ҚАДАР КЕЛИШУВГА ЭРИШГАНДА...

АННОТАЦИЯ: мақолада тадбиркорлик субъектлари томонидан низоларни ўзаро келишувга эришиш йўли билан ҳал қилишнинг самарадорлиги ва афзалликлари, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили, келишув битими ва медиатив келишув таомиллари тушунчаси, уларнинг ҳуқуқий-илмий таърифи ҳамда ушбу таомилларнинг низоларни ҳал қилишда ўзига хос хусусиятлари, мазкур муносабатларни тартибга солишдаги илмий назарий масалалар таҳлили ва амалий ечимлар таклиф қилинган.

Калит сўзлар: низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари, яраштирув тартиб-таомиллари, келишув битими, медиатив келишув.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш борасида соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодий низоларни судгача кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш, яраштирув институтлари, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражлар фаолиятдан самарали фойдаланиш, бир сўз билан айтганда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларни такомиллаштириш лозимлиги долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу борада етарлича ҳуқуқий асослар яратилди, хусусан низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича тарафларни келиштириш ва медиация институтини кенг жорий этиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш белгиланди.

Дарҳақиқат, судлар томонидан иқтисодий низоларни ҳал қилишда кўпроқ ҳуқуқий тушунтиришлар асосида низоларни келишув йўли билан ҳал этиш ва тарафлар вакиллариغا муроасага келиш учун етарлича имкониятлар яратиб берилмоқда. Зеро, тарафлар низо юзасидан ўзаро келишувга эришганда ва ушбу келишув қонун талаблари асосида расмийлаштирилганда низонинг одилона ечими топилган, ҳар икки тараф ҳам суднинг қароридан рози бўлса кейинчалик шикоятларнинг ҳам олди олинади, тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлик муносабатлари сақлаб қолинишига эришилади.

Иқтисодий судларда низо юзасидан суд ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар ўзаро келишувга эришилганда процессуал қонунчиликда уларни расмийлаштиришнинг икки тартиби белгиланган. Хусусан, яраштириш тартиб таомиллари сифатида кенг қўлланиладигани келишув битими ва медиатив келишув ҳисобланади. Уларнинг процессуал жиҳатдан қандай фарқлари мавжудлигини билиш тарафларга ўз ҳуқуқ

ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда мавжуд афзалликлардан кенгроқ фойдаланиш имкониятини беради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 16-боби алоҳида ном билан “Яраштириш тартиб таомиллари”га бағишланган бўлса-да, бироқ яраштириш таомиллари тушунчасига ушбу кодексда ёки ҳуқуқий адабиётларда ҳам аниқ бир таъриф келтирилмаган.

Назаримизда, яраштириш таомиллари дейилганда вужудга келган низони томонларнинг ўзаро ихтиёрий розилиги асосида ҳал қилиш ва тартибга солишга қаратилган судгача бўлган жараёнда шунингдек, суд процесслари давомида қўлланилиши мумкин бўлган низоларни муқобил ҳал қилиш усулларида бири деб таърифлашни ўринли деб ҳисоблаймиз. Чунки, “яраштириш таомиллари”га оид муносабатлар ИПКнинг алоҳида бир боби остида бирлаштирилган медиатив келишув ва келишув битимини тузиш жараёнлари айнан томонларнинг эрки, иродаси асосида улар ўртасида вужудга келган низо юзасидан ўзаро мақбул ечимга эришишга ва бу борадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган жараён бўлиб, ушбу жараёнлар суд алоҳида маслаҳатхонага чиқиб кетгунига қадар (медиатив келишув, келишув битими) ёки суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинганидан сўнг ҳам (келишув битими) амалга ошириш имконини берадиган таомиллардир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, келишув битими билан тугаган ишлар юзасидан тарафлар томонидан шикоятлар ёки юқори инстанцияларга мурожаатлар бўлмаган. Хусусан, иқтисодий ишлар бўйича Тошкент шаҳар судлари томонидан 2019 йилда 330 та, 2020 йилда 364 та, 2021 йилда 229 та, 2022 йилда 137 та, 2023 йилда 82 та, 2024 йилнинг биринчи чорагида 123 та тарафлар ўртасидаги иқтисодий низолар ўзаро келишувга эришиш асосида турли суд инстанцияларида иш юритишдан тугатилган. Бу эса келишув битими моҳиятини янада кенгроқ ўрганиш, процессуал жиҳатдан камчиликларни бартараф этиш, суд томонидан расмийлаштириш талабларини такомиллаштиришни тақозо қилади.

Келишув битими – низони мустақил тартибга солиш йўли билан тамомлашга қаратилган тарафлар хоҳиш-иродасининг процессуал тартибда ифода этилишидир. Моҳиятига кўра келишув битими иш бўйича низони муайян келишилган шартлар асосида тугатишга қаратилган тарафлар ўртасидаги шартномадир.

Келишув битимининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у низо мавжуд бўлгандагина тузилиб, судья томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради ҳамда бир томонлама мажбурий табиатга эга.

Ҳуқуқий манбаларда тушунтирилишича, келишув битими деганда ўзаро келишишга асосланган, даъво талаби (талаблари)га нисбатан аниқликка эришишга қаратилган, низони ҳал қилиш тўғрисидаги тарафларнинг ёзма келишуви тушунилади. Келишув битимининг бошқа ҳар қандай шартнома муносабатларидан ўзига хос хусусияти суд томонидан маъқуллаш зарурати бўлиб, эришилган келишув суд қарори кучини беради.

ИПКнинг 163-моддаси биринчи қисми 8-бандига мувофиқ суд ишни кўришга тайёрлаш пайтида тарафларни муросага келтириш чораларини кўради. Шу муносабат билан даъво аризасини қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда суднинг тарафларга низони келишиш йўли билан ҳал этиш ҳақидаги таклифи кўрсатилиши лозим.

Келишув битимининг ҳуқуқий табиати мунозарали мавзу ҳисобланиб, бунини келишув битими бўйича ягона расмий ҳуқуқий таърифнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. М.С.Шакаряннинг фикрича, келишув битими институти фуқаролик низоларини тугатиш институтидир. Низо томонлари бир (баҳсли) мажбуриятни бекор қилиш орқали ўзлари учун янги бир мажбуриятни белгилайдилар ёки мавжуд бўлган мажбуриятларни ўзгартириш тўғрисида келишиб олишади. Назаримизда ушбу таъриф ҳам бироз баҳсли бўлиб, “келишув битими институти фуқаролик-ҳуқуқий низони тугатиш усули эмас, балки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг бир мунча каттароқ ва универсал механизмидир” деган таърифга қўшилиш ўринлидир.

Иқтисодий процессуал қонунчиликда яраштириш тартиб таомилларидан бири медиатив келишув саналади. Медиация иқтисодий низоларни ҳам назарий, ҳам амалий даражада ҳал этишда муҳим ўрин тутати. Бу мустақил учинчи томон низолашаётган томонларга ўзаро манфаатли келишувга эришишга ёрдам берадиган жараёндир.

Медиация таомилининг суд муҳокамаси ва арбитраж муҳокамаларидан фарқли ўзига хос хусусиятларидан бири унинг жорий низога нисбатан ҳуқуқий баҳо бермаслиги билан изоҳланади. Қоидага кўра, суд тақдим қилинган далилларга асосан ҳуқуқий жиҳатдан ким ҳақ эканлигига баҳо бериб, ҳақиқатни аниқлашга ҳаракат қилади. Медиацияда низо бўйича у ёки бу томоннинг ҳақлигини аниқлашни истисно этган ҳолда, низони тартибга солиш усулини топиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай жараённинг натижаси асосан низо томонларига боғлиқ. Улар ўз ҳаракатла-

рини танлашда эркиндирлар ва кутилмаган қарорлар қабул қилиш имконини берувчи ўз позициясини асослашда муайян бир ҳуқуқ нормасига ҳавола қилишга мажбур эмаслар. Медиаторнинг фаолияти томонларнинг мустақил равишда тўғри ва муаммони ҳал қилишнинг муқобил ечимига келишлари учун энг қулай шароитни яратишдир. Ушбу таомилда низони ҳал қилиш бўйича барча ваколатларнинг тўлиқ доираси томонларнинг ўзларида қолиб, медиатор фақат вазиятни юмшатиш ва томонларнинг ўзаро ярашуви-га кўмаклашади.

Статистик маълумотларга кўра, иқтисодий судларда 2020 йилда 435 та, 2021 йилда 2013 та, 2022 йилда 3 561 та, 2023 йилда 5 125 та ва 2024 йилнинг 1-ярим йиллиги якунларига кўра 1 265 та иқтисодий ишлар медиатив келишув тузиш йўли билан якунланган.

Тарафларнинг медиатив келишувни тузганликлари ҳар қандай вазиятда ҳам суд томонидан даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим чиқарилишига сабаб бўлмайди. Чунки, баъзида тарафлар ушбу келишув битимини тузиш орқали давлат божини тўловидан “қочиш”, ёки ундан бошқа турдаги гараз мақсадларда фойдаланишни кўзлашлари мумкин. Шу сабабли ҳам суд тарафларнинг медиатив келишув тузганликлари муносабати билан даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда бир қатор омилларни ҳусусан, медиатив келишувнинг шакли ва мазмунига риоя этилганлиги, унда учинчи шахслар манфаатлари бузилмаётганлиги ёки таҳдид солинмаётганлиги, унинг шартлари қонунчиликка зид эмаслиги каби ҳолатларни текшириб чиқиши лозим. Шунинг учун ҳам ИПКнинг алоҳида моддасида ушбу муносабатларнинг тартибга солиниши тарафларнинг медиатив келишув битими тузишда масъулият билан ёндашишларида ва қонунчиликка амал қилган ҳолда ҳамда бошқа шахслар манфаатларини ҳам инобатга олишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Процессуал қонунчилигимизда белгиланганидек, тадбиркорлик субъектлари суд якунига қадар келишувга эришганда медиатив келишув ёки келишув битимини расмийлаштиришни афзал билмоқдалар.

Медиатив келишув ва келишув битими ўртасидаги муайян фарқлар мавжуд бўлиб, асосий ўзига хос жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

- келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида (ишларни биринчи инстанция, апелляция, кассация ва тафтиш инстанциясида кўриш босқичларида ҳам) ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин (ИПК 131-модда);
- келишув битими суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган ҳисобланади,

медиатив келишувни эса тасдиқлаш талаб этилмайди;

- суд томонидан келишув битимининг тасдиқланиши иш юртишни тугатишга асос бўлади, шу сабабли айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан судга такроран мурожаат қилишга йўл қўйилмайди (ИПК 110, 111-моддалар). Тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади, бундай ҳолатда даъвогар судга даъво аризаси билан умумий тартибда янгидан мурожаат қилишга ҳақли (ИПК 107, 109-моддалар);

- тарафлар ўртасида келишув битими бўйича шартлашилган мажбуриятларни бажармаслик ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, келишув битимида мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари кўрсатилиши, шунингдек келишув битимида жавобгар томонидан мажбуриятларни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақидаги, қарздан (неустойка)дан тўлиқ ёки қисман воз кечиш ёхуд қарзни тан олиш тўғрисидаги, суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шартлар ва қонунга зид бўлмаган бошқа шартлар кўрсатилиши мумкин;

- келишув битимининг унда белгиланган тартиб ва муддатларда ижро этилмаслиги суд томонидан манфаатдор тарафнинг аризаси бўйича ижро варақаси бериш учун асос бўлади. Медиатив келишувда эса, гарчи тарафлар маълум мажбуриятларни бажариш ҳақида келишган бўлсалар-да, ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди. Шунга қўра, медиатив келишув шартлари бажарилмаган тақдирда, тарафлар такроран судга мурожаат этишга ҳақли;

- келишув битимида суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шарт мавжуд бўлмаса, суд бу масалани келишув битимини тасдиқлаш чоғида, умумий тартибда ҳал этади. Тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилиб, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган тақдирда эса, даъво аризаси тақдим этишда олдиндан тўланган давлат божи даъвогарга қайтарилади ("Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 18-модда).

Суд амалиётида сўнгги вақтларда ишларни медиатив келишувга эришиш йўли билан якунлаш ҳолатлари ошиб бормоқда ва уларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тарафларнинг медиатив келишув тузилганлиги асоси билан даъво кўрмасдан қолдирилган аксарият ишларда тарафларнинг ҳақиқий хоҳиш истаги бундай битим тузиш орқали низога тўлиқ барҳам бериш эмас, балки давлат божи тўловидан озод бўлиш бўлиб қолмоқда.

Натижада, медиатив келишув сабабли даъво кўрмасдан қолдирилган кўплаб ишларда медиация шартлари бажарилмаганлигини асос қилган ҳолда судларга қайта мурожаат қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири медиатив келишув билан боғлиқ муносабатларга доир нормаларнинг иқтисодий судлар томонидан тўғри ва бир хилда қўлланилишини тушунтириш билан боғлиқ судларга кўрсатмалар берувчи муайян бир Пленум қарори ишлаб чиқилмаганлигидир.

Шу боис, келишув битими ва медиатив келишув масалаларига бағишланган "Иқтисодий судлар томонидан яраштирув тартиб-таомиллари қўлланилишида процессуал қонун нормаларининг қўлланилишига оид айрим масалалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорини ишлаб чиқиш ва унда ушбу иккита ҳуқуқий институтнинг ўзига хос хусусиятлари, судлар томонидан эътибор қаратиш лозим бўлган процессуал ҳуқуқий масалалар бўйича батафсил тушунтиришлар бериш фурсати етди, назаримизда.

Зеро, судлар томонидан ушбу йўналишдаги қонунчилик нормаларини тўғри ва бир хилда қўллаш тадбиркорлик субъектларининг судларда процессуал ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш баробарида, низолар юзасидан суд якунига қадар тарафлар келишувга эришганда келишув битими ва медиатив келишувни расмийлаштиришнинг қонуний ва адолатли тарзда якунланишини таъминлашга хизмат қилади.

Раҳматжон БЕРДИЯРОВ,

Тошкент шаҳар судининг судьяси, ю.ф.н.(PhD),

Севара БЕГМАТОВА,

Судьялар олий мактаби таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арбитражный процесс: Учебник / Отв. ред. проф. В.В. Ярков – 2-е изд., перераб. и доп. М.: Волтерс Клувер, 2013.
2. Гражданский процесс: Учеб. / Под ред. М.С.Шакарян. М., 2009.
3. "Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги ПҚ-4754-сонли Қарори, Тошкент ш., // <https://lex.uz/docs/4859436>.
4. "Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги ПФ-12-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/6358913>
5. Теория государства и права: Учеб. / Под ред. В.М.Корельского, В.Д.Перевалова. М., 2008. – С.19.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида"ги 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сонли Фармонининг 15-мақсади.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2024 йил 3 июлдаги Медиатив келишув тузиш йўли билан якунланган иқтисодий ишлар статистикаси тўғрисидаги маълумоти.
8. <https://lex.uz/docs/2026218#3909792> // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг 18.12.2009 йилдаги 204-сонли "Иқтисодий судлар томонидан келишув битимини тасдиқлашда процессуал қонун нормаларининг қўлланилишига оид айрим масалалар тўғрисида"ги қарори. Тошкент ш. 2009 йил 18 декабр.
9. <https://lex.uz/docs/3523891> // Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. 163-модда.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ВА УНДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада вояга етмаганларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, айниқса ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш борасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг мазмуни ва бу борада прокуратура органлари томонидан амалга оширилган ишлар мушоҳада қилинган.

Калит сўзлар: Конституция, қарор, вояга етмаган, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ҳуқуқ ва эркинликни таъминлаш, прокурор назорати, тақдимнома, огоҳлантирув, жинойят иши.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда шу йўналишда ислохотлар амалга оширилмоқда ва бу халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Айниқса, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш, ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада биринчи марта ҳуқуқий асослар шакллантирилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ва жамият етим болалар ҳамда ота-онасининг вазифаларидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш, уларнинг таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантириши (77-модда), шунингдек ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланиши (47-модда) мустаҳкамланган. Бу эса, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг манфаатлари давлат ҳимоясида эканлигини кўрсатади.

Жумладан, 9 август 2021 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5216-сонли Қарори ва бу борада 25 октябрь 2021 йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 656-сонли Қарори ва унга илова қилинган Низом асосида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш, ижтимоий мослашувининг тартиб-таомили, янги механизмлари жорий қилинди.

Қарорда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлаш ҳамда ҳисобини юритиш, улар учун уй-жойлар ажратиш ва харид қилиш тартиби, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жойга муҳтожлигини “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш, уларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олиш “Васийлик ва ҳомийлик” электрон платформаси орқали онлайн мурожаатга асосан амалга ошириш ва бошқа шу каби масалалар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида вояга етмаганларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши прокуратура органларининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Шу боис, прокуратура органларида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан соҳавий йўналиш назорати йўлга қўйилган.

Ўқорида қайд этилган Қарорларнинг ижросини самарали ташкил этиш ҳамда уй-жой билан таъминлаш жараёни устидан тизимли назорат ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг

Фармойиши қабул қилинган ҳамда ушбу фармойиш билан Республика ва ҳудудий прокуратура ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилган.

Бунинг натижасида прокуратура органларининг аралашуви билан 2021-2024 йилнинг июль ҳолатига кўра республика бўйича 2 374 нафар уй-жойга муҳтож етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг 2 078 нафари уй-жой билан таъминланди. 400 дан ортиқ, хусусан ҳокимият балансида қолган 29 та, бошқа шахслар номидаги 17 та, қурувчи номидаги 40 та, сотиб юборилган 7 та ва бошқа шу каби ҳолатлар бартараф этилиб, уларнинг номига расмийлаштирилиши таъминланди.

Ўрганишлар давомида 110 нафар болалар уй-жойга муҳтож сифатида “онлайн - навбат” ахборот тизимига, 132 нафарининг ота-онаси вафот этганлиги ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ФХДЭнинг электрон базасига киритилиши, 2021 - 2023 йилларда берилган 145 та уй-жойларнинг тўлиқ жиҳозланиши таъминланди.

Шу билан бирга, бевосита прокуратура органлари аралашуви билан 8,2 млрд. сўм маблағ ҳисобидан республика бўйича 60 нафар болаларга уй-жойлар олиб берилди.

Шунингдек, прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишларда аниқланган қонун бузилишлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли идораларга тақдимнома, мансабдор шахсларга қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирув ҳамда кўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан жинойят ишлари қўзғатилди.

Вояга етмаганлар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, турмуш тарзини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан прокуратура органлари томонидан доимий назорат ўрнатилган ва ушбу йўналишда қонунийликни янада мустаҳкамлашга қаратилган зарур чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш, ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришга барча бирдек масъулдир. Чунки, жисмоний соғлом, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан етук авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш юртимиз келажагининг гаровидир.

Сардор КАРИМОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Электрон манба: <http://lex.uz/uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 5216-сонли Қарори. Электрон манба: <http://lex.uz/uz/docs/5569689>.
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 656-сонли Қарорлари. Электрон манба: <http://lex.uz/uz/docs/5695154>.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Шу кунгача давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция иллатини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган 30 га яқин қонун, 100 га яқин Президент ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Даставвал, 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Қонунда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солиш, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, шунингдек уни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан тўлиқ бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратиш мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, 2019 йилнинг 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, унга кўра, иқтисодийetni ўстириш, халқ фаровонлигини янада ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги вазифаларни ҳал этишда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича бир қанча чора-тадбирлар белгиланган.

Давлат бошқаруви органлари ходимлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини жорий этиш бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Ислохотларнинг давоми сифатида қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорга асосан, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50%дан юқори ташкилотларда ишга қабул қилиш очик танлов асосида амалга ошириладиган бўлди. Шунингдек, ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет орқали реал вақт режимида кузатишни таъминлаш йўлга қўйилди.

Шунингдек, 2021 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-729-сонли қонун имзоланди. Унга асосан, Ўзбекистон Республикасининг бир нечта қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига 7, 8, 9, 14, 28-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, 8¹-модда – “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари” билан тўлдирилди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза

тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Олий Мажлис палаталарига киритади. Коррупцияга оид жиноятларни, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро обрўсига путур етказадиган коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади, унинг яқунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради. Коррупцияга оид жиноятлар туфайли жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланишига эришилиши устидан назоратни амалга оширади. Булардан ташқари мазкур қонуннинг 28-моддаси (“Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларини ҳимоя қилиш”) янги таҳрирда баён этилди. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари давлат ҳимоясида бўлиши, улар тўғрисидаги маълумотлар хизмат сирини ташкил этиши ҳамда фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва шахснинг ўзи, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи орган раҳбарининг ёзма рухсати асосида ошкор этилиши, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахслар ҳамда яқин қариндошларининг ҳаётига ва соғлиғига ҳақиқий таҳдидни, уларга нисбатан зўрлик ишлатилганлигини, уларнинг мол-мулки йўқ қилинганлигини ёки шикастланганлигини тасдиқловчи етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи органлар “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ уларни ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шартлиги белгиланди.

Шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва яқин қариндошларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилганлиги сабабли тажовуз қилишга, шунингдек иш берувчи томонидан уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмайди ҳамда бу қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳар қандай ҳолатда ҳам коррупциядан бевосита жамият ва инсонлар азият чекади, зарар кўради. Шунинг учун ушбу муаммо глобал бўлиб, унга қарши кураш учун энг аввало, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиклик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш муҳим омил саналади. Бу билан давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилган ҳисобланади.

Сайфилло РАМАЗОНОВ,

жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг судьяси.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ

АННОТАЦИЯ: мақолада вояга етмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш масалалари баён этилган. Бундан ташқари, вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш чораларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили ҳам бериб ўтилган.

Калит сўзлар: болалар, вояга етмаган, жинсий, жиноят, дахлсизлик, олдини олиш, оила, криминалогик, қилмиш, тажовуз.

Вояга етмаганлар ўзларининг жисмоний ва ақлий жиҳатидан ҳали тўла етилмаганлиги сабабли уларга нисбатан алоҳида муносабатда бўлиш ва махсус ҳуқуқий ҳимоя қилишни тақозо этади.

Вояга етмаган шахсларнинг ҳаётий тажрибаси ҳамда ҳуқуқий онгининг етарли эмаслиги бу турдаги жиноятларнинг латентлиги ҳар доим юқори даражада бўлишига бевосита таъсир этиб туради.

Бу борада статистик маълумотлар таҳлил этилганда Ўзбекистонда болаларга нисбатан жинсий зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар учун судланганлар сони сўнгги тўрт йилда икки баробарга ошган. Маълумотларга кўра, 2019 йилда жами 151 та шундай ҳолат қайд этилган. 2022 йилда эса уларнинг сони 311 тага етган. 2023 йилнинг биринчи ярмида мамлакатда вояга етмаганларга нисбатан жинсий характердаги жиноятларни содир этганликда айбланган 257 нафар гумонланувчи жиноий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, 2023 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда аёллар ва қизларга нисбатан 20 мингга яқин оилавий зўравонлик ҳолатлари қайд этилган, яна 2,7 минг нафар аёл турли жиноятлар қурбонига айланган.

Болаларга нисбатан содир этиладиган жинсий жиноятларга қарши кураш махсус ёндашувларни тақозо этади. Чунки, улар оилада, эмоционал ва моддий, шу жумладан, молиявий жиҳатдан қарам бўлган одамлар томонидан содир этилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ички ишлар органлари ходимлари олдида оилада жинсий жиноятларнинг содир этилганлиги муносабати билан қонуний чораларни кўришдек ўта мураккаб вазифа қўйилган. Бир томондан, терговчи вояга етмаган жабрланувчини малакали сўроқ қилиши учун болалар психологияси, педагогика, сексология (сексопатология), психиатрия, ижтимоий психология асосларини билиши лозим, бошқа томондан эса, қонунийлик таъминлиги риоя этган ҳолда, жиноятчини жавобгарликка тортиш зарур. Баъзан яқин қариндошлар, оила аъзолари “уйдаги гапни кўчага чиқармаслик” учун била туриб ёлғон кўрсатувлар беради, шу тариқа тергов чалғитилади ва жинсий тажовузга дучор бўлган болага таъийқ ўтказилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ўзлари мазкур турдаги жиноятлардан жабр кўрган болалар билан ишлашда тажриба етишмаслигини тан оладилар, балки шу сабабдан бўлса керак, улар оиладаги жанжалларга аралашганини ёқтирмайдилар. Бизнингча, бундай жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиши керак бўлган мутахассис махсус тайёргарликдан ўтган бўлиши лозим.

Амалиёт ходимларининг жинсий жиноятларнинг олдини олиш масалаларига нисбатан ўзининг шахсий муносабатини шакллантириши, ўз нуқтаи назари ва бажараётган иши ўртасидаги

алоқадорликни таҳлил қила олиши муҳимдир. Ўз навбатида жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишлари лозим. Жабрланувчиларнинг эҳтиёжлари ранг-баранг бўлиши мумкинлиги боис, амалиёт ходимлари турли тизимлар ва органлар фаолияти, уларнинг имкониятлари, шунингдек жабрланувчилар номидан ёрдам сўраб мурожаат этиш тартиб-қоидаларидан яхши хабардор бўлишлари даркор.

Масалан, Белгияда бошқа инстанцияларга ёрдам сўраб мурожаат этган полициячилар ҳукумат томонидан рағбатлантирилади. Ҳукумат жисмоний ва жинсий зўравонликдан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган ҳар бир тумандаги ташкилот ва муассасаларнинг манзиллари рўйхатини тарқатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оилада болаларга нисбатан содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш комплекс муаммо бўлиб, турли касбдаги мутахассислар, шунингдек, аҳолининг куч-ғайратини бирлаштириш ва уларнинг ҳамкорликда ишлашларини тақозо этади. Мазкур ёндашув амалиёт ходимларининг бу борада олиб бораётган ишига кўмаклашиш учун деярли барча расмий ва норасмий воситалардан фойдаланишни назарда тутди. Аксарият мамлакатларда ахборот алмашинуви асосида кучларни мувофиқлаштирувчи маҳкамалараро гуруҳлар иш олиб боради.

Айрим мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётида оиладаги зўравонлик масалалари бўйича иш олиб бориши учун полициячи аёллар ёки фуқаролардан махсус хизматчилар тайинланади. Полициячи аёллар баъзан танг вазиятларга аралашиб бўйича махсус гуруҳлар билан ёки уларнинг таркибида ишлаш ҳамда аҳоли ўртасида зўравонлик масалалари юзасидан сўровлар ўтказиш учун тайёргарликдан ўтади.

Канберра (Австралия)да полиция оилада содир этилган жинсий жиноят ҳақида телефон орқали хабар топгач, танг вазиятларни тартибга солиш бўйича мутахассислар ва оиладаги зўравонлик ҳаракатларига қарши курашувчи хизмат ходимларини чакиради. Бундай хизмат доимий фаолият кўрсатадиган алоҳида мустақил орган ҳисобланади. Улар жабрланувчига ёрдам кўрсатади, бу уйдаги воқеаларнинг кейинги ривожини кузатиб боради ва ахборот хизматларини кўрсатади. Бундай амалиёт полициянинг жиноятчиликка кўпроқ эътибор бериши ва бошқа муаммоларни ҳал этишига ортиқча куч сарфламаслигига имкон беради.

Бундан ташқари, бола тажовуздан хавфсиз жойда бўлганида самарали реабилитация қилиниши мумкин. Оилада жинсий жиноят “қурбон”и бўлган болани уйдан бошқа жойга, масалан, меҳрибонлик уйига кўчириш йўли билан ота-онасидан вақтинча ажратиш керак бўлади. Мазкур муассаса ходимлари жинсий жиноятлардан жабрланганларнинг кўпинча ўзларига нисбатан содир этилган ҳаракатлардан уялиши, ҳўрланиши, қўрқини ва жавобгарлик туйғусини ҳис этишини ёдда тутишлари лозим.

Бундай жиноятлардан жабр кўрганлар айниқса, катталар мадади, ғамхўрлиги ва ҳамдардлигидан бебаҳра қолмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда жинсий тажовуздан жабрланган болалар билан ишлашнинг ягона концепцияси ишлаб чиқилмаган, ушбу муаммо юртимизда ҳам чуқур ўрганилса, ижтимоий хизматлар тизими орқали реабилитация ва профилактика билан шуғулланувчи маҳкамалараро қўмиталар ташкил этилса, уларнинг таркибига турли касбдаги мутахассислар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Оилада вояга етмаганларга нисбатан жинсий тажовузлар содир этган шахслар орасида руҳий аномалияларга йўлиққан шахслар кўплиги боис, аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш янада ривожлантирилиши лозим.

Рухий фаолияти бузилган, жинсий жиноятларни содир этганлар ўзига хос алоҳида хулқ-атворли тип ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, оилада вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жинсий жиноятларни олдини олишнинг махсус чоралари қаторига руҳий ҳолати бузилган шахслар билан доимий равишда иш олиб борилишини киритиш мумкин. Аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва тиббий муассасалар томонидан амалга ошириладиган психиатрия ёрдамнинг асослари ва чегаралари, шунингдек, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги доираси қонунда аниқ кўрсатилиши лозим.

Бизнингча, ҳали жиноий жазога лойиқ қилмишни содир этмаган, аммо руҳий ҳолати атрофдагилар учун хавфли бўлган шахсларни мажбурий даволаш институти жуда ҳам зарур. Бу айниқса, руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг хулқ-атворида унинг жиноят содир этишга мойиллиги юқори бўлган вазиятларга тегишлидир. Жинсий майли бузилган одамларга ўз вақтида зарурий тиббий ёрдам кўрсатилганидагина тадқиқ этилаётган жиноятлар даражасининг пасайишига умид қилиш мумкин.

Оилада болаларга нисбатан руҳий ҳолати бузилган шахслар томонидан содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олишнинг асосий йўналиши бундай шахсларни тезроқ аниқлаш ва уларга нисбатан кенг қамровли чораларнинг қўрилишидан иборатдир. Бунда илгари жинсий жиноятлар содир этганлиги учун жавобгарликка тортилган ёки уларни содир этганликда гумон қилинган шахсларга алоҳида эътибор берилиши лозим. Ушбу чоралар бундай шахсларни, уларда мавжуд аномалияларни ва уларнинг муайян хулқ-атворини чуқур ўрганишга асосланиши ва огоҳлантириш, тезкор-қидирув, ахлоқий-руҳий ҳолатни яхшилаш (психокоррекция), тиббий тадбирлар мажмуидан иборат бўлиши керак. Қатор олимларнинг фикрига кўра, руҳий ҳолати бузилган шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар профилактикаси вақтига кўра бир неча босқичларда ташкил этилиши ва амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, фикримизча, оилада вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш қўйидаги йўналишларда олиб борилиши лозим:

биринчидан, бундай шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган бирламчи жинсий жиноятларнинг профилактикасини амалга ошириш. Бу ерда жабр кўриши эҳтимоли бўлганлар, айниқса вояга етмаганларни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур босқичда бундай қилмишлар кимлар томонидан содир этилиши мумкинлиги ҳақидаги ахборотлардан тўлиқ фойдаланиш жуда муҳимдир. Шу сабабли тиббий ҳужжатларни мукамал ўрганиш ва тезкор қидирув фаолияти дарҳол амалга оширилиши зарур;

иккинчидан, жиноят ишини тергов қилиш ва судда кўриш жараёнида жинсий жиноятларни содир этишда айбланаётган

шахсларга профилактик тарбиявий таъсир кўрсатилишига эътибор қаратиш керак;

учинчидан, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган жинсий жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш масалаларини ҳал этиш лозим;

тўртинчидан, жазони ўтаб қайтган, руҳий ҳолати бузилган шахслар томонидан такроран жинсий жиноятлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш лозим. Жинсий жиноятларни содир этишга мойил бўлган, аввало жинсий майли бузилган шахсларни аниқлаш ва улар ҳисобини юришнинг самарали тизими йўлга қўйилиши лозим. Мазкур ҳисобларнинг муайян вақтда мувофиқлаштирилиши, тўлдирилиши ва уларга тузатиш киритилиши, мақсадга мувофиқ бўлади. Ички ишлар органлари зўрлик ишлатиб ва бошқа ғайриқонуний жинсий ҳаракатларни содир этишга мойил бўлган шахслар, уларнинг руҳий ҳолати ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим.

Болаларга нисбатан жинсий жиноятлар содир этиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг ҳисобини ҳамда реестрини юришти бундай жиноятлар профилактикасини ташкил этишдаги муаммоларидан биридир. У жиноятчи шахсларнинг қайси психологик типга мансублиги, улар хулқ-атворининг, аномалияларнинг хусусияти, бузуқ жинсий майлнинг мавжудлиги ва албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда тиббий муассасаларнинг имкониятларидан келиб чиқиб ҳал қилиниши лозим.

Хулқ-атворнинг бузилиши эҳтимоли бўлганлиги боис қонунийлик принципига риоя қилиниши, хусусан, шифокорлик сирининг сақланиши, психиатрия ёрдами кўрсатишнинг лозимлиги ва доираларига оид мавжуд қонун нормаларига риоя этилишини таъминлашга алоҳида эътибор берилиши талаб этилади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг руҳий ҳолати бузилган шахслар томонидан содир этиладиган барча турдаги жинсий қилмишларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини тартибга солувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинса, шунингдек, айнан шу масалалар бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Саломат НИЁЗОВА,

ТДЮУ профессори, юридик фанлар доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Антонян Ю.М. Личност преступника – индивидуальная профилактика преступлений: сопоставление и выводы // Сб. научных трудов. – М., 1989. – С. 5.
2. Базаров А. О некоторых вопросах участия педагога и психолога в производстве допроса несовершеннолетних // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. №3. – С. 99-101.
3. Криминология. Учебник под ред. Бурлакова В.Н., Сальникова В.П. – СПб, 2018. –Б. –506.
4. Международные акты о правах человека: Сб. документов. – М., 2000. – С. 306-326; Моделный Уголовный кодекс для государств – участников СНГ / Известия вузов // Ж. Правоведение. 1996. № 1. – С. 92-150; Волженкин Б.В. Пояснительная записка к Моделному Уголовному кодексу для государств – участников Содружества Независимых Государств // [хттп:// правовед. журфак. спб. ру](http://правовед.журфак.спб.ру).
5. Мирзажанов К. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган махсус криминологик чораларни такомиллаштириш // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2001. –Б. 68.
6. Ниёзова С.С. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси. / Монография. –Т., ТДЮУ. 2017. –Б. 89.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ ДЕЛИМИТАЦИЯ ВА ДЕМАРКАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада сўнгги йилларда давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш доирасида қўшни давлатлар билан давлат чегарасининг низоли ҳамда келишилмаган ҳудудларига ечим топиш бўйича амалга оширилган ишлар ва ушбу тадбирларни самарали ташкиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: давлат чегараси, давлат чегараси режими, чегара режими, давлат чегараси делимитацияси, давлат чегараси демаркацияси, давлат сирлари.

Собиқ иттифок даврида маъмурий-ҳудудий чегаралар аҳолининг этник жойлашуви, уларнинг тақрорий ўзбошимчилик билан ўзгариши, 15 та республикалараро чегараларнинг ўтишини қонуний равишда белгиладиган муҳим ҳужжатларнинг йўқлиги Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар ўртасида ҳудудий ва чегара можаролари пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ўтган аср охирида Марказий Осиёда давлат чегараларининг ўтиш чизигини аниқлаш учун бошланган делимитация ва демаркация жараёнлари чегара низолари бўйича можаролар қўламини сезиларли даражада пасайтирди. Бироқ, ҳозиргача Марказий Осиё минтақасидаги ҳеч бир давлат ўз чегарасининг халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан ўрнатилишини ҳали тўлиқ тугатмаган.

Бунда биринчидан, Марказий Осиё давлатлари ўртасида давлат чегаралари делимитация ва демаркацияси масалалари тўлиқ бартараф этилмаганлиги халқаро-ҳуқуқий режим бўйича тўлиқ шартномалар тузишга тўсиқ бўлмоқда. Иккинчидан, бу ҳолат халқаро чегарадан ўтиш пунктлари фаолияти ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини ҳал этишда қўшимча муаммолар туғдирмоқда. Учинчидан, бундай муаммолар қўшни мамлакатлар ўртасидаги давлатлараро чегаранинг ҳуқуқий режими масаласида чегара низолари пайдо бўлиши ва бу режимга риоя қилиш билан боғлиқ чегара инцидентлари кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Алоҳида қайд этиш лозимки, Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси доирасида қўшни давлатлар билан делимитация ва демаркация тадбирлари самарали олиб борилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг умумий узунлиги – 7111,976 км бўлиб, шундан: Афғонистон билан – 143 км, Қозғистон Республикаси билан – 2356,666 км, Тожикистон Республикаси билан – 1304,70 км, Туркменистон билан – 1831,49 км ва Қирғиз Республикаси билан – 1476,12 км дан иборат.

Мамлакатнинг бутун давлат чегараси бўйлаб делимитация қилинмаган ҳудудларининг умумий узунлиги – 16 км.ни ташкил этади, шундан Тожикистон билан – 7,8 км, Туркменистон билан – 4,9 км ва Қирғиз Республикаси билан – 3,3 км.

Афғонистон билан Ўзбекистон ўртасидаги давлат чегараси чизигининг ўтиши шу кунга қадар юридик тасдиқлаш жараёнидан ўтмаган ва ўзбек-афғон чегарасини қўриқлаш де-факто Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида чегара масалалари тўғрисидаги Битим (1946 й.), Совет Иттифоқи Ҳукумати билан Афғонистон Қироллик Ҳукумати ўртасидаги совет-афғон давлат чегараси режими тўғрисидаги Шартнома (1958 й.) ва 1978-1987 йиллардаги редемаркация ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатлар нусхалари Ўзбекистон архив фондларида сақланмоқда.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган ҳужжатлар билан тасдиқланган совет-афғон чегарасининг Ўзбекистон ҳудуди билан боғлиқ қисми Амударё ўзанининг ўзгариши натижасида ҳозирги кундаги ҳолатига

мутаносиб келмайди. Чегара чизиги ўтиши белгиланган Амударё ўзани Афғонистон қирғоқларини ювиб кетиши натижасида айрим жойларда чегара чизиги қуруқликда қолиб кетган, янги ороллар пайдо бўлган ва аввал мавжудлари ювилиб кетган.

Ҳозирги кунда Афғонистондаги мавжуд сиёсий вазиятни инобатга олиб, давлат чегараси делимитация ва демаркацияси масалалари бўйича ишчи гуруҳ томонидан, ўзбек-афғон чегараси билан боғлиқ ҳужжатларни чуқур ўрганиш ва натижасидан келиб чиқиб, юқорида қайд этилган ҳужжатларни тан олиш ёки янги шартнома тузиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг аниқ позициясини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Қозғистон Республикаси билан давлат чегара чизигида бир қанча шартнома ва битимлар орқали тўлиқ делимитация ва демаркация тадбирлари амалга оширилган.

Ҳозирда икки давлат мутахассисларидан иборат делегация таркибида Ҳукуматлараро “Давлат чегараси режими тўғрисида”ги Битим лойиҳаси ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқилмоқда.

Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзбек-тожик давлат чегараси 2002 йил 5 октябрдаги ҳамда 2018 йил 9 мартдаги шартномаларга мувофиқ делимитация қилинган. Шунингдек, давлат чегарасининг 3 та ҳудуди делимитация қилинмаган.

2018 йил 9 март кунини Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида ҳудудий тегишлилик ва эгалик ҳуқуқини кўрсатмасдан, 49 йил муддатга, “Фарҳод тўғони” фаолиятини таъминлаш тўғрисида Ҳукуматлараро битим имзоланган.

Ҳозирда Ўзбекистон ва Тожикистон Ҳукумат делегацияларининг ишчи гуруҳлари томонидан демаркация ишлари бошланиб, икки томоннинг манфаатларидан келиб чиқиб, ернинг рельефи, табиий тузилмаси ва тўсиқларни ҳамда давлат чегарасини жиҳозлаш ва қўриқлаш масалаларини инобатга олган ҳолда давлат чегарасининг бутун узунлиги бўйича лойиҳавий демаркация чизигини белгилаш ишлари амалга оширилмоқда.

Туркменистон билан давлат чегараси Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасидаги ўзбек-туркман давлат чегараси тўғрисидаги 2000 йил 21 сентябрдаги шартномага мувофиқ делимитация қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон, Туркменистон ва Афғонистон давлат чегараларининг туташ нуктаси делимитация қилинмаган (умумий узунлиги – 4,9 км).

Ўзбекистон ва Туркменистон Ҳукумат делегацияларининг ишчи гуруҳлари томонидан 2020 йилга қадар икки томоннинг манфаатларини инобатга олган ҳолда давлат чегарасининг бутун узунлиги бўйича лойиҳавий демаркация чизигини белгилаш ишлари амалга оширилди. 2019 йилнинг декабрь ойида томонлар давлат чегарасининг бутун узунлиги бўйича лойиҳавий демаркация чизигини, алмашинадиган ҳудудлар рўйхатини, ер балансини, демаркация ишлари ҳажми ва тақсимоли ҳамда чегара соҳасини аэро-фото тасвирга олиш ишлари юзасидан келишувга эришди. Томонлар ушбу келишувларни 2020 йилнинг февраль ойида Урганч шаҳрида бўлиши режалаштирилган Ҳукуматлараро комиссияси

йигилишида тасдиқлашни режалаштирган эдилар. Бироқ, юзага келган COVID-19 коронавирус пандемияси туфайли ҳозирга қадар ўзбек-туркман давлат чегараси демаркацияси ишлари тўхтаб қолди.

Қирғиз Республикаси билан давлат чегараси Ўзбекистон Республикаси билан Қирғиз Республикаси ўртасидаги ўзбек-қирғиз давлат чегараси тўғрисидаги 2017 йил 5 сентябрдаги Шартномага мувофиқ 1 170,53 км узунликдаги масофаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Қирғиз Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз давлат чегараларининг алоҳида участкалари тўғрисидаги 2022 йил 3 ноябрдаги Шартномага мувофиқ 302,29 км масофаси делимитация қилинган.

Шу билан бирга делимитация қилинмаган ҳудудлар 2 та бўлиб, умумий 3,3 км.ни ташкил этади.

Давлат чегарасининг бутун узунлиги бўйлаб қўшни давлатлар билан делимитация ва демаркация ишларининг якунланмаганлиги, давлат чегарасини қўриқлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишга, шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан уларнинг ҳақиқатан ҳам давлат чегарасида ноқонуний ҳаракатланганлиги (кесиб ўтганлиги), товар-моддий бойликларни олиб ўтиши ёки ундаги иштироки каби фактларни квалификация қилишда тўсқинликларни юзага келтирмоқда.

Келтирилган фактлардан қўриш мумкинки, қўшни давлатлар билан Давлат чегарасининг делимитация ва демаркация қилиниши ҳуқуқбузарликларни тўлақонли расмийлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада П.Маккамбаев "минтақа давлатлари ўртасида давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнларининг тугалланмаганлиги чегара низолирига сабаб бўлиб, турли чегара инцидентларининг пайдо бўлишига шароитлар яратади. Ҳозирда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан қўшма давлат чегараси режими тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатни имзоламагани боис ўзбек-туркман, ўзбек-қозоқ, ўзбек-қирғиз, ўзбек-тожик ва ўзбек-афғон давлат чегаралари режими тўғрисидаги шартномаларни тузиш мақсадга мувофиқ" – деган фикрларни билдиради.

Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг делимитация ва демаркацияси жараёнларини тугаллаш, қўшни мамлакатлар билан уларнинг ҳуқуқий режимини белгиловчи халқаро шартномаларни имзолаш ДХХ Чегара қўшинларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини самарали ташкиллаштиришга хизмат қилиши муқаррар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлат чегараси тўғрисидаги шартномаларда давлат чегарасидан ташқари сув ва сувдан фойдаланиш масалалари, томонлардан бирининг иккинчисини сув билан таъминланишига салбий таъсир кўрсатишига олиб келишининг олдини олишни назарда тутувчи чекловлар, ер алмашиш ёки компенсация тўғрисидаги келишувларнинг амалга оширилишини тан олиш ҳамда демаркация жараёни тугагунга қадар ердан ҳақиқий фойдаланиш чегараларини белгилаш ва бошқа масалалар тўғрисида эришилган келишувлар назарда тутилади. Бунга мисол сифатида 2022 йил 3 ноябрда имзоланган Ўзбекистон ва Қирғиз Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани келтириш мумкин.

Жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва оқоилишлигига таҳдидлар қўшни давлатлар билан тузиладиган давлат чегараси, унинг делимитацияси ва демаркацияси билан боғлиқ халқаро шартномаларда назарда тутилган қоидаларни Ўзбекистон Республикаси суверенитетини ҳимоя қилиш, давлат чегараси дахлсизлигини таъминлаш, чегараларнинг бузилмаслиги принципларининг амалда тўлақонли равишда қўлланилишига эришиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти даражасига олиб чиқишга бўлган эҳтиёжни юзага келтирмоқда.

Чунончи, БМТ Уставининг 102-моддасига асосан, ушбу халқаро ташкилотга аъзо бўлган барча давлатлар ўзаро имзолаган ва кучга кирган халқаро ҳужжатларни биринчи имконият туғилиши билан Ташкилот Котибиятида рўйхатдан ўтказишлари лозимлиги, Ташкилот Котибиятида рўйхатдан ўтказилмаган ҳар қандай шартнома ёки халқаро битимни аъзо давлатларнинг ҳеч бири Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларига асос сифатида кўрсата олмаслиги қатъий белгиланиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар билан давлат чегараси делимитацияси ва демаркацияси тўғрисидаги шартномаларининг айрим қисмлари ўзида ёпиқ характердаги маълумотларни акс эттириши мумкинлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ваколати билан ундаги мазкур маълумотлардаги мавжуд чекловлар олиб ташланиб, шартномаларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятидан рўйхатдан ўтказилишига эришиш мумкин.

Хусусан, "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига кўра, ахборотларни махфийлаштириш ва махфийликдан чиқариш ушбу қонунга ҳамда "Ҳукумат тасдиқлайдиган маълумотларнинг махфийлик даражасини аниқлаш ва белгилаш тартиби тўғрисида"ги низом ва Ўзбекистон Республикасида махфийлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар Рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган давлат чегараси билан боғлиқ халқаро шартномаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти рўйхатидан ўтказиш билан:

1) Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг (шу билан бирга эксклав ҳудудлар) халқаро ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланишига;

2) мазкур халқаро ҳужжатларни қўллаш юзасидан келиб чиқадиган хавф-хатарларнинг олдини олишга;

3) ҳар қандай вақтда зарурат туғилганда халқаро шартномалар билан белгиланган давлат чегараси, унинг дахлсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, чегаралар бузилмаслиги ва бошқа масалалар билан боғлиқ бўлган муаммолар, томонлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг таъминланишини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига асосан мазкур ташкилот даражасида талаб этиш имкониятига эришиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси билан боғлиқ халқаро битимларни БМТ Котибиятида рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳуқуқий мақомининг мазкур халқаро ташкилот даражасида мустаҳкамланиши Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси, уни дахлсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, чегаралар бузилмаслиги билан хавф-хатарларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Абдуғани ХОЛБЎТАЕВ,

*Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси ю.ф.ф.д (PhD).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Давлат сирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 848-XII-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 232-модда.
2. Мирзиёев Ш.М., Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 17.
3. Маккамбаев П.А., Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг ҳуқуқий режими ва уни такомиллаштиришнинг муаммолари: ю.ф.н. дисс.. авторефер. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, 1997 й.-Б. 17.
4. Маккамбаев П.А., Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлигининг халқаро-ҳуқуқий муаммолари: ю.ф.д. дисс. ... авторефер. – Тошкент: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, 2023 – Б. 18.
6. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон фармони // электрон манба: <https://lex.uz/docs/3107036>
5. Устав Организации Объединенных Наций, Электрон манба: <https://www.un.org/ru/>



ЯРАШУВ ИНСТИТУТИДА ҚАДРИЯТЛАР МУЖАССАМ

Инсонпарварлик ва кечиримлилиқ каби умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ярашув институти бугунги кунда миллий қонунчилигимиздан мустақкам ўрин олган эзгу мақсад — инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатли ҳимоясига хизмат қилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида муҳим вазифа – ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ қутулиш шахс, унинг яқинларига жисмоний ва маънавий азоб берадиган, унинг қадр-қимматини камситадиган жазо турлари, жазолашнинг репрессив усулларида воз кечиш, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонпарварлик тамойилларини кучайтириш ҳамда амалда қўлланишини таъминлаш зарур эди. Шу мақсадда ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келинаётган тамойил ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизими қайта кўриб чиқилиб амалдаги Жиноят, Жиноят-про-

цессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга янги қоидалар киритилгани, айниқса, 2001 йил 29 августдаги жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ҳақидаги қонун муҳим аҳамиятга эга бўлганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ушбу қонун асосида миллий қонунчилигимизда илк бор ярашув институти жорий этилди, Жиноят кодексининг 66¹-моддасида ярашилганлиги муносабати билан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилди.

Мазкур ҳуқуқий институт жорий этилгандан буён ўтган қарийб йигирма уч йил давомида қонунчилик янада такомиллаштирилиб, жиноят процессларида уни қўллаш доираси тобора кенгайиб бораётгани унинг вақт синовларидан муваффақиятли ўтаётгани, жиноий ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштириш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда самарали восита сифатида хизмат қилаётганидан дарак беради.

Бу борада жойларда олиб борилаётган ишлар статистикасига назар соладиган бўлсак биргина жиноят ишлари бўйича Кўкдала туман судида ўтган давр мобайнида 246 та жиноят иши ва 2 000 га яқин маъмурий ишлар ярашув билан тугатилган.

Ярашув институтининг амалда кенг қўлланиб келинаётганининг асосий сабаби унинг халқимизнинг кечиримлилиқ, бағрикенглик каби фазилатларига монандлиги ҳисобланади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашгани туфайли жавобгарликдан озод қилиниши нафақат унинг ўзи, балки яқинлари учун ҳам катта маънавий ва тарбиявий аҳамият касб этади. Шунинг учун эр-хотин, қариндош-уруғ, кўни-кўшни, таниш-билишлар ва ҳамкасблар ўртасидаги арзимас келишмовчиликларнинг адоватга айланиб кетишининг олдини олиш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида ярашув институти қўлланиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар доираси янада кенгайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бинобарин, маъмурий ишлар бўйича ярашув институтининг кенг-роқ жорий этилиши юқорида қайд этилган салбий оқибатларнинг олдини олиш, яқинлар ўртасидаги зиддиятларнинг барҳам топиши, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг камайиши, энг муҳими, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўктам РАСУЛОВ,

жиноят ишлари бўйича Кўкдала туман суди раиси,
“Ибратли судья” мукофоти соҳиби.

Комил инсоннинг тўрт белгиси:

- 1) қалбини кибр ва адоватдан сақлаш;
- 2) тилини ёлгон ва гийбатдан тийиш;
- 3) амалини риёдан асраш;
- 4) ўзини ҳаром ва шубҳадан узоқ тутиш.

**Донолар
бисотидан**



ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР ЭЗГУЛИККА ЭЛТАДИ!

**Доно халқимизнинг маънавий бисотида шундай пурҳикмат гап бор: “маърифат - сар-
моям, ақл ва илм – йўлимнинг чироғи ва қуролим, муҳаббат - асосим, ирода ва азм - уловим,
эътимод - ҳазинам, ҳузун - йўлдошим, сабр - кўйлагим, ризо - ганиматим, зуҳд – маслагим,
тўғрилиқ – шафоатчим, халол бўлиш – шарафим, қатъиятлилиқ - йўл ва услубим...”**

Албатта бу эзгу фазилатларни ўзида жамлаган инсон қайси соҳа ва йўналишда фаолият олиб бормасин доимо хавфу-хатардан йироқ бўлади. Яъни, унга адашиш, билим-сизлик, ҳаёсизлик, бадфеъллик ва бошқа ёмон фазилатлардан келадиған бало-қазолар чанг солмайди. Шундай экан мазкур гўзал хулқларни аввало биз судьялар ўзимизга ҳамроҳ қилишимиз ва у ила бошқаларга ўрнатилган бўлишимиз керак бўлади. Айнан шу мақсадда Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сон қарори билан тасдиқланган “Судьяларнинг одоби кодекси” Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Судлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги ва бошқа қонунлари, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг судьялар одоб-ахлоқини тартибга солишчи умумэътироф этилган тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Унда судьялар қатъий риоя қилиши лозим бўлган бир қанча муҳим қоидалар белгиланган.

Жумладан, Кодекснинг “Судьянинг хизматдан ташқари вақтдаги одоб-ахлоқига оид қоидалар” номли 13-моддасида зарур ҳаётий талаблар ўрин олган. Батафсил айтадиган бўлсам, унда судья хизматдан ташқари вақтда жамиятда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ принципларига қатъий риоя этиши, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ҳамда ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши, ўзаро муносабатда сабр-тоқатли бўлиши; ўзини камтар, босиқ, одобли, эътиборли, кибрга берилмасдан хушмуомала тутиши ва ҳеч кимга нисбатан қўпол муносабатда бўлмаслиги лозимлиги қайд этилган.

Шунингдек, адолат посбонлари ўзларини жамоат жойларида, давлат идораларида судья эканлигини ошкор қилиш орқали мансабидан фойдаланиб бирор-бир ишни ҳал қилиш ёки манфаат кўриши мумкин эмаслиги таъкидланган.

Албатта, судья кўнгилочар тадбирларда, тўйларда, маросимларда ўзини камтарона тутиши, касбига доир маълумотларни гапирмаслиги, танқидга нисбатан тоқатли бўлиши, ўзига билдирилган танқидий фикрларга қўполлик билан муносабат билдирмаслиги ҳар бир судьяни ҳушёрликка чақириб туради.

“Судьянинг молиявий-хўжалиқ фаолиятини амалга оширишдаги чекловлар”, деб номланган 14-моддасидаги талаблар ниҳоятда ўринли, деб ўйлайман.

Шу ўринда кўпчилиқда судьянинг молиявий-хўжалиқ фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ баъзи чекловлар ушбу Кодексга нега киритилган?, деган савол тугилиши мумкин. Бу саволга касбий ва ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб жавоб берадиган бўлсам судда иштирок этувчи шахслар кўпинча муайян моддий манфаатдорлик эвазига судьяни ўз томонига оғдириб олиб ишни ўз фойдасига ҳал этишга ҳаракат қилишади. Бундай ҳаракатлар турлича, яъни пул ёки мол-мулк кўринишида пора бериш, қимматли қоғозлар тақдим этиш, тадбиркорлик субъекти ҳисобланган корхоналарга улушдор сифатида аъзо қилиш,

совғалар инъом этиш, тўй-марака ёки бошқа тадбирлари-ни ўтказиб бериш, яқин кишиларига ҳомийлик кўрсатиш ва шу каби шаклларда амалга оширилиши мумкин.

Шунинг учун ушбу моддада судья ҳамда оила аъзоларининг иқтисодий ва молиявий аҳволи, шу жумладан, кўчмас ва кўчар мулклари, олаётган даромадлари, мавжуд пул маблағлари, қимматли қоғозлари, кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлари ва шунга ўхшаш бошқа турдаги мол-мулклари, уларни қандай тарзда қўлга киритиши, эгаллаши, фойдаланиши ва сарф-харажатларни амалга ошириши ҳақида сўз борган.

Конституциямизнинг 65-моддаси мазмунига кўра, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди. Яъни, ҳар қандай шахс ўз мол-мулки асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Аммо, қонунчиликда айрим тоифадаги шахслар учун бундай фаолият билан шуғулланиш борасида чекловлар ҳам ўрнатилган. Масалан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси мазмунига кўра, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлишлари мумкин. Бироқ, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонунчиликда ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас. Бу ерда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонунчиликда ман этилган бошқа шахслар қаторига судья ҳам қиради.

Эътиборли жиҳати шундаки, судья ўз фаолиятини юри-тиш билан боғлиқ чекловларга улар фақат қонунда белгиланган тақдирдагина риоя этиши шарт. Акс ҳолда унга риоя қилмаслиги ҳам мумкин. Бу ерда “қонун” деганда қонунчи-лик, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади.

Шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, тижорат ташкилотларининг устав фондларидаги улуш, шунингдек тижорат ташкилотларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғозлар ҳадя қилинган ёки мерос бўйича олинган ҳолларда судья бу ҳақда Судьялар олий кенгашига хабар бериши ва уларни бошқариш-ни дарҳол бошқаларга топшириш бўйича чоралар кўриши зарурлиги қайд этилган.

Бу каби қоидалар халқаро ҳужжатларда ҳам мавжуд. Масалан, “Судьяларнинг хулқ-атворида оид Бангалор принциплари”нинг 2.5.3-бандида судья ва унинг оила аъзолари кўриб чиқилаётган ишнинг натижасидан моддий манфаатдор бўлган ҳолатда судья ўзини ўзи четлатиши лозимлиги таъкидланган.

Дилмурод ДАВЛЕТОВ,

Қўнғирот туман иқтисодий суди судьяси.

СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИСИ ВА СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ТАШКИЛОТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

АННОТАЦИЯ: мақолада солиқ маслаҳатчиси ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми ва унга нисбатан олимларнинг муносабатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: солиқ қонунчилиги, солиқ маслаҳати, солиқ маслаҳатчиси, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти, солиқ муносабатлари, ҳуқуқий мақом, солиқ тизими.

Ўзбекистон учун солиқ маслаҳати — бу ривожланиб келаётганига ҳали кўп бўлмаган маслаҳат хизмати бўлиб, унинг пайдо бўлиши мамлакатимизда бозор муносабатларининг шаклланиши ва шунга мос равишда мураккаб солиқ тизимининг яратилиши ҳамда фаолият кўрсатиши билан боғлиқ эди. Ушбу ҳолат амалдаги солиқ қонунчилигини тўғри қўллаш соҳасида махсус тайёргарликка эга бўлмаган солиқ тўловчиларда кўплаб муаммоларнинг пайдо бўлиши бўлиб, бу эса солиқ маслаҳатчиларига бўлган эҳтиёжнинг уйғониши ва шунга мос равишда солиқ соҳасида янги хизмат турининг пайдо бўлишига олиб келди.

Статистик маълумотларга назар ташлар эканмиз, Республика бўйича жами 204 нафар солиқ маслаҳатчилари ва 74 та солиқ маслаҳатчилари ташкилоти (кейинги ўринларда СМТ) рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан атиги 29 та СМТ юридик шахс ихтиёрий тугатилаётганда хулоса бериш ҳуқуқига эга ташкилот бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, юртимизда жами 74 та солиқ маслаҳатчилари ташкилоти фаолият юритаётган бўлиб, шундан Жиззах, Фарғона, Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 1 тадан, Тошкент вилоятида 2 та, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида 3 тадан, Андижон вилоятида 4 та солиқ маслаҳатчилари ташкилоти рўйхатдан ўтган. Қолган 57 та солиқ маслаҳатчилари ташкилоти Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар билан мутаносиб равишда таққослайдиган бўлсак, мамлакат бўйича жами 485 024 та корхона ва ташкилотга 204 нафар солиқ маслаҳатчиси тўғри келмоқда.

Ваҳоланки, Европа ва АҚШнинг ривожланган мамлакатлари ўртача статистик коэффициентга эга бўлиб, мамлакатда ишлайдиган солиқ хизматларининг 10 нафар ходими учун 11 нафар солиқ маслаҳатчиси, Австралияда эса ҳар 18 миллион кишига 18 000 нафар солиқ хизмати ходими ва 21 000 солиқ маслаҳатчиси тўғри келади.

Институционал тартибга солиш доирасида солиқ муносабатларининг ривожланиши солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда солиқ маслаҳатларининг аҳамиятини оширишга ва мумкин бўлган солиқ оқибатлари нуқтаи назаридан мантикий бўлмаган бошқарув қарорлари туфайли корпоратив солиқ тўловчиларнинг фаолиятига етказиладиган зарарнинг олдини олишга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда солиқ тўловчиларда солиқ саводхонлиги ва хабардорлигининг етарли эмаслиги солиқ

органлари учун ҳамон муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Бу хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, солиққа оид барча масалалар бўйича мустақил маслаҳат бериш, ҳар хил турдаги солиқ тўловчилар учун семинар ва тренинглар ўтказиш, инспекцияларда ахборот стендларини жойлаштириш, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш хоналари ва офисларни яратиш ҳамда бошқаларни ўз ичига олган ахборот – маслаҳат тизимини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Барча солиқ масалалари бўйича сифатли маслаҳат ва тушунтиришларнинг ўз вақтида олиниши солиқ тўловчиларнинг солиқ саводхонлиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади, пировардида, солиқ органлари билан муносабатларнинг яхшиланишига ва солиқ йиғиш ҳажмининг ошишига олиб келади.

Давлат солиқ сиёсатини амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири аҳолининг солиқ маданиятини юксалтириш борасидаги ишларни ташкил этишдир. Ушбу фаолиятнинг ажралмас қисми бевосита солиқ маслаҳатидир.

Солиқ маслаҳати (солиқлар ва йиғимлар бўйича маслаҳат) – бу мижозга (маслаҳат олувчи шахсга) солиқ тўловчилар, йиғимлар тўловчилар, солиқ агентлари ва бошқа шахслар томонидан кўрсатилган солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни тўғри бажаришга ёрдам берадиган хизматларни пуллик асосда кўрсатиш бўйича профессионал фаолият туридир.

Бизнинг фикримизча, солиқ маслаҳатчилари солиқни оптималлаштириш (солиқни режалаштириш) жараёнига нафақат солиқ соҳасидаги оптималлаштириш жараёнларининг атрибути бўлган қонуний хусусиятни бериш, балки хатти-ҳаракатлар стратегиясини оқилона танлашни таъминлашга қақирадилар.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мустақил солиқ маслаҳатчилари фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Шундай қилиб, Буюк Британияда ўз-ўзини тартибга солувчи профессионал ҳамжамият ўз аъзоларининг фаолиятини назорат қилади, хусусан, стандартлар, хулқ-атвор ва одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқади. Бошқа мамлакатларда (Япония, Хитой, Италия, Жанубий Африка) профессионал солиқ маслаҳатчилари солиқ органлари томонидан рўйхатга олинади ва мижознинг солиқ органига юборилган ҳужжатларида кўрсатилиши керак бўлган аниқ идентификация рақами берилади. Шу билан бирга, солиқ маслаҳатчилари маълум малака талабларига жавоб бериши ва касбий хулқ-атвор стандартларига риоя

қилиши керак. АҚШда солиқ воситачилари фаолиятини тартибга солиш асосан агрессив солиқ режалаштириш-ни чеклашга қаратилган.

Хусусан, профессор И.А.Эргашевнинг қайд этишича, “Солиқ бўйича маслаҳат бериш ягона шартнома орқали белгиладиган фаолият тури бўлиб, солиқ маслаҳатчиси бу солиқ тўловчининг молиявий манфаатларини ҳимоя қиладиган шахс ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, маслаҳатчи нафақат ўз миқдорини ҳимоя қилиши ва солиқ тўловларини оптималлаштириши, балки солиқларни ўз вақтида ва тўғри тўлаши учун кўмаклашиши зарур бўлиб ҳисобланади”.

Яна бир тадқиқотчи олим С.Киллианнинг келтиришича, “Солиқ маслаҳатчиларининг ҳам давлат, ҳам солиқ тўловчи вакили сифатидаги икки томонлама қараши ҳар доим ҳам мувозанатли бўлавермайди. Шундай экан, солиқ маслаҳатчилари солиқ тўловчининг қонун ҳужжатларига риоя этиши ёки риоя қилмаслиги хатти-ҳаракатлари устидан назорат қилувчи вазифасини ҳам бажаради. Солиқ маслаҳатчисининг солиқ тўловчига иқтисодий жиҳатдан қарамлиги унинг ўз вазифаларини мувофиқлик агенти сифатида бажаришига тўсқинлик қилиб, оқибатда солиқ маслаҳатчилари солиқ тўловчининг солиқдан агрессив қочиш истагини маъқуллашга мажбур бўлиб қолади”.

Фикримизча, солиқ маслаҳатчилари солиқ тўловчининг маслақдоши сифатида уларнинг вазифасини кўриб чиқади. Бунда, миқдор томонидан солиқ мажбуриятларини бажаришда қийинчиликларга дуч келинганда, солиқ қоидаларини тушунмаслик ва келажакда санкцияларни олишдан хавотирда бўлганларида ушбу ҳолат шаклланади. Солиқ тўловчилар ўзларининг бизнес фаолиятини юритишда қулайлик ва вақт самарадорлигини олиш учун солиқ мажбуриятларини ҳал қилишни ишончли шахсларга топширишни танлайдилар.

Солиқ маслаҳати фаолиятида давлат томонидан тартибга солиш, солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, улар касбининг ҳуқуқий мақоми ва нуфузини мустаҳкамлаш, солиқ тўловчилар ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-сентябрдаги “Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4846-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан солиқ маслаҳатчилари ташиқлотларига:

давлат солиқ ва боғжона хизмати органлари билан муносабатларда солиқ тўловчининг манфаатларини ҳимоялаш;

солиқ ҳисоботини солиқ тўловчи номидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетини орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этиш;

давлат солиқ хизмати органларининг талаб-номаларида кўрсатилган, аниқланган тафовут-

ларнинг асосномаси сифатида ҳулосаларни солиқ тўловчи номидан давлат солиқ хизмати органига тақдим этиш бўйича қўшимча ҳуқуқлар берилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ маслаҳати-га оид фаолият тўғрисида”ги қонунда фақатгина “Солиқ маслаҳатчиси” деб номланган 16-модда мавжуд бўлиб, ушбу моддада қисқача малака сертификатига эга бўлган шахс солиқ маслаҳатчиси бўлиши ва Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан белгиланган тартибда ҳар йили ўз малакасини ошириб бориши шартлиги каби маълумотлар қайд этилган. Бироқ, айнан солиқ маслаҳатчиси мақомига эга бўлиш тартибини белгилаб берувчи бирорта ҳам модда мавжуд эмас.

Хорижий тажрибага назар соладиган бўлсак АҚШ, Канада, Белоруссия, Германия, Озарбайжон, Буюк Британия, Малайзия ва Сингапур каби кўплаб ривожланган мамлакатларнинг солиққа оид асосий қонунчиликларида солиқ маслаҳатчисининг мақоми алоҳида модда ёки боб шаклида қайд этилганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, “Сизнингча, Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ маслаҳати оид фаолият тўғрисида”ги қонунига янги таҳрирдаги “Солиқ маслаҳатчиси мақомига эга бўлиш” номли моддани киритишга зарурат мавжудми?” деган саволга иштирокчиларнинг 75,6 % қисми “зарурат бор” деб жавоб берган бўлсалар, қолган 24,4 % қисми эса “зарурат йўқ” дея ўз фикрларини билдирганлар.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ маслаҳати оид фаолият тўғрисида”ги қонунига янги таҳрирдаги “Солиқ маслаҳатчиси мақомига эга бўлиш” номли моддани киритишга эҳтиёж мавжуд ва ушбу моддада солиқ маслаҳатчиси мақомига эга бўлишнинг аниқ ва қатъий шартларини белгилаш тақлиф этилади.

Авазбек ЮЛДОШБЕКОВ,

Тошкент давлат юридик университети
мустақил ишланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Артеменко Дмитрий Анатольевич Проблемы институционализации независимой медиации взаимодействия бизнеса и государства в процедурах налогового администрирования // JER. 2010. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-institutsionalizatsii-nezavisimoy-mediatsii-vzaimodeystviya-biznesa-i-gosudarstva-v-protsedurah-nalogovogo>
2. Ergashev Ikrom Abdurasulovich. Soliq nizolarini muqobil hal etishning huquqiy mexanizmlarini takomillashtirish masalalari. Yurisprudensiya. 2021/4.
3. Ефремова Т.А. Проблемы и перспективы развития налогового консультирования // Актуальные вопросы экономических наук. 2008. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-i-perspektivy-razvitiya-nalogovogo-konsultirovaniya>
4. Елесина Мария Владимировна, Рашкеева Ирина Владимировна, Толдиев Саид-Магомед Муслимович Налоговое консультирование опыт Российской Федерации // Евразийский Союз Ученых. 2014. №7-4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nalogovoe-konsultirovanie-opyt-rossiyskoy-federatsii>
5. Killian, S. and Doyle, E. (2004). Tax aggression among tax professionals: the case of South Africa. Journal of Accounting, Ethics and Public Policy, 4(3), 159-189.

НИКОХДАН СУД ТАРТИБИДА АЖРАТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

АННОТАЦИЯ: мақолада эр ва хотинлар ўртасидаги узоқ муддатли келишмовчиликлар, ўза-ро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари ва ман-фаатлари ҳимоясини таъминлаш каби масалалар ёритилади. Судга мурожаат этиш тартиби, суд жараёнида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулкни бўлиш, болалар тарбияси ва алимент масалалари ҳақидаги ҳуқуқий нормалар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: никоҳ, никоҳдан ажралиш, никоҳнинг тугатилиши, никоҳни бекор қилиш, ни-коҳдан ажралиш учун судга мурожаат қилиш, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво, никоҳдан ажралиш ҳуқуқи.

Никоҳ – бу эрак ва аёл ўртасида қонун ҳуж-жатлари ёки диний анъаналар асосида тузилади-ган расмий оилавий иттифоқ бўлиб, унда ҳар икки томоннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб қўйилади. Никоҳнинг асосий мақсади – оила куриш, биргаликда ҳаёт кечириш ва фарзандлар тарбия-лашдир. Қонунан тан олинган никоҳ, ўз навбатида, эр-хотиннинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилади ва жамиятда оилавий муносабатларнинг мустаҳкам бўлишига ҳисса қўшади. Оилавий муносабатлар мустаҳкам бўлишига қарамай, баъзи ҳолатларда эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли ажралиш зарурати туғилиши мумкин. Бундай ҳол-ларда никоҳни бекор қилиш учун судга мурожаат этиш талаб этилади.

Оила кодексининг 37-моддаси 2-қисмига муво-фиқ эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккисининг ариза-сига кўра никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр (хотин)нинг васийси берган аризага мувофиқ никоҳ тугатилиши мумкин.

Ажралиш - никоҳни бекор қилувчи мустақил юридик фактдир, у эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий му-носабатни келажак вақт учун тўхтатишга асос бўла-ди. Лекин, никоҳ натижасида вужудга келган баъзи ҳуқуқлар никоҳдан ажралгандан кейин ҳам сақланиб қолиши мумкин. Масалан, эр-хотиннинг бир-бири-га алимент бериш мажбурияти ажралишдан кейин ҳам сақланса, никоҳ тузиш вақтида қабул қилинган фамилиясини ажралишдан кейин ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик масаласи фамилия эгаси ихтиёрида бўлади.

Никоҳдан ажралиш масаласи фақатгина қонун-да белгиланган тартибда, махсус ваколат берилган давлат органлари - суд ёки фуқаролик ҳолати да-лолатномаларини ёзиш органларида ҳал қилиниши мумкин.

Никоҳдан ажратиш эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ амалга оши-рилади.

Оила кодексидagi янгиликка кўра, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр (хотин)нинг ва-сийси берган аризага мувофиқ, никоҳдан ажралиш ҳолати юз бериши мумкин. Илгари амалда бўлган

оила қонунчилигида васий бундай ҳуқуққа эга эмас эди. Никоҳдан ажратиш фақат эр-хотиндан биттаси ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажралиш мумкин эди.

Никоҳдан ажралиш институти никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш институтидан фарқ қилади. Никоҳдан ажралишда никоҳ вужудга келган вақтдан бошлаб вужудга келган барча ҳуқуқий муносабатлар тугал-ланмайди. Мисол учун, қонунда белгиланган шарт-ларнинг мавжудлиги, ОКнинг 117-121-моддалари, эр-хотиннинг ва собиқ эр-хотиннинг алимент мажбу-риятлари.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 38-моддаси бевосита никоҳдан ажратиш тартибига бағишланган. Ушбу модда никоҳдан қайси органда ва қандай тартибда ажратиш мумкин деган саволга қонуний жавоб беради.

Амалдаги Оила кодекси никоҳдан ажра-тишнинг икки тартибини белгилайди:

- 1) Суд тартиби бўйича никоҳдан ажратиш;
- 2) ФХДЁ органларида никоҳдан ажратиш.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томон-дан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-просес-суал кодексларида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўрилади.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъво эр-хотин муқим яшаётган туманлараро (шаҳар) судининг фуқаролик ишлари бўйича судида кўзғатилади. Агар, эр-хотин алоҳида-алоҳида яшаса, жавобгар яшаётган жойдаги судда, унинг яшаш жойи номаъ-лум бўлса, охириги яшаган ҳудуддаги судга берила-ди.

Даъво аризасида никоҳдан ажралиш учун сабаб бўлган асос кўрсатилиши шарт. Бундай мазмундаги аризани топшириш билан бир вақтда давлат божи тўланиши лозим.

Ажралиш тўғрисидаги ишлар очиқ суд мажлиси-да кўрилади. Шу билан бирга бундай фуқаролик иши эр-хотиннинг аризасига мувофиқ, зарур ҳолларда суднинг ажримига асосан ёпиқ суд мажлисида кўри-лиши ҳам мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқларини тўғри талқин этмаслик жамоат, давлат манфаатлари ва болалар манфаатларининг бузилишига олиб келади. Бундай ҳолатларда аҳолининг оилавий муносабатларини тартибга солиш ва низоли масалаларни суд томонидан ҳал этиш тартибини белгилаш орқали мустаҳкамлашга ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда ишни кўришнинг суд тартиби белгиланган. Қуйидаги ҳолларда никоҳдан ажратиш суд тартибида кўрилади:

биринчидан, эр-хотиндан бири никоҳдан ажралишга рози бўлмаса;

иккинчидан, эр-хотин ўртасида вояга етмаган болалари бўлса, уларни кимда қолдириш ва таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида низо чиқса;

учинчидан, эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотинга алимент ундириш ва унинг миқдори ҳақида низо туғилса;

тўртинчидан, биргаликда топилган умумий мулкни бўлиш бўйича низо вужудга келса.

Юқорида қайд этилган асослардан бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечтасининг юз бериши никоҳдан ажралиш ишини бевосита суд тартибида кўриш учун асос бўлади. Бироқ, ажралиш тўғрисидаги масала хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин 1 йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз даъво кўзғатишга ҳақли эмас. Шу сабабли оила қонунида аёлга бир йиллик муддат белгиланган. Суд ушбу қоидага асосан ишни хотиннинг розилигисиз кўриб чиқиши мумкин эмас.

Оила қонунчилиги оналик ва болаликни ҳимоя қилишда аёлларга қўшимча ҳуқуқлар бериши билан муҳим ўрин тутати. Амалдаги қонун она ҳамда болаларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида Оила кодексининг 39-моддасида бу тўғрида норма белгиланган. Бу нормада фақат эрнинг ҳуқуқи чекланади, ammo хотин ҳамма вақт ҳам ўзининг никоҳдан ажралиш ҳуқуқини сақлайди.

Аёлнинг бошқа эркакдан ҳомиладор бўлиши ва ундан бола туғилиши ҳам эркакка никоҳдан ажралиш учун даъво қилишга тўсқинлик қилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 6-бандида қуйидагича тушунтиришлар берилган.

Унга кўра, Оила кодексининг 39-моддасига мувофиқ эр хотинининг розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга, гарчи у туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида боланинг отаси сифатида ёзилмаган бўлса ҳам, ҳақли эмас. Мазкур қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга тўлмай вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ этилади.

Хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, Судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар у қабул

қилинган бўлса, суд ФПК 122-моддасининг 8-бандига асосан аризани кўрмасдан қолдиради.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризасининг кўрмасдан қолдирилиши, агар Оила кодексининг 39-моддасида кўрсатилган ҳолатлар барҳам топган бўлса, такрорий равишда судга никоҳдан ажратиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилишга тўсқинлик қилмайди.

Бироқ, Оила кодексининг 39-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжудлиги никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво хотин томонидан кўзғатилишига тўсқинлик қилмайди.

Бундай норма ва тушунтиришдан кўзланган асосий мақсад она ва боланинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишдан иборатдир. Шунинг учун, аёлнинг бошқа эркакдан ҳомиладор бўлиши ва ундан бола туғилиши ҳам эркакнинг бу хотиндан ажралиш учун даъво қилишга тўсиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда эр оталик тўғрисида ҳамма вақт даъво қилиши мумкин. Агар, хотин ҳомиладорлик вақтида ёки бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида бундай даъвога рози бўлса, шундай ҳуқуқ эрга ҳам тегишли бўлади.

Ҳозирги кунда жамият ҳаётида оиланинг аҳамияти ўсиб, у ёш авлодни тарбиялашда алоҳида ўрин эгалламоқда. Шунинг эътиборига олиб, судларнинг оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлаш борасидаги ролини ошириш лозим бўлади.

Никоҳдан ажралиш ишларини кўришда суд асосий эътиборни эр-хотинни яраштиришга ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўришга қаратади. Зеро, фактларга асосланадиган бўлсак, биргина Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари томонидан 2022 йилнинг 12 ойи давомида никоҳдан ажратиш ҳақида жами 8247 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилга (7834 та) нисбатан 413 та ёки 5,3 фоизга ошган.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъво аризасини асосан 30 ёшгача бўлган ёшлар бермоқда. Ачинарлиси шундаки, асосан аёллар судга бу тўғрида мурожаат этмоқдалар.

Амалдаги Оила кодексидан никоҳдан ажралиш учун аниқ асослар кўрсатилмаган ва буни кўрсатиш мумкин ҳам эмас. Нега деганда эр ёки хотин келтирган биттагина асос ҳам айрим ҳолларда никоҳдан ажратиш учун етарли бўлиши мумкин, алоҳида ҳолларда эса бир қатор сабаблар ҳам ажралиш учун асос бўла олмаслиги мумкин. Шунинг учун суд амалиётини ҳисобга олиб амалдаги Оила кодекси мавжуд қондани сақлаб қолиб, уни қуйидагича белгилади. Яъни, агар суд эр ва хотинни бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорида кўрсатилганидек, оиладаги вақтинчалик келишмов-

чилик, тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан низолар, шунингдек, жиддий асосларга эга бўлмаган сабабларга кўра эр-хотиндан бирининг ёхуд ҳар иккаласининг никоҳ муносабатини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳни бекор қилиш учун етарли асос бўла олмайди. Эр-хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқлиги, яъни оиланинг тамомила барбод бўлганлиги аниқлансагина, суд никоҳдан ажратиш ҳақидаги талабни қаноатлантиришга ҳақли (Оила кодексининг 41-моддаси).

Суд амалиётини ўрганиш натижасида эр-хотинлар никоҳдан ажралиш учун қуйидаги асосларни келтирганлиги аниқланди:

- Эр-хотиндан бирининг доимий равишда спиртли ичимлик ичиб, оилада жанжал чиқариши;
- Эр-хотинлик муносабатида ҳиёнат қилиш;
- Оилада боланинг туғилмаслиги;
- Оилавий ишларга қариндошлар (айниқса, қайнона-келин можаролари) ноўрин ва салбий аралашуви;
- Узоқ муддат бирга яшамаслик;
- Эр-хотиндан бирининг касаллиги ва бошқалар.

Ажралиш ишини кўраётган суд, никоҳдан ажралишга эр-хотиндан бирининг ичкиликбозлиги ёки ахлоқ принципларига хилоф ҳатти-ҳаракати сабабчи бўлганлиги аниқланса, тегишли чора-тадбирларини кўриши лозим. Зарур ҳолларда, оила олдидаги ўз бурчини унутган, болалар тарбияси билан шуғullanмайдиган, аёлларга ва оилани бошқа аъзоларига нисбатан ёмон муносабатда бўлгани учун никоҳдан ажралишга сабаб бўлган шахслар ҳақида хусусий ажрим чиқариб, муҳокама қилиш ва чора кўриш учун уларни иш ёки турар жойларига юбориш зарур.

Никоҳдан ажралиш учун судга мурожаат қилишга эр-хотиндан бирининг спиртли ичимлик истеъмоли қилиши сабаб бўлган бўлса, алкоголь касалига дучор бўлган шахсни мажбурий даволашга юбориш чорасини кўриши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Республика судларининг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмунидан келиб чиққан ҳолда оилани ҳар томонлама ҳимоялашга, болаларни Ватанга ва оилага садоқат руҳида ижтимоий тарбияга мос ҳолда, оила ва жамият олдида жавобгарлик ҳиссида тарбиялашга қаратилганлигини такидлайди.

Бундан ташқари, судлар фаолиятида никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда оила ҳамда фуқаролик просессуал қонунларни қўллашда айрим хато ва камчиликлар учраб туради. Айрим ҳолларда даъво аризаларини қабул қилиш, ишларни судда кўриш учун тайёрлаш тартибини белгиловчи қонунларнинг талаблари бажарилмаяпти, вояга етмаган фарзандлари ва мулкый низолари бўлмаган тақдирда никоҳдан судсиз ажралиш тартиби мавжудлиги

тушунтирилмаяпти. Баъзи судлар бундай низоларни ҳал қилишда шошма-шошарликка ва эътиборсизликка йўл қўймоқдалар, эр-хотинларни яраштириш чораларини кўрмаяптилар.

Эр-хотинларни яраштириш учун муҳлат беришни баённома асосида олиб бориш, тарафларнинг судга келмаганликлари сабабли иш юритишни асоссиз равишда тугатиш ҳоллари кўп учрамоқда. Баъзи судлар иш бўйича муайян ҳолатларни етарли равишда текширмайдилар, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатларни, никоҳдан ажралиш асосларини, оиладаги келишмовчиликларнинг ҳақиқий сабабларини тўлиқ аниқламайдилар. Тарафларнинг никоҳдан ажратиш талабларига асос қилиб қўйган вазиятларни текшириш учун камдан-кам ҳолларда гувоҳлар сўралади.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисидаги хабар берилмаган ва унинг иштирокисиз ишни кўришга розилик бермаган вазиятда эр-хотиндан бирортаси йўқлигида никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъволарни қаноатлантира туриб, судлар никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган фарзандлар ота-онадан қайси бири билан яшаб қолишини, қонунга зид равишда, ҳамма вақт ҳам аниқламайдилар. Даъво берилган-берилмаганлигидан қатъий назар болалар таъминоти учун суднинг нафақа ундириш ҳукуқи борлиги, баъзи талабларини эса, никоҳдан ажратиш ҳақидаги иш билан бир вақтда кўрилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қонун талаби эътибордан четда қолмоқда. Хонадонни бўлиш, уйга киритиб қўйиш ва уйдан кўчириш қабилар шулар жумласидандир.

Кўпчилик ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари ФПК талабларига жавоб бермайди. Уларда тарафларнинг ўзаро муносабатлари тавсифи ва ажралиш сабаблари ёритилмайди, суднинг у ёки бу далилларни эътиборга олмаслиги учун асос бўлган ҳолатлар, суд қўллаган қонунлар кўрсатилмайди. Қарорнинг хулоса қисмида никоҳдан ажралишни ФХДЁ органларида рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар тўлиқ келтирилмайди.

Шахноза ЗАЙНИЕВА,

фуқаролик ишлари бўйича

Учтепа туманлараро судининг судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 йил. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.02.2024 й., 03/24/905/0106-сон. <https://lex.uz/docs/104720#158833>
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2024 й., 03/24/947/0666-сон. <https://lex.uz/docs/3517337>
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 20.07.2011 йилдаги 06-сонли “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/2414114>
5. Ёдгоров Х. ва бошқалар. Оила ва никоҳ муносабатларидан келиб чиқувчи низолар бўйича суд амалиёти. – Т.: 2017. – Б 36.

ҲАЙВОНЛАРГА ШАФҚАТСИЗ МУОМАЛАДА БЎЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада ҳайвонларга шафқатсиз муомалада бўлиш жиноятининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган. Ушбу жиноятнинг долзарблиги инсонпарварлик ва ахлоқий нормалар доирасида кўрилиб, ҳуқуқий меъёрлар асосида муҳокама қилинган. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, жиноятнинг объектив ва субъектив томонлари ҳамда бу жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳақида маълумот берилган. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муомала жамият маданий даражасига салбий таъсир кўрсатиши, шунингдек, бундай жиноятларга қарши халқаро ҳуқуқий чора-тадбирлар мисолида ёритилган.

Калит сўзлар: ҳайвонларга шафқатсиз муомала, жиноят-ҳуқуқий жиҳатлар, Ўзбекистон қонунчилиги, инсонпарварлик, ахлоқий нормалар, ҳайвонлар ҳуқуқлари, шафқатсиз муомала, жиноят кодекси, ҳайвонларни ҳимоя қилиш, халқаро ҳуқуқ.

Ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш жинояти бугунги кунда долзарб муаммолардан бири сифатида тан олинган. Бу масала нафақат инсонпарварлик ва ахлоқий меъёрлар доирасида, балки ҳуқуқий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва уларга шафқатсиз муомала кўрсатиш инсониятнинг маданий ва ахлоқий даражасига таъсир кўрсатувчи омил бўлиб, бу жиноятларнинг ҳуқуқий таърифи ва олдини олиш масалалари кўплаб давлатлар учун муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун тегишли қонунчилик базасини шакллантиришга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳайвонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ нормалар аниқ белгиланмаган бўлса-да, умумий асосий тамойиллар ҳайвонларга инсонпарварлик асосида муомала қилишни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, қонунчиликда ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлишни тақиқлашга қаратилган махсус меъёрлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодекслари ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш билан боғлиқ қилмишларни назарда тутган моддаларга эга. Хусусан, МЖТКнинг 111-моддаси “Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни уларни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қийноққа солиш ёки уларга азоб бериш, шунингдек, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахс ҳозирлигида содир этилган бўлса ёки ҳайвонларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса” маъмурий жазо билан жавобгарликка тортишга ҳамда ЖКнинг 202¹-моддасига кўра, юқоридаги ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда уларни қийноққа солиш

ёхуд уларга азоб бериш уларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига олиб келса, мазкур қилмиш жиноий жазо билан жавобгарликка тортишга асос бўлади. Айтиш керакки, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш жинояти ЖКнинг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар” бобида келтирилган.

Ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш жиноятининг объекти – ҳайвонларни сақлаш соҳасини тартибга солувчи муносабатлар ҳамда ижтимоий ахлоқ нормалари ҳисобланади. Мирошниченко В.С. ушбу “жиноятнинг объекти деб – ҳайвонларнинг ҳаёти ва соғлиғи” деб тушунтиради. “Ҳайвон” атамаси юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бир неча бор учрайди, бироқ унинг мазмуни ҳеч қаерда очиб берилмаган. Одатда қабул қилинган “ҳайвон” тушунчаси жуда кенг бўлиб, бир хужайрали ва кўп хужайрали организмларнинг катта рўйхатини ўз ичига олади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 202¹-моддасининг предмети сифатида ҳайвонлар деб аталадиган барча организмларни тан олиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу муносабат билан, қонунчилик даражасида жиноят-ҳуқуқий ҳимоя остига олинадиган ҳайвонлар рўйхатини белгилаб қўйиш ва Жиноят кодексининг мазкур моддасига қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқдир: **“Ушбу модда доирасида ҳайвонлар деганда ёввойи ва қўлга ўргатилган уй ҳайвонларига кирувчи сут-эмизувчилар ва қушлар тушунилади”**.

Демак, жиноятнинг предмети – уй ва ёввойи ҳайвонлардир. Лекин, Мирошниченко С.В. белгиланган жиноят предметини нафақат сутэмизувчилар ва қушлар, балки умуртқали ҳайвонлар каби судралиб юрувчилар деб ҳам ҳисоблаш кераклигини таклиф қилади. “Ушбу тирик организмларнинг барчасида уларнинг биофизиологик тузилиши туфайли оғриқни ҳис қилиш қобилияти мавжуд бўлиб, бу реакция ҳар қандай одам учун равшандир. Бундан ташқари, кўплаб одамлар судралиб юрувчилардан ҳамроҳ ҳайвонлар сифатида фаол фойдаланадилар, шунинг учун уларга

азоб етказиш сутэмизувчилар ва қушларга нисбатан шундай ҳаракатлар сингари қабул қилинади”, деб ўз фикрини тушунтириб беради.

Бироқ айтиш керакки, Ўзбекистон Жиноят кодексида бир неча ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик кўрсатиш каби қилмишни назарда тутувчи норма ўрин олмаган.

Жиноятнинг объектив томони ҳайвонларга нисбатан жисмоний зарар етказиш, уларни азоблантириш ёки ўлдириш ҳаракатларини ўз ичига олади. Бундай ҳаракатлар ҳайвонларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишга қаратилган бўлиб, жиноятнинг объектив томони бундай ҳаракатлар натижасида юзага келадиган зарар билан белгиланади.

Илмий ва норматив адабиётларда мавжуд бўлган шафқатсиз муносабат тушунчаси, яъни ҳайвонга оғриқ, азоб ва изтироб етказишга қаратилган қасддан амалга оширилган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) деб тушуниш лозим. Таъкидлаш керакки, ҳайвонга етказилган зарар даражасини қонунчиликда ажратиш ҳеч қаерда амалга оширилмаган. Ҳайвонга етказилган зарар — бу ташқи муҳитнинг физик, кимёвий, биологик ва руҳий омилларининг таъсири натижасида ҳайвоннинг органлари ва тўқималарининг анатомик яхлитлиги ва физиологик функцияларининг бузилишидир. Майиб қилиш эса торроқ тушунча бўлиб, фақат ҳайвонга етказилган оғир зарарни қамраб олади. Шунинг учун майиб қилиш деганда, ҳайвоннинг ҳаётига хавф соладиган зарар: ҳайвоннинг кўриш, эшитиш қобилиятини ёки бирор органи йўқотиши ёки органнинг функцияларини йўқотиши; ҳайвонда ҳомиладорликнинг тугатилишини тушуниш лозим.

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш жиноятининг субъекти билан боғлиқ асосий

муаммолардан бири жиноий жавобгарлик бошланиши учун белгиланган ёшдир. Жиноят кодексининг 17-моддасига кўра, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш учун жиноий жавобгарлик 16 ёшдан бошланади. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш учун жиноий жавобгарлик ёшининг пастки чегарасини белгилаш асосларидан бири бу қилмишнинг ижтимоий хавфини англашдир. Осокин Р.Б. “14 ёшдаги ўсмирлар ҳайвонларга азоб етказишнинг ижтимоий хавфини англайдилар, жиноий-ҳуқуқий тақикнинг мазмунини ва уни бузиш оқибатларини тушунади ҳамда ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш учун етарли психофизиологик ривожланиш даражаси ва ижтимоий тажрибага эга” деган фикрлари билан ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш учун жиноий жавобгарлик ёшини 14 ёш деб белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Рустамбоев М.Х. ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш жинояти ҳаракат ва ҳаракатсизлик орқали содир этилишини таъкидлайди.

Ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш жиноятининг субъектив томони тўғри қасддан содир этилади, яъни жиноятчи ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги орқали ҳайвонларга зарар етказишни олдиндан билади ва шу оқибатларни хоҳлайди, шахс ҳайвонга зарар етказиш ёки уни ўлдириш ниятида ҳаракат қилади.

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш жинояти турли мамлакатларда қамраб олинган бўлса-да, ҳар бир мамлакатнинг жиноят қонунчилигида бу жиноятни тартибга солишнинг ўзига хосликлари мавжуд.

Россия Жиноят кодекси 245-моддаси, Қозоғистон Жиноят кодекси 316-моддаси, Украина Жиноят кодекси 299-моддалари ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишни тартибга солади. Бу моддаларга ҳайвонларга жисмоний азоб етказиш ёки уларни қасддан ўлдириш, агар бу ҳаракатлар инсонпарварликка зид бўлса ва омма олдида содир этилса, жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур қилмиш:

- Вояга етмаганлар ҳузурида содир этилса;
- Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилса;
- Жиноят такроран ёки аввал содир этилган бўлса;
- Жамоат жойларида омма олдида содир этилиши қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Қозоғистон қонунчилигида шафқатсиз муносабатнинг энг муҳим хусусияти унинг қасддан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилиши ҳисобланади. Жиноят инсонпарварлик тамойилларини бузувчи қилмишлар сифатида талқин қилинади, лекин ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқади.

**Жоҳил эканингга кифоядир
Агар дунё аҳлига берилган
нарсаларга ҳасад қилсанг,
қалбинг улардаги нарсаларга
ҳавас қилиб, машгул бўлса
демак, сен уларнинг энг нодон-
ларидан бирисан. Чунки, улар
ўзларига ато этилган нарсалар
ила оворадирлар, сен бўлсанг
ўзингга берилмаган нарса
ила бандсан, машгулсан.**

**Ибн Атоуллоҳ
САКАНДАРИЙ.**

Грузия Жиноят кодекси 259-моддаси ҳайвонларга шафқатсиз муносабатни жиноят деб белгилайди. Бу модда ҳайвонларни қасддан азоблаш ёки уларга зарар етказиш ҳолатларини тартибга солади.

- Жамоат жойларида, омма олдида ёки ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб қилинса.

- Вояга етмаган шахслар ҳузурида содир этилган бўлса.

- Ҳайвонни ўлдириш ёки оғир шикаст етказиш ҳаракатлари оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Грузия қонунчилигида ҳайвонларга шафқатсиз муносабат қилиш жинояти оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиши ёки тарғиб қилиниши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўриб чиқилади. Бундан ташқари, жиноятнинг қасддан ёки систематик тарзда содир этилиши жазо чораларини оғирлаштиради. Бу давлатда шафқатсиз муносабат кўпинча жамият олдида қораланган ахлоқий масалаларга боғланади.

Белорусь Республикасида ҳайвонларга нисбатан қасддан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилган шафқатсизлик жазоларга олиб келади. Қонунчиликда ҳайвонларни омма олдида азоблаш ёки ижтимоий тармоқларда намойиш қилиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрилади.

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича Буюк Британияда ҳайвонларга қарши жиноятлар 2006-йил "Ҳайвонларнинг фаровонлиги тўғрисида" ги қонун билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 4-моддасида ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ҳайвонларни ҳимоя қилиш қонунлари кучли ривожланган. Бу давлатда ҳар қандай шафқатсиз муносабат қаттиқ назоратга олинади ва ҳайвонларга зарар етказиш билан боғлиқ барча ҳаракатлар оғир жиноят сифатида кўрилади.

Америка Қўшма Штатларида 1966-йилда қабул қилинган "Ҳайвонларнинг фаровонлиги тўғрисида" ги федерал қонун илмий изланишлар, ҳайвонот боғлари, цирklar ва бошқа тижорат ташкилотларида ҳайвонларга ғамхўрлик қилишнинг минимал талабларини белгилайди. Шунингдек, кўплаб штатларда ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос қонунлар ҳам мавжуд бўлиб, улар федерал қонунларни тўлдириб, қўшимча талабларни ва бузилишларга қарши жазоларни кўзда тутди. Юқоридаги мамлакатлар қонунчилигида ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш жинояти ҳар хил ёндашувларда тартибга солинган. Умумий жиҳат шундаки, қасддан ҳайвонларга зарар етказиш ёки уларни азоблаш деярли ҳамма мамлакатларда жиноят ҳисобланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, барча давлатларда ҳайвонларнинг фаровонлигига оид қонунлар ҳайвонларга қандай муносабатда бўлиш кераклигини белгилайди ва қоидаларни бузганларга нисбатан жа-

золарни назарда тутди. Бу қонунлар ҳайвонларнинг ҳуқуқлари ва фаровонлигини ҳимоя қилиш ҳамда уларга нисбатан шафқатсизлик ва зўравонликни тўхтатишга қаратилган.

Жиноят кодексининг 202¹-моддасини **"Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар"** бобидан **"Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар"** бобига ўтказиш мақсадга мувофиқ. Жиноят кодексининг мазкур кўриб чиқиладиган моддаси оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутмайди, шунинг учун юқоридаги "Ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш" жиноятининг 2-қисмини:

"Ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш -

а) вояга етмаган шахс иштирокида;

б) икки ва ундан ортиқ ҳайвонларга нисбатан;

в) оммавий намойиш қилиш билан, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида ёки ахборот ва телекоммуникация тармоқларида (шу жумладан Интернетда);

г) бир гуруҳ шахслар, бир гуруҳ шахслар олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса - бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади." каби қўшимча ва ўзгартиришлар билан тўлдириш лозим.

Мафтуна ТОШЕВА,

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси катта-ўқитувчиси, Тошкент давлат юридик университети таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм 3-том/ М.Рустамбоев. – Тошкент: "Юридик адабиётлар publish", 2021. Б-67.
2. Мирошников В.С. Жестокое обращение с животными (уголовно-правовые и криминологические аспекты). // Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва. 2013. С-17.
3. Осокин Р.Б. Теоретико-правовые основы уголовной ответственности за преступления против общественной нравственности. Дис. ... док. юрид. наук. – М., 2014. С-346
4. Уголовный кодекс Российской Федерации" от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 08.08.2024) https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/
5. Уголовный кодекс Республики Казахстан от 15.04.2024 № 72-VIII. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226>
6. Уголовный кодекс Грузии. <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf>
7. Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 08.05.2024 г.) https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109
8. Уголовный кодекс Республики Беларусь Источник: <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275> – Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь
9. Animal Welfare Act 2006. The animal welfare (primate licences) (england) regulations. No. 296 2024. 5th March 2024 Coming into force in accordance with regulation. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2006/45/contents>
10. Animal welfare act of USA. 1966. <https://www.nal.usda.gov/animal-health-and-welfare/animal-welfare-act>

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ДОПУСТИМОСТИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ ПРИ РАССМОТРЕНИИ ЗАЯВЛЕНИЙ И СООБЩЕНИЙ О ПРЕСТУПЛЕНИИ

АННОТАЦИЯ:

в статье подробно анализируются процессуальные действия, выполняемые при проверке заявлений и сообщений о преступлении, в частности, соблюдение правил допустимости доказательств при проведении осмотра места происшествия. В связи с этим было изучено законодательство зарубежных стран, мнение ученых и специалистов, высказаны предложения по введению упрощенного порядка оформления результатов осмотра места происшествия.

Ключевые слова: *доследственная проверка, осмотр места происшествия, участие понятых, оформление доказательств и использование вспомогательных методов в этом процессе.*

ВВЕДЕНИЕ

Совершенствование деятельности по расследованию преступлений в нашей стране с учетом международных стандартов и передового зарубежного опыта, реализация принципов верховенства права и неотвратимости ответственности, дальнейшее совершенствование уголовно-процессуального законодательства, а также обеспечение прав и свобод личности, повышение качества процессуальных действий, сбор и закрепление доказательств в уголовном процессе должны осуществляться с учетом стандартов доказывания, широко применяемых в передовом зарубежном опыте.

Одно из следственных действий, которое может быть проведено на этапе доследственной проверки – это осмотр места происшествия. Проведение осмотра места происшествия позволяет оперативно проверить заявление или сообщение о преступлении, обнаружить, собрать и оформить доказательства. Результат своевременного и грамотно проведенного осмотра места происшествия является действенной гарантией выявления и раскрытия преступления.

ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Сегодня в следственной практике встречаются случаи несоблюдения уполномоченными должностными лицами требований законодательства и неправильного оформления результатов процессуальных действий. Например, при изучении материалов уголовного дела, возбужденного Генеральной прокуратурой Республики Узбекистан по пункту “а” части 3 статьи 266 Уголовного кодекса, было установлено, что, несмотря на тяжкие последствия данного преступления, в ходатайстве потерпевшего Ж. по данному уголовному делу было заявлено, что понятия П1 и П2, участвовавшие в процессе осмотра места происшествия, на месте происшествия не находились, а в протокол осмотра были включены неверные сведения.

Многие учёные полагают, что “осмотр места происшествия является важным следственным действием, и его качественное проведение обеспечивает успешность последующих результатов уголовного дела”, а некоторые авторы придерживаются мнения, что “осмотр места происшествия производится при наличии сведений о том, что преступление было совершено или следы его имелись на этом месте”.

Осмотр места происшествия как следственное действие регламентируется статьями 135-141 Уголов-

но-процессуального кодекса Республики Узбекистан. Это первое и самое важное следственное действие, которое нельзя откладывать и оно направлено на предотвращение уничтожения следов преступления вследствие природных воздействий и умышленной утраты. По этой причине следователю (лицу, производящему доследственную проверку, дознавателю, прокурору) при получении информации о происшествии (преступлении), независимо от погодных условий и времени, необходимо немедленно произвести осмотр места происшествия.

А.В.Белоусов, однако, отмечает, что “важное значение приобретает своевременность и безотлагательность следственных действий по сбору доказательств. Но даже отсрочка неотложных следственных действий в связи с возникшими обстоятельствами имеет важное значение для дальнейшей работы. Например, задержка осмотра места происшествия от темного до светлого времени суток увеличивает вероятность обнаружения чего-либо и обстоятельств, имеющих значение для дела”.

По нашему мнению, при осмотре места происшествия выявляются обстоятельства, имеющие большое значение для установления фактических обстоятельств происшествия и обеспечения объективного расследования, т. е. состояния, специфики исследуемых объектов. Также определяются такие обстоятельства, как характер произошедшего события, личность и цель преступника. Место, вещи и документы, труп, животные, окружающая среда и здания осматриваются с целью выявления следов преступления, вещественных доказательств, установления обстоятельств произошедшего и других обстоятельств, имеющих значение для дела.

Основной целью осмотра места происшествия является поиск имеющихся следов, вещественных доказательств и их оформление с непосредственным видением обстоятельств возникновения происшествия. Обстоятельства, выявленные при осмотре места происшествия, и найденные предметы приобретают доказательную силу после их оформления с соблюдением требований Уголовно-процессуального законодательства, или наоборот, если они не оформлены в соответствии с требованиями закона, следы преступления и достоверные вещественные

доказательства, подтверждающие совершение лицом данного преступления, также исключаются.

Результаты осмотра места происшествия должны быть отражены в протоколе. В протоколе должны быть полностью и четко указаны все обстоятельства, выявленные при осмотре места происшествия, то есть найденные и изъятые предметы. Потому что, если что-либо из указанного в протоколе не имеет отношения к преступлению, его легко исключить из числа доказательств, а то, что было исключено из поля зрения, трудно восполнить. Обстоятельства и вещи, выявленные при осмотре места происшествия, должны быть объективно отражены в протоколе. При этом ответственное должностное лицо, осматривающее место происшествия, не должно высказывать свое личное мнение и мнение других участников. Только после специальных проверок о результатах расследования будут выявлены конкретные стороны и признаки, связанные с конкретными обстоятельствами, а также с причастностью изъятых предметов к преступлению. Например, красные пятна, обнаруженные на месте происшествия, не всегда являются кровью, или нож или другой предмет, который находился на месте преступления, не всегда оказывается орудием преступления.

Поэтому нецелесообразно точно оценивать что-либо, является ли это орудием преступления, кровью, нефтью или чем-то еще. В протоколе должны быть указаны только их размер, цвет, запах и другие отличительные особенности. Протокол должен быть составлен на чисто узбекском (русском, каракалпакском) литературном языке, в нем не должны использоваться местные диалекты.

Зафиксировать вещи, выявленные и обнаруженные при осмотре места происшествия, необходимо в том порядке, в котором они были обнаружены. Расстояние между предметами и их размер следует указывать в метрах или сантиметрах. Неуместно использовать такие слова, как “спереди”, “слева”, “поближе”. Все участники должны подписать протокол и схему места происшествия.

Изучение практики показывает, что в большинстве случаев после поступления заявления (сообщения) о совершении преступления следственно-оперативная группа выезжает на место происшествия и осматривает его. При анализе времени и мест совершения преступлений выяснилось, что в городе Ташкенте и Ташкентской области преступления тяжкого характера в большинстве случаев совершаются с 18:00 до 06:00 утра. В частности, 55,1% краж, 57,1% грабежей, 60,3% разбоев, 60,6% умышленных убийств, 66,7% умышленных телесных повреждений были совершены именно в это время [16]. Из этого видно, что осмотр места происшествия в большинстве случаев приходится проводить в темное время суток.

В ходе проведенного опроса “Какие проблемы с оформлением доказательств существуют в практике ведения уголовных дел?”, 33,6 % респондентов ука-

зали на игнорирование участником следственных действий его предложений и возражений относительно содержания протокола, в котором отражены его процесс и результаты, 31,2 % указали, на отказ участника следственных действий подтвердить достоверность протокола, в котором отражены его процесс и результаты, 12 % указали, на несоответствие процесса и результатов следственных действий действительности, отраженной в протоколе, 9,6 % указали, что процесс и результаты следственных действий не отражены в протоколе в полной мере, 2,4 % указали, что в некоторых случаях возникают проблемы с обеспечением понятых для проведения следственных действий.

В этой ситуации орган или должностное лицо, проводящее осмотр места происшествия, сталкиваются с рядом трудностей при проведении этого следственного действия. В частности, в связи с невозможностью должностными лицами, осматривающими место происшествия обеспечить участие понятых в период с 22:00 до 06:00 в неотложных случаях, в большинстве случаев, наблюдаются привлечение общественных помощников, оперативных сотрудников или помощника инспектора профилактики. Однако, в некоторых случаях ограничиваются включением информации о понятых в протокол, даже если они не участвуют во время осмотра места происшествия. Это приводит к серьезному нарушению норм УПК, к недопустимости полученных и оформленных в ходе расследования доказательств и в конечном итоге к прекращению уголовного дела или вынесению оправдательного приговора.

В опросе, проведенном среди сотрудников правоохранительных органов и научно-педагогических работников, “Как вы относитесь к предложению отказать от обязательного участия понятых, если процессуальное действие будет фиксироваться видеозаписью?” 90 % респондентов выразили свою поддержку и заявили, что это поможет положить конец их чрезмерным отвлечениям, оцифровать производства следственного действия и сделать доказательства более допустимыми.

По данному вопросу в статье 170 Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации регламентировано 4 случая, связанных с участием понятых. В частности:

1) в случаях, предусмотренных статьей 182, частью третьей статьи 183, статьями 184 и 193 УПК РФ, следственные действия производятся с участием не менее двух понятых, которые вызываются для удостоверения факта производства следственного действия, его хода и результатов, за исключением случаев, предусмотренных частью третьей настоящей статьи. В случаях, предусмотренных статьями 115, 177, 178, 181, статьей 183 (за исключением случаев, предусмотренных частью третьей), частью пятой статьи 185, частью седьмой статьи 186 и статьей 194 УПК РФ, понятые принимают участие в следственных действиях по усмотрению следователя. Если в указанных случа-

ях по решению следователя поняты в следственных действиях не участвуют, то применение технических средств фиксации хода и результатов следственного действия является обязательным. Если в ходе следственного действия применение технических средств невозможно, то следователь делает в протоколе соответствующую запись;

